

1/3 К440  
1947-7

# ШАРК ЮЛДУЗИ

---

---

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ  
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

7

ИЮЛЬ



ТОШКЕНТ  
1947



~~25421~~

15421

СССР СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЯСИННИГ  
ХІ ПЛЕНУМИ

**ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ „ЗВЕЗДА“  
ВА „ЛЕНИНГРАД“ ЖУРНАЛЛАРИ ҲАҚИДА  
1946 ЙИЛ 14 АВГУСТДА ЧИҖАРГАН  
ҚАРОРИДАН СҮНГ СОВЕТ АДАБИЁТИ.**

*СССР Совет Ёзучилари Союзининг Бош Секретари  
үртоқ А. Фадеев доклади*

**Совет адабиёти юксалишда**

ВКП(б) Марказий Комитети адабиёт ва сан'ат масалалариға доир ўзининг тарихий қарорларини чиқарган кундан ва „Звезда“ хам „Ленинград“ журналлари түғрисида үртоқ А. А. Жданов килган докладдан бери ўн ой ўтди. Бу муддат унча катта бўлмаса-да, лекин бу қарорлар адабиётимизга самарали та'сир этди, бутун адабий ҳаётимизда юксалиш барпо қилди, буни биз ёзучиларгина эмас, балки бутун халқ равшан кўриб турипти. Бу юксалишни кўрсатадиган бирталай мисоллар бор. Аввало, кўп миллатли адабиётимизнинг асосий ёзучилар кадри ҳормай-толмай ишламоқдалар, фоят маҳсулдорлик блан ишламоқдалар. Бу ҳол айниқса проза соҳасида кўзга чалинади. Мен бирқанча ёзучиларнинг номларини айтиб ўтаман; уларнинг асарлари ё нашр этилган, ё ҳозир нашр этилмоқда, ёки ёзиг бўлинган, ё бўлмаса шундай бир аҳволдаки, улар 1947 йил охирида ё 1948 йил бошларида нашр этилади. Мана уларнинг номлари: М. Шолохов, К. Федин, И. Эренбург, В. Катаев, В. Каверин, В. Гроссман, Ф. Панферов, Ю. Герман, К. Симонов, П. Павленко, В. Инбер, В. Василевская, Ю. Смолич, А. Копиленко, Лео Киачели, Чайшили, Кутатели, В. Лацис, Абдулла Қаҳҳор, С. Муқонов, Мухтор Азизов.

Афсуски, сталинча янги бешийиллик мавзуини бу авторларнинг жуда ками ўз асарларида ёритмоқдалар. Шу ўтган давр ичидага фақат Москва ёзучилар ташкилотигина мамлакатнинг турли районлариға, я'ни қурулишлар блан колхозларга юзтacha киши юборди. Лекин шу юз ёзучи орасида катта адабиётчиларимиз жуда кам учрайди.

Мен ҳарбир асарни тафсирлаб ўтирмайман. Лекин ба'зиларини қайд этмоқчиман. Даставвал К. Симоновнинг „Ватан тутуни“ номли повести устида тўхташга тўғри келади. Бу повесть яқинда тайёр бўлади. Бу каттагина асар ҳозирги куннинг асосий мавзунини, совет ватанпарварлиги мавзуини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Совет ватанпарварлиги мавзуи совет ёзучиларининг аксар асарларида у ё бу шаклда гавдаланиб турса ҳам, лекин К. Симоновнинг повестида бу мавзу' яққол ифодаланган. Бунда бизнинг совет кишимиз, совет ҳаётимиз ўрта даражали американ ҳаёти блан таққос қилинади. Повесть сюжети чигал эмас. Бир совет граждани Америка Кўшма Штатларида икки йил ишлаб СССРга қайтади; урушнинг сўнгги ва урушдан кейинги биринчи йилларида ишлайди. К. Симонов ўзининг бу му жазгина повестида бизнинг совет тузумимиз капиталистик тузумдан устун эканини яққол кўрсатади; капиталистик жамиятда пул ҳукмроҳлик қиласди, мешчанлик ҳаётнинг бутун ич-ичига сингиб боради, ўз ихтиёридаги барча имкониятлардан фойдаланиб, инсон онгини заҳарловчи ҳукмдорлар кишиларни одам безорилик назарлари блан суғорибгина қолмайдилар, балки уларни ўз шахсий ҳаётини қуришга, буржуа дун'ёсида инсон ҳаётининг асосий регулятори бўлган доллар орқасидан қувишга интилтиради. Бу мавзу' ҳозирги кунда жуда катта ва муҳимдир.

П. Павленконинг ёзиб бўлинган „Бахт“ номли романини ҳам тилга олгим келади. Лекин П. Павленко бир колхознинг уруш сўнгги йилидаги ҳаётини тасвирлагани ва жангларда чиникқан киши районда, колхозда қандай қилиб илгор киши бўлганини. Я'ни колхоздаги энг илгор нарсаларни ўз теварагига жамғара олганини кўрсатгани учунгина тилга олмоқчи эмасман. П. Павленконинг бу романида замонамизнинг асосий мавзуи — совет ватанпарварлиги мавзуи ривожланади. Социалистик ватан ҳаёти душманни қувиб бориб Ўарбий Европа чегараларидан ўтган ва солдатларимиз блан офицерларимиз ўз кўзлари блан кўрган четэл ҳаёти блан таққос қилинади.

Барча республикалардаги шоирларимиз ҳам, адилларимиздан қолишмай, самарали равища ишламоқдалар.

Ше'рий асарлар орасида бирқанчасини, даставвал Николай Тихоновнинг Югославияга бағишлиланган ше'рларини қайд этиб ўтмоқчиман. Бўйажойиб ше'рий китоб славян халқлари орасида ги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида катта хизмат қиласди. Сўнгра Н. Заболоцкийнинг „Новый мир“ журналида босилган ше'рларини қайд этиб ўтиш лозим; бу ше'рлар кунимизнинг асосий мавзуи — курилишимизга бағишлиланади; қозоқ шоири Бекхожининг „Келтемасат“ ва „Сир-дарё афсоналари“ номли ше'рлари ҳам диққатга сазовор. Бекхожи илгари қозоқ ботирларини мадҳ қилишни севар эди; ан'ана туисига кириб қолган эски мавзу'дан ҳозирги кун мавзу'ларига ўтабошлагани унинг шу ше'рларида айниқса яққол кўриниб турипти; энди унинг қаҳрамони бизнинг замондошимиз — янги ҳаёт қуручи кишидир.

Драматургларимиз зўр бериб, самарали равишида ишламоқдалар. Кўзга кўринган драматургларимизнинг пьесалари шу давр ичидаги қаламдан чиқди, ба'зилари эса саҳнага қўйилди, бошқалари эса тайёр бўлиш олдида турипти. Улар К. Симонов, Н. Погодин, С. Михалков, Б. Горбатов, М. Алигер, В. Кожевников ва И. Прут, Б. Ромашов, Вс. Иванов, А. Софонов, В. Овечкин, П. Маркиш, А. Якобсон, Ило Мосашвили, С. Шаншиашвили ва бошқаларнинг пьесалариdir.

К. Симоновнинг „Рус масаласи“ номли пьесаси ҳақида сўзламайман. Энди унинг аҳамияти ҳаммага ма'lум. Колхоз мавзуида ёзилган уч пьесани қайд этиб ўтмоқчиман; улар В. Овечиннинг „Чўзинчоқ ёз“, П. Нилиннинг „Ёруғ дун'ёда“ ва Н. Виртанинг „Бизнинг риэз-рўзимиз“ номли пьесалариdir. Бу пьесаларнинг яхши томонлари ҳам бор, камчиликлари ҳам. Булар орасида колхозчи аёлларимизнинг характерларини тўғри тасвирлашда В. Овечиннинг пьесаси баланд туради деб ўйлайман. Афсуски, пьесада В. Овечиннинг „бориб турган адаблиги“ бўртиб турипти; пьесанинг камчилиги ҳам шунда, лекин бу камчиликларни йўқотиш мумкин, чунки пьесада ёнг муҳим нарса — жонли кишилар бор.

Менингча, П. Нилиннинг „Ёруғ дун'ёда“ номли пьесаси, гарчи камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, ҳарҳолда талантли, қийматли пьесадир. Унинг мавзуи — ҳаётий мавзу'дир; унда колхозчилар худбинлик блан кўзланган шахсий манфаатларга қарши ўзларнинг ижтимоий манфаатлари учун курашадилар.

Н. Виртанинг пьесаси — партия ва ҳукуматнинг колхозлар ҳақидаги ма'lум қарорларига мос бир асардир. Лекин бунда ҳам камчиликлар йўқ эмас: асар жуда шошқалоқлик блан ёзилган; Н. Вирта майший сифатларини ёрқин кўрсатиб берган иккинчи даражали образлар анча муваффақиятли чиқсан-у, лекин асосий, муҳим персонажлар хом ишланган, Н. Вирта бу пьеса устида ҳамон ишламоқда, охири уни болта қилиб ишлади. Туб ҳаётий мавзу'ларни ўз ичига олган бу хил драма асарларининг майдонга чиқишига қувонмай бўлмайди.

С. Михалковнинг „Қизил галстук“ номли пьесасини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Бу пионер ёшидаги болаларимиз ҳақида ғоят жиддий ма'навий мавзу'га бағишлиланган яхши, тўлақонли ҳозирги замон пьесасидир. Унинг катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Совет адабиётимизнинг усталари деб аташимииз мумкин бўлган ёзучиларнинг асарлари орасида шубҳасиз янги мавзу'ларга ўтиш қанчалик қийин бўлганини кўрсатучи асарлар ҳам бор. Бу айниқса қийин жанр бўлгани учун драматургия соҳасида кўпроқ кўзга чалинади. Бунда авторларимиз кўпроқ муваффақиятсизликка учрамоқдалар. Шундай бўлса ҳам ёзучиларимиз олиб бораётган ишлар совет адабиётидаги юз берган асосий бурилишдан да-лолат беради.

Фоят талантли ёшларнинг адабиёт соҳасига мислсиз равишида кириб келиши совет адабиётининг юксалаётганини кўрсатучи жиддий аломатлардир; ёшлар асосан поэзия соҳасида кўринаёт-

ған бўлсалар ҳам, лекин бу проза соҳасида ҳам кўзга чилинмоқда; афсуски, драматургияда камроқ кўринадилар. Ёш шоирлар ва адиларнинг номларини санаб чиқиш қийин, улар шу қадар кўп. Журналларимизни ўқиб боручи ҳарбир киши буни билади. 1946 йилда Сталин мукофотларини олганлар орасида янги авторлар, шу жумладан биринчи марта китоб ёзган кишилар борлиги юқоридаги да'вонинг ёрқин далиллариdir. Stalin мукофотига сазовор бўлган асарлардан ташқари, проза соҳасида Г. Березко, Т. Семушкин, Э. Казакевичларнинг ажойиб асарлари бор. Г. Коноваловнинг „Университет“ номли романи „Октябрь“ журналида босилабошланди. С. Бабаевскийнинг романи ҳам ўша журналда босилди. Ниҳоят, А. Гончарнинг „Яловбардорлар“ номли ажойиб романининг икки қисми („Новый мир“ журналида) босилиб чиқди.

А. Гончарнинг романи жуда қувонтиради, сабабки унинг ўзи ҳам адабиёт соҳасида янги киши, ҳам украинлар орасидан чиққан янги адиб; украин прозасида кўп вақтлардан бери янги кучлар оқини кўринмай келар эди. Ҳозир украин прозасида катта юксалиш бошландики, А. Гончар каби талантли ёзучининг пайдо бўлиши мазкур юксалишни кўрсатути энг яхши далилдир. Г. Коноваловнинг „Университет“ номли романи асосан урушдан олдинги даврни тасвирлайди. Унда олий мактабларимиз, профессорларимиз ҳаёти биринчи марта ўлароқ кўрсатилади. Романда биз учун муҳим бўлган учта асосий пайт: турли фан соҳаларига марксизм-ленинизмнинг кириб бориши; танқид кўзидан ўтказмасданоқ гарбдан олинган илмий меросларни кўриб чиқиш лозимлиги, биз Россияда табиёт оламида ҳам, гуманитар фанлар оламида ҳам қанчали бойликларга эга эканимиз ҳақидаги тушунчаларнинг олимларимиз онгига тобора кўпроқ синга боргани тасвирланади. Ана шу романда XIX асрдаги рус фалсафасининг аҳамияти жуда баланд кўтарилиган. Унда халқ орасидан илм олиш сари отилиб чиққан одамларнинг ҳамон кўпайиб боргани ҳам кўрсатилади.

С. Бабаевскийнинг повести ҳозирги колхозга бағишлиланган. Бу социалистик зироат кишилари ҳақида ёзилган ше'рий бир асардир.

Барча ёш шоирларимизнинг номларини санаб чиқишга сра имкон йўқ, лекин улардан ба'зиларини қайд этиб ўтишини истар өдим. М. Луконин, — бу жуда жиддий суратда ишлайди ҳам ҳозирги замон мавзуз'ларида ёзади; „Кишлоқ совети устидаги байроқ“ поэмасининг автори А. Недогонов; Н. Тряпкин, бу-гарчи тўла қонли шоирликдан ҳали узоқда бўлса ҳам, колхоз воқи'лигимизда учрайдиган ҳарқандай янгиликни равшан кўради.

Грузиянинг талантли ёш шоирлари Маргиани блан Нонеи-швили, ўзбек шоирлари Мирмуҳсин блан Асқад Мухтор ўз ше'рларида ҳозирги замон мавзуз'ларини барада кўтармоқдалар. Мирмуҳсиннинг қаҳрамони пахтакор-колхозчи, Асқад Мухтор эса (балки ўзбек адабиётида биринчи мартадир) ишлабчиқаришдаги ўзбекни кўрсатади. Ёш қозоқ шоири Мулдагалиев ўз ше'рларида К. Симонов блан П. Павленко асарларида қайд этиб ўтганимдек

совет ватанпарварлиги мавзуини олади ва биздаги воқи'ликни  
четэл воқи'лиги блан тақъос қиласы. Драматургияда ҳам янги  
ёш қаламлар пайдо бўлди, лекин булар асосан адиллардан иборат  
дир. ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорлари ёш ёзучилар  
учун йўл тозалаб берганини мана энди айниқса очик-ойдин кўриш  
мумкин. Ёшлар адабиётга ҳозирги кун мавзуи блан кириб  
бормоқдалар. Бу бизнинг катта ғалабамиздир. Биз кечириб турган  
юксалишининг иккинчи далили ана шулардан иборат.

### Адабий-бадиий журналлар яхшиланмоқда

Адабий-бадиий журналларимиз шубҳасиз яхшиланниб бормоқда.  
Улар анча мароқли бўлиб, редакторлар таҳрири сезилабошлади.  
Юқорида мен айтган нарсаларнинг ҳаммаси журналларда босилди  
ва босилиб бормоқда. Журналлардаги ижтимоий-сиёсий бўлимлар  
ҳам танқид ва библиография бўлимларининг бир мунҷа яхшиланганини  
айниқса қайд этиб ўтиш лозим. Журналлардан ҳаётимизнинг турли-туман  
масалаларига доир, ҳалқаро мавзу'ларга ва фалсафа ҳам тарих  
масалаларига доир, мақолаларни топиш мумкин. Журналлар ССР  
ҳалқларининг адабиётларига кўпроқ этибор берга бошладилар.  
Қардош республикалардаги шоирлар ёки адиларниң у ё бу асари  
босилмаган биронта журнал сонини топиш қийин. Славян ёзучиларининг асарларини таржима қилишга зтибор  
ошди.

Совет адабиётимизнинг янги из блан кетишида танқид ва библиография  
асосий ғоявий пишгандир. Шу важҳдан ҳам, журналларда мазкур  
бўлимларнинг кучайиб бораётгани факти адабиётимизда танқиднинг аҳамияти  
үсганини далолат қиласы.

Партияниң адабиёт соҳасидаги хатти-ҳаракатини уқтириб беруучи  
мақолалар айниқса қимматлидир. Қўйнагилар ана ўшандай  
мақолалардандир. Б. Мейлахнинг „Вех“ мафкурасига қарши  
Ленин кураши“ ҳам „Ленин ва реакция даврида сан'ат масалалари“  
(„Звезда“) номли мақолалари; Б. Яковлевнинг „Улуғ принцип“  
(„Новый мир“) деган мақоласи; „Новый мир“ журналининг  
„Большевиклар партияси ва совет адабиёти“ сарловҳали редакция  
мақоласи; В. Куриленковнинг „Адабиётни ғоя блан та'минлаш  
курашида „Звезда“ ҳам „Правда“ („Новый мир“) номли мақоласи.

Рус адабиётининг ажойиб инқилобий-демократик ан'аналарига  
бағишиланган бирқанча мақолалар босилди. Улар И. Векслернинг  
„Звезда“ журналида босилган „Софсан'ат“ назарияси блан курашда  
40 — 60-ичи йиллардаги рус танқидчилиги ан'анаси“ номли мақоласи;  
В. Евгеньев-Максимовнинг яна ўша журналда босилган  
„Софсан'ат назариясига қарши курашда Некрасов“ сарловҳали  
мақоласидир.

Адабий танқидчилигимиз реакцион буржуза назарияларини ва  
Гарбий Европада пайдо бўлаётган „мода“ оқимларни кўпроқ  
активлик блан фош қилабошлади. Ҳозир ҳам ана ўша мавзу'ларда  
А. Лейтес, А. Исбах, М. Мендельсон, Б. Песис мақолалари тез-тез  
босилиб турипти. Социалистик реализм масалаларига боришилантан

бирталай мақолалар боссилиб чиқди; улар: В. Ермилов („Литературная газета“), Л. Субоцкий) („Новый мир“) М. Чарний („Октябрь“) мақолалари ҳамда А. Волковнинг („Звезда“) блан Д. Даниннинг („Знамя“) икмеизм меросини фош қилучи мақолалардир.

Булар ҳам социалистик реализм назариясини ишлаб чиқиш масалалари соҳасида ташланган биринчи қадамгина, лекин шундай бўлса ҳам бу манфий ҳодисадир.

Адабиётшунослик соҳасида бирталай қиматли илмий асарлар майдонга келди, булар ўтган замон адабиётини ҳозирги замоннинг актуал масалалари блан боғлайдилар.

Бу масалада Некрасов асарларидан тузилган „Адабий мерос“ тўпламини қайд этиб ўтиш керак бўлади; бу тўплам ҳужжат материалларини сайлаш жиҳатидан ҳам, мақолалари жиҳатидан ҳам ажойибdir. Унда Некрасов соф сан'ат назарияларига қарши кураш олии боргага курашчи шоир сифатида, улуг рус шоири — революцион-демократ сифатида тушинтирилиб, та'риф этилган. Яқинда В. Кирпотиннинг „Еш Достоевский“ номли китоби босмадан чиқиши керак; бу бизнинг замонимизга тўғридан-тўғри алоқадор бўлган бир қатор масалаларни кўндалант қўйган ғоят жиддий илмий бир асардир.

Б. Баликнинг Горъкий ҳақида ёзган қиматли китоби боссилиб чиқди; унда Горъкий ўтган йўл тўғри таҳлил қилинади, социалистик реализмга доир муҳим масалалар ёритилади.

Замондошлар ҳақида биринчи монографлар пайдо бўлаётir. И. Векслер Алексей Толстой ҳақида ёзмоқда, Л. Скорина, П. Бажов тўғрисида ёэди.

Журналларда совет ёзучилари ҳақидаги монография мақолалари боссилмоқда.

„Советский писатель“ нашриётининг иши жонланади, „Литературная газета“ ишида ҳам яхшиланиш сезилабошлади, у мафкура масалаларини кескин қўядиган бўлди. Лекин „Литературная газета“ ҳам, қалин журнallаримизда ҳам танқидчилигимиз биз кутган рольни ўйнамаётir.

Журналлар, нашриётлар, „Литературная газета“нинг ҳам яхшилангани, албатта, адабий ҳаётимизда юз берган юксалишни кўрсатади.

### Адабий ташкилотларнинг аҳволи

Юксалишнинг тўртинчи бегараз аломати шу: ёзучилар ташкилотларимизда турмуш илгаригидан жонлироқ тус олди, секциялар, комиссиялар яна ҳам активроқ ишлайбошладилар, ташкилотларимиз ҳаётига кўпроқ назар ташламоқдалар, бевссита ижодий масалалар блан кўпроқ шуғуланмоқдалар.

Ба’зи Республикалардаги ёзучилар ташкилотларининг иши устида тўхтаб ўтмоқчиман. Ғоявий душманни тўғри аниқлаб олган, Маркази Комитетнинг доно қарорларини тўғри қўллана билган, кишиларнинг онгода ғоявий равшанлик түғдира олган ёзучилар ташкилотларида ҳаёт чашмадек қайнамоқда.

Масалан, Украина олинг. Украина адабий ҳаётимизда шубҳасиз катта юксалиши бошдан кечираётир. Нима учун? Шунинг учунки, у Украина партия Марказий Комитетининг ёрдами блан душманни жуда тӯғри аниқлаб олди; душман эса — тарихий фан соҳасида, адабиётпӯнослик соҳасида, адабиёт бобидаги буржуа миллатчилиги қолдиқлариdir.

Марказий Комитет қарорларидан сўнгги биринчи ойларда Белоруссия сра олға силжимади, чунки у ердаги ўртоқларимиз гоявий курашни қай томонга қараб олиб бориш кераклигини дархол аниқлаб олабилмадилар. Кейин эса белорус ўртоқларимиз ўз адабиётларидаги гоявий хатоларни партия ёрдами блан очиб ташладилар, мана энди уларнинг ҳаёти ҳам жонланди.

Болтиқ бўйи республикаларида аҳвол мураккаброқ, чунки у республикалар ҳали ёш. У ерларда оқсаб-тўксаб бўлса ҳам гоявий позицияларни аниқлашга, гоявий хатоларни танқид этишга мусассар бўлинди. Ҳозир Болтиқ бўйи республикаларида, я'ни Латвия, Литва ва Эстонияда, шубҳасиз бурулиш юз берди. Бу, даставвал, шундан малумки, бирмунча каттароқ ёшдаги ёзучилар совет мавзу'ларида ёзабошладилар, замонамиз ҳақида ёзаётган янги ёзучилар пайдо бўлди.

Қозогистон партия Марказий Комитети Қозогистон тил ва адабиёт институти ишларидаги миллатчилик бузғунлигини очиб ташлаганга кадар у ерда адабий фронт жуда ҳам қониқарсиз аҳволда эди. Қозогистон партия Марказий Комитети, у бузғунликларни очиб ташлаб, катта принципиаль қарор чиқарди.

Ҳозир республика ёзучилар ташкилотининг аҳволи анча тузалди. Бу даставвал журнallардан ма'lум. Масалан, қозоқ адабий журналининг 2-чи ва 3-чи сонларига назар ташласак, ҳозирги замон мавзу'ларига юз ўгирилганини кўрамиз. Ори рост, ше'рлар ҳақида гапирилмагандага ҳам (поэзия у ерда олдинда бораётир), ҳозир очерклар кўпроқ, лекин у очерклар орасида Авезовнинг ажойиб очерки бор. Шундай қилиб, бурулиш ҳосил бўлди, турмуш жонлироқ тус олди.

Лекин шундай ташкилотлар ҳам борки, у ерда гарчи одамлар яхши ёзсалар ҳам, лекин адабий ҳаётлари жойида эмас.

Масалан, Арманистонда янги асарлар майдонга чиқаётir, ше'рлар ёзилаётir,—бундай нарсалар бору, лекин жонли жамоатчилик ҳаёти кўринмайди. Катта арман ёзучилари ишга кам қатишадилар. Арман ўртоқларимиз янги масалаларни олдинга сурмайдилар. Уларнинг матбуотида танқид' кўп вақт гоявий кураш марказида туриши керак бўлган ҳодисаларга қаратилмайди. Яқинда секретариат ёш арман ёзучиси Анаит Саинян асарини текширди. Асарда жиддий, лекин ўртоқларда танқид қилиниши лозим бўлган катта хатолар бор. Иш процессида хатоларини тузатиши учун авторга ёрдам бермаган редактор ҳам ўша танқид олови остига олиниши лозим эди.

Арманистонда танқид Анаит Саинян китобига тошбўрон бўлиб ёзилмоқда, қоатqr-қатор даҳшатли мақолалар ёзилмоқда. Унинг

китоби атрофида кутаришган бу дудмол шонқин ҳонуз давом этиётir.

Ажабо, ёш ёзучи хонимни фош этишга шу қадар жонжаҳдлари блан киришган арман ўртоқларимиз тарихий фронтда, адабиётшунослик соҳасида Арманистоннинг катта ёзучилари томонидан ёзилган тарихий романлар бобида нималар бўлаётганига нечун қайрилиб қарашмас эканлар? Арманистон тарихига оид нарсалар тўғри таҳлил қилинмоқдамикан?

Раҳбарлигимиз бобида энг катта камчилик шундан иборатки, кўп масалаларда пайпаслаб иш кўрамиз, маҳаллий ташкилотларга кам ёрдам берамиз. Союз раҳбарлиги, Арманистонда ёзучиларни тарбиялаш блан шуғулланмайдилар ва ёш ёзучининг муваффақиятсизлигини сиёсий ишга айлантириш юбораёздилар, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки у масала теварагидаги одамлар қандайдир бир ҳаққониятсизлик борлигини сезадилар. Арманистон ёзучилари союзида эса Анант Сайнянга қандай қараш масаласида бирдан қорама-қаршилик чиқиб қолади. Бизга шуниси зарурми? Йўқ, биз барча кучларнинг ҳақиқий, ғоявий душманларга қарши кураш теварагига жипслашувини, тўғри ишлат имконини берадиган ғоявий равшанлик бўлувини хоҳлаймиз.

Молдаван шоирлар чакки ишламаётирлар, янги ше'рлар бермоқдалар. Лекин Молдавия ташкилотининг аҳволи қониқарли эмас. Бунинг боиси нимада? Боиси шундаки, партия Марказий Комитетининг қарори чиққанда, молдаван ўртоқларимиз ўз маҳсулотларини ёппасига бутун халқ муҳокамасига қўйиб, бир-бirlарига тош отабошладилар. Натижада бутун молдаван адабиёти партия Марказий Комитетининг қарорлари асосида танқидга муҳтож бўлиб чиқди.

Ҳақ гапни айтганда, молдавиялик ўртоқлар, сизларнинг фикрингизга қўшилаолмаймиз. Аксарингиз бизга манзурсиз. Сизлар ҳақингизда фикримиз яхши. Демак, бу масалада алла қандай хато ҳаракатда бўлгансизлар. Бир-бirlарингиз блан уришиб, ёқалашиш даражасига келгансизлар, ижтимоий ҳаётингизни эса унутгансизлар. Молдавиянинг Емельян Буков каби яхши шоирини „ғоявий душманингиз даражасига келтириб қўйишингизга қўшилаолмаймиз. Мен ўйлайман, Буковда ҳам, кўп шоирлардаги сингари, хато бўлиши мумкин. Лекин Буков асарларининг таржи-масини ўқиймиз, у ёмон шоирга ўхшамайди. Ҳақиқий ғоявий душманни кўрабилиш керак, бир-бирини уришдан нима чиқади?

### **Замонамиз мавзу'ларига қараб бурулиш воясига етганича йўқ**

Адабиёт—юксалишда. Бу ҳақ тан. Лекин ишимишнинг 'зайф' гомони даставвал қаерларда кўриниади? Анчагина муддат ўтганига қарамай, замонамиз мавзу'ларига қараб бурулиш ясайолмадик, ҳолбуки буни биздан халқ кутмоқда эди. Бешийиллик иланларимизнинг проблемаларини ёритган ва халқ орасида ўз аксиадосини топган асарлар ҳали жуда кам. Уруш вақтида биз ўз қуролимиз блан галаба хизматини қиласиз деб тўғри муҳокама

Әтәрдик. Наҳотки ҳозир, бешіллік даврида, шу отыр шаронтыларда, аввал бешіллік бажарылсın, кейин уни „тасвиrlаб ёзаман“ — деб қараб ўтиrsак? Адабий мұхитимизда малум қиishайшлар бор, улар бизни замонамыз мавзу'ларига ўтказмайды, йүли-мизда түғон бўлади. Пастдан то юқоригача бўлган ташкилотларимизнинг ишида катта заифлик бор, биз одамларда янги мавзу'ларга ҳали илҳом туғдираолмаймиз, турмуш блан яқинроқ алоқада бўлишларига ташкилий ёрдам бералмаймиз.

Б. Галин индустролямиз қурулиши мавзууда, ишчи кишимиз ҳақида „Донбассда“ деган жуда ажойиб очерк ёзди. М. Шагинян яхши очерклар берди, республикаларда ҳам ба'зи асарлар майдонга чиқди, мен уларни юқорида айтиб ўтдим. Лекин булар жуда ҳам камлик қиласди.

Колхоз мавзуи соҳасида, юқорида мен айтиб ўтганлардан ташқари, Г. Мединскийнинг „Марья“ номли романы, Д. Стоновнинг „Илк саҳар“и, Е. Мальцевнинг „Қайнар булоқлар“и, Н. Топчаковнинг „Чарома“си босилиб чиқди. Камчиликлари бўлса ҳам, лекин улар керакли асарлар.

Замонамыз ҳақида асарлар кам әкан, бунда танқид ҳам айбор: у адабиётни халқ әхтиёжи кўзи блан қараб чинакамига текни-рияга ҳали ўрганганича йўқ.

### **Совет ватанпарвардиги ва четэл олдида тиз чўкиш ҳақида**

Замонамизнинг марказий, асосий бир мавзуи бор: қолган барча мавзу'лар ўша атрофида йигилади. У — совет ватанпарварлиги мавзуудир.

Биз совет жамиятимизнинг нималигини, биз совет кишилари нима эканимизни, капиталистик жамият блан, империализм, капитализм тарбиясини олган киши блан таққослаб, бутун халқимизга ва бутун инсоният оламига кўрсатишмиз керак.

Совет тузумимизнинг нималигини, унинг қандай устунликлари борлигини биз ёзучилар бошқа ҳарқандай кишилардан купроқ айтаоламиз ва айтишимиз керак, совет кишисининг улуғворлигини кўрсатиб беришимиз керак. Бу кўп вақт давом этадиган энг катта мавзу'дир. Бу мавзу' турли-туман, кўп ёқламадир. Лекин ҳарнима бўлса ҳам бу мавзу'ни кўтаришимиз керак. Партия Марказий Комитетининг қарорларида айтилганидек, интелигенциямиз айрим вакиллари орасида четэлга тақлид қиласи, четэл нарсалари олдида тиз чўкиш ҳали тамом битган эмас. Бу совет ватанпарварлиги мавзу'ини барала кўтариш учун биз адабиётчилар орасида, адабиётимизда четэл нарсалари олдида бўлган тиз чўкиш ҳолларини равshan кўрабилишимиз керак.

Бизнинг танқидчилигимизда Farb реакцион мафкурасига қарши ҳужумга ўтилган бўлса-да, лекин танқидчилар блан адабиёт-шунослаrimиз орасида бу масалани равshan тасаввур қилолмайдиган кишилар ҳали борга ўхшайди. Бу масалани аллақачонлари равshan билиб олиш керак эди.

Адабиётимизда Farb олдида тиз чўкиш ҳоллари борми? Ҳа, шундай ҳоллар йўқ эмас. И. Нусиновнинг „Пушкин ва жаҳон

адабиёти" номли китобига қарши „Культура и жизнъ" газетасида Н. Тихонов, жуда түғри мақола блан чиқди.

И. Нусиновнинг у китоби 1941 йилда чиққан бўлса ҳам, ҳечқандай танқидга учрамай узоқ умр кўрди, ҳолбуки у жуда зарарли китоб.

Маркс ва Ленин томонидан кашф этилган ижтимоий тараққиёт қонунлари — умумий қонунлардир, лекин Маркс ҳам, Ленин ҳам жамиятнинг „давлатсиз“, „миллатсиз“ тараққий топаолишини тасаввур этмаганлар. Шунинг учун Маркс блан Энгельс, айниқса Ленин блан Сталин ҳарбир халқ, давлатнинг ўз тараққиётини уқдириш йўлида озмунча асарлар ёзмадилар. Бусиз ҳечқандай марксизм бўлиши мумкин эмас эди.

Жаҳон адабиётида Пушкин эгаллаган ўринни қандай белгилаш мумкин? Бунинг учун, Пушкинни барпо этган миллий заминни таҳлил қўлмоқ лозим. Пушкинни 1812 йилги Ватан урушиси тасаввур этиб бўладими? Йўқ, у Ватан уруши Россиянинг яқин ўн йиллар мобайнидаги тараққиёт йўлини белгилаб берди, Россиянинг XIX асрдаги бутун тараққиётини ма'лум ма'нода белгилаб берган эди. Маэкур уруш Россияни иқтисодий жиҳатдан капитализм тараққиёти йўлига солиб юборди. Ҳадқандай ҳаққоний уруш сингари, у уруш ҳам рус халқининг кучини ўз кўзига дандагл кўрсатди, унинг миллий фуруруни оширди.

Грибоедовнинг ёзиб улгирмаган, конспект ҳолида қолган бир пьесаси бор, у ўша пьесада рус крепостной деҳқонини, ўша крепостной деҳқоннинг Ватан уруши оловларидан, бутун Европадан ўтиб, улуғ кишига айланганини кўрсатмоқчи бўлган эди. Лекин Россия тараққиётида бўлган қарама-қаршилик шундан иборат эдик, ўша улуғ киши, уйига қайтса, помешчик отхонада ўлгу-дек калатклаши мумкин эди.

Пушкин — Наполеон устидан қозонилган ғалаба натижасида рус миллати етиштирган улуғ зотдир; Наполеон устидан ғалаба қозонишда улуғ рус миллати ўзининг баҳодирона тарихий кучини кўрсатган эди.

Лекин Нусиновнинг „Пушкин вл жаҳон адабиёти“ деган китоби олдимиизда турипти. Бу китобда 1812 йилги Ватан уруши ҳақида чурқ ҳам дейилмайди. Ҳатто Пушкин ҳаётлигига Россияда юз берган ҳодисаларни таҳлил этишга ҳам урунилмайди. Бу китоб Пушкин „Европалик“ бўлгани ва Фарбий Европа ташлаган барча саволларга ўз жавобларини топгани учун улуғвор эди деб кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ҳолбуки марксист бу китобнинг асосий фикрини Пушкин генийлиги рус миллати тарихий тараққиётининг хусусиятлари ифодасидан иборатдир деб кўрсатишга мажбур эди.

Пушкиннинг довруғи бир вақтлар Европада у қадар катта бўлмаганини Нусинов жуда ғалати изоҳлайди. Нусинов қибралавиб кетган жоҳил Европа ўша вақт улуғ рус миллати қандай ҳодисаларни бошидан кечираётганини кўрмаганлиги ва шу сабабли рус халқининг Пушкиндең генийсига менсимай қараганлиги учун унинг допруғи у қадар ёйилмаган эди деб изоҳламайди. У

эса буни Пушкин — „Европалик“, Фарбий Европа генийлари орасидаги бир шахс, шунинг учун у ерда донг чиқаралмади дес изоҳ этади.

„Бизга туюлишича, Пушкин гарб ёзучиси ва ўқучиси дикқатини шунинг учун ҳам камроқ жалб этган бўлса керакки, — деб ёзади Нусинов, — у... фақат ўз маданияти жиҳатидангина эмас, балки ўзининг ижодий интилиши блан, ўзининг дун'ёга қараши блан, ўзининг бутун фалсафий характери блан, Толстой ва Достоевскийга қараганда, шубҳасиз умум Европа ёзучиси эди“

„...Толстой блан Достоевский, ўзларининг шарқ идеалларини, Россия идеалларини қарши қўйиб, Фарбни инкор қилишар эди“. Худди „Шарқ идеалларини, Россия идеалларининг деб айтилган! Шу назарияга кўра, у китоб: ма'рифат Фарбдан келади, Россия все „шарқ“ мамлакатидир деб да'во қиласди.

Пушкин миллатсиз киши, умум жаҳон, умум Европа, умум инсон кишиси қилиб кўрсатилади. Ўзинг ҳам мансуб бўлган ва тарихий равишда дун'ёга келган бир миллат орасидан гўё сакрабчикиш мумкин, гўё миллатсиз, миллат ташқарисида, умум инсон кишиси бўлиб олиши мумкин эмиш.

Ҳарқандай тутуруқсиз китобда бўлганидек, бунда ҳам, албатта, турла муддоға қолқонлари бор. Пушкин ҳақида қандай бўлмагур нарсалар айтиладио, келиб-келиб, сатр орасида, Пушкин улуғ рус генийси эди, деб томдан тараша тушгандаи шишилади. Лекин, Нусиновча, ҳамма гап шундаки, Пушкин „Фарбий маданиятни давом эткизib, чуқурлаштириб борган“, сабабки рус халқининг келажаги Пушкин назариди „гарб йўлидан ташқарида бема‘ни бўлиб кўринган“.

Нусинога кўра, Пушкин гарбий европалик бўлганидан, „Евгений Онегин“, „Полтава“, „Жез отлик“ эртаклар Пушкини, энгай Арина Родионовна куйчиси Пушкин у назариётчи учун бутунлай фарқсиз экани табийдир. Шу учун ҳам бутун китоб „Фауст“дан бир саҳна“, „Ҳасис ботир“, „Моцарт ва Сальери“, „Пеш меҳмон“, „Вабо ичиди бир базм“, „Анжело“ бобларидан-гина иборатдир.

Нусинов азали-аввалдан бери гўё абстракт равишда давом этиб келаётган „жаҳон“ мавзу'ларини таргиб қиласди. Пушкин Нусинога кўра шунинг учун ҳам гениал бир кишики, абстракт равишда давом этичи бу жаҳон мавзу'ларини ўзича ҳал қиласди. Шу сабабли мазкур бобларининг ҳаммасида Фарбий, Европа ёзучилари блан шоирларининг фамилиялари пайдар-пай учрайди ва Нусинов бир асрдан иккинчи асрга бегамлик блан сакраб ўтади. Пушкин номи ҳам ўша конвейерда лип этиб чиқиб қоладио, Фарбий Европа ёзучиси олдинга сурган аллақандай нарсани гоҳ у давом этдиради, гоҳ бирон гарбий Европа ёзучиси Пушкиндан сўнг алланарсани давом этдиради.

Бу китоб, бошқа ҳарқандай нуқсонлардан ташқари, тоят адабсиз бир китобдир. Четэл нарсалари олдида бўйин эккан Нусинов Шекспирни Толстойдан ўз ҳимояси остига олади. У қандай ҳимоя қиласди?

„Шекспирни Толстой қилган танқид ноҳақ әканлиги айниқса шундан равшандир (бу ерда „Антоний ва Клеопатра“ назарда тутилади. А. Ф.), чунки бу трагедияда Шекспир Толстой даврига, унинг образларига яқин туради. Бошқача қилиб айтганда, Толстойнинг кўп нарсаларига Шекспирнинг ҳаваси келади. Унинг Клеопатраси Наташа Рестова блан Анна Каренинага кўп жиҳатдан ҳамоҳангдир“.

„Антоний Римга кетгач Клеопатра бошига тушган қайғу-алам Наташа Андрейдан ажралгандан сўнг чекиб юрган қайғу-ҳасрат блан, ёки Вронский сайловга кетаркан, ёнки у онаси ҳуэурида меҳмон бўларкан Анна Каренина ичидаги қолган ҳаяжон блан асрлар орқали ҳамоҳанг бўлиб өшитилмоқда эмасмикан?“.

Бу китобнинг марксизм блан ҳечқандай алоқаси йўқ, у бизнинг рус революцион-демократларимиз даражасидан жуда-жуда узоқда туради.

„Европа нарсалари Осиёники бўлмагани учун ҳам уларга ҳавас кильмаслигимиз керак“, — деб ёзган эди Белинский.

Биз руслар ўзимизнинг сиёсий ва давлат аҳамиятимиизга шак келтирмасак ҳам бўлади. Барча славян уруғлари орасида фақат ёизгина пўхта ва қудратли давлат бўлиб уюшдик ҳам тақдирнинг бир эмас, неча-неча мудҳиш синовларига Улуғ Пётргача қандай чидаш берган бўлсак, ундан кейин ҳам, то ҳозирги дамгача ҳам яна ўшандай чидаш бердик, неча бор ҳалокат ёқасида бўлдик ва ҳаргал у ҳалокатдан қутилабилдик, сўнг эса янги ҳам катта куч ва қудрат блан майдонга чиқдик. Ички тараққиётдан ташқла бўлган халқда бундай маҳкамлик, бундай куч бўлиши мумкин эмас. Шундай, бизда миллий ҳаёт бор, биз жаҳонга ўз сўзимизни ўз фикримизни айтишга қодиримиз...“

„Иқрорман, хотиржам юручи скептиклар, абстракт кишилар, инсоният орасида паспортсиз кезучи саёклар менга аянч ва ёқим-сиздирлар“, — деб ёзган эди Белинский.

Совет адабиётининг танқидчилиги ана ўшандай „инсоният орасида паспортсиз кезучи саёклар“ни фош қилиб ташлаши керак.

Мана шундай бир савол ўртага тушади: рус адабиётида Нусиновниң назарияларига ўхшаган назариялар қаердан чиқкан, у назарияларнинг ихтирочиси кимdir?

У назарияларнинг ихтирочиси — Россияда бир қатор адабий мактаб та'сис этган Александр Веселовскийдир; унинг изидан боручилар ҳалига довур университетларимизда ивирсиб юрмоқдалар. Александр Веселовскийнинг ўтган аср охирида ва ҳозирги аср бошларида жавҳардек йилтиллаган мактаби (у ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан тортиб ёзабошлаган) шундай бир мактабки, у Белинский, Чернишевский, Добролюбовларнинг улуғ рус революцион-демократлари мактабига қарама-қаршидир, деб айтмоқчиман. У ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам рус адабиётшунослигининг малум қисмида бўлган Farb олдида тиз чўкиш одатининг катта бувисидир.

1946 йилда Ленинград универсиети нашриёти В. Шишмарёвнинг „Александр Веселовский ва рус адабиёти“ деган кичкина

китобчасини босиб чикарди. Профессор Шишмарёв Москвадаги Горький номли Жаҳон адабиёти институтида ҳозирда директор. Я'ни совет адабиётшунослиги соҳасидаги энг катта илмий муассасанинг раҳбаридир. Китоб муҳаррири эса Ленинград университетининг адабиёт билимига раҳбарлик қилучи профессор А. Алексеевдир.

Китобча автори Веселовский та'лимотининг энг ёмоч томонлари аспоратида қолганини яширишга ҳам интилмайди. В. Шишмарёв, Веселовский ҳақидаги Ўзининг аввалги асарини эслаб, ёзди: „Биз у вақт Веселовскийнинг тарихий-адабий текциришлар усулига ва масалалар қўйиш тартибига киритган янгиликларни очиб кўрсатишга тиришган эдик; биз у вақт асосан Веселовский ўз ватанида ўрганиб олган иш усули блан Фарбий Европа мактабида ўзлаштиргани малакалар ўртасидаги айрилишни та'кидлаб ўтган эдик“.

Худди шу ерда айтиб ўтиш керак: Веселовский — Фарбий Европа адабиёти соҳасида, айниқса филология ва тилшунослик бобида амалий эришган билимлари жиҳатидан катта олимдир. Текин бу ҳол ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Веселовскийнинг улуғ рус революцион-демократик адабий ан'анасидан бутунлаш ажralиб, роман-герман мактабининг қули бўлишига халақит бермади.

В. Шишмарёв, четэл кишиларининг номларини ҳурмат блан тилга олиб, „сюжетлар назми“ соҳасида Веселовский „ўз“ сўзини айтишга муваффақ бўлган немис сохта олимларини ҳайрат блан санаб чиқади (масалан: Шерер, Карьер, Ваккернагель, Баумгарт, Э. Вольф, Л. Якобовский, Э. Гроссе, К. Боринский, К. Брухман, К. Бюхер ва ҳоказо ва ҳоказоларни!). Лекин В. Шишмарёв билмайдики, Веселовскийнинг „сюжетлар назми“ амалий малумотларга қанчалик бой бўлсада, у ўз методологияси жиҳатидан илмий асосларга ғоят даражада қаршидир, гарчи „тарихийлик“ни да'во этса-да, тарихга қарши, „идеалистик“ назариядир.

В. Шишмарёв Веселовский университетда „Леонтьевнинг мифология фалсафалари ҳақидаги лекциялари“ блан кизиқар, чунки „Леонтьев Шеллинг ҳақида лекциялар ўқир эди“, деб юраги эзилади, сўнgra „Гrimm усули блан қуролланиб“ лекциялар ўқиган Буслаевга Веселовскийнинг берилиб кетгани В. Шишмарёвни эритади.

Авторимиз, Веселовскийнинг Берлинга келишини та'рифлаб, ўзида йўқ ёйилади. „Берлин донишмандлиги, — дея жилавдорлик блан та'рифлайди В. Шишмарёв, — „Очерки“ ва „Народная поэзия“ журналларида эълон қилинган, масалан: „Славян чарвоқлари, сув парилари ва инс-жинсларининг Немис эльфалари ҳам валькириялари блан қонқардошлиги ҳақида“; „Зигурда ҳақида қадим замонлардаги „Эдда“ куйлари ва Муром афсоналари“ ҳам бошиқа маҳсус асарларида Буслаев мурожаат қилган Фарб филологияси, Германияни ўрганиш, Скандинавияни ўрганиш, Романияни ўрганиш соҳаларидағи ҳали етиксиз билимларини тўлдириши керак“.

Ўзининг саёҳати натижасида „Веселовский Италияда шуқадар ўзлашиб, маҳаллий манфаатлар блан боғланиб кетадики, ёввал унда Италияда бутунлай қолиш ғояси, кейин эса имконияти туғилади, сабабки уни Москвада негадир унитиб юборган эдилар, деб ёзиш В. Шишмарёвга жуда ҳам ёқади.

Бошқа бир жойда В. Шишмарёв Италияни „ватан кундоши“ деб атайди. Шу сабабли қўйидаги сатрларни ўқиганда ажабланиш қийин: „Веселовский Пушкин ҳақидаги нутқига жиддий суратда тайёрланди, чунки Пушкин, унинг севгили рус шоири бўлиб, итальян арзандаси Боккаччони анча-мунча эслатиб турар эди“...

В. Шишмарёв қадим-замон рус эртакларининг четәллардан келиб кирганиллари ҳақидаги Веселовскийнинг сохта назариясини тўла-тўқис қабул қиласди, келиб чиқиши номалум бўлган афсоналар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Масалан, „XIV асрга мансуб бўлган Новгород архиепископи Василийнинг Твер епископи Федорга юборган номаси“ юзаки қаралганда бутунлай русча кўринса ҳам, лекин унинг „Нойенштадтлик Генрих (XIII аср) томонидан ёзилган немис поэмаси... эканлиги“ кейин малум бўлади.

Такрор айтаман, фактларни ғоят кўп билганлиги учун ҳам Веселовскийнинг асарлари марксистча илмий методологияни билган кишилар учун фойдали манба' бўлиб хизмат қилаолади. Лекин Веселовскийнинг изидан боручи шўринг қурғурлар унинг ёмон томонларига сажда қиласдилар, уларни тарғиб өтадилар ва Ғарбий Еврола адабий фанининг ўрни ҳам роли ҳақида ёшлар миёсига энг жато фикрларни қўядилар.

Фанлар академияси ва Олий мактаблар министрлиги Горький номли жаҳон адабиёти институтимизда ҳамда Москва ва Ленинград университетларида ёшлар адабий маорифига Веселовский тўтилари, унинг осий хомийлари бошчилик қилаётганларига қизиқишлари керак эмасмикан?

### Буржуа миллатчилигининг қолдиқлари ҳақида

Бизнинг миллый республикаларимизда совет ватанпарварлиги проблемаси ва четәлга оид барча нарсалар ҳузурида тиз чўкишга қарши кураш масаласи кўндаланг турар экан, у республикаларнинг кўпгинасида — совет ватанпарварлиги бизда умумий мавзу', тиз чўкиш эса бизда йўқ, дейдилар.

Бу тўғри да'воми? Масалан, Болтиқ бўйи республикаларига мансуб ўртоқларимиз, албатта, инкор қилмасалар керак: Латвия, Литва ва Эстонияда буржуазия ҳукуматлари давлат устида ўтирган бир шароитда у ерларда бутун-бутун авлод ғарб назарияси блан суғорилган, ёлғон фан асосида тарбияланган, у ерларда энг зарарли, „мода ҳисобланган“ сохта нарсаларни ўзлаштириб олган кишилар бор.

Грузин ўртоқларимиз ҳам инкор қилмаслар: албатта, грузин символизми қандайдир ўзининг замини асосида ўсиб чиқсан, лекин у ҳам француз символизмининг гарбдан келган та'сири

блан озми-кўпми суғорилган, шунинг учун ҳам „мовий шохлар“ орасида Фарбдаги энг баттариқ фашист империалистик доиралар блан алоқадор бўлган кишилар борлиги тасодифий эмасдир.

Лекин совет ватанпарварлиги мавзуини ўртага қўяр эканмиз, унинг иккинчи томони назардан қочмасин: совет ватанпарварлигининг буржуа миллатчилиги қолдиқларидан, урф-одатларидан ҳам каттароқ душмани, ёви йўқдир. Ахир ҳамма нарсани ўтмишга тортиш, ўтмиш ҳозирги кундан яхшироқ, мароклироқ эди дейиш учун ўтмишда бўлган ҳарқандай қингир-қийшиқликларни қолоқликни, миллатчилик анқиб турган нарсаларни идеаллаштириш, кўтариш буржуа миллатчилари учун кўп муҳимдир. Ахир буржуа миллатчилари у ўтмишни республикаларимиз тараққиёти манфаатлари учун идеаллаштирумайдилар. Буржуа миллатчилари қачонлардан бери четэл капиталистик агентлари бўлиб қолганликлари аллақачон ҳаммага малум. Уларга ким ризқ беради? Уларга, аввало, ана ўша миллатчиликининг ҳануз қирқиб ташланмаган айrim қўйруқлари, шунингдек кишилар онгидаги капиталистик қолдиқлар ризқ бериб келади. Ана шунинг учун бу соҳада чинакам, жиддий кураш лозим.

Ўз миллатининг тараққиётини, унинг йўлини тўғри тушунмасдан туриб совет ватанпарварлиги мавзуини дастаклаб бўлмайди.

Эсингиэда бўлса керак, Марказий Комитет театрларимизнинг репертуарлари ҳақидаги қарорида ССРХ халқлари адабиётидаги тарихга берилиш ва ўтмишни идеаллаштириш каби ба'зи камчиликларни кўрсатган эди.

Биз ҳозир Озарбайжон халқининг улуғ генийси, жаҳон генийси Низомий юбилейига тайёрланмоқдамиз. Айrim илмий текши ручиларнинг диққати нимага жалб этилган? Юбилей мажлислирида, чунончи: „Низомий ва Озарбайжон адабиётининг гуллаши“ деган мавзу'ни муҳокама қилиш таклиф этилди. Ўртоқ Иброҳимов „Бакинский рабочий“ газетасида босилган „Озарбайжон халқининг маданияти байрами“ номли мақоласида: „Низомий ижодияти XII асрдаги Озарбайжон адабиёти ва сан'атининг сўнг даража гуллаганини, — миллий маданиятимизнинг олтин асрин билдиради“, деб ёзилганини ўқиймиз. Кечирасизлар, ўртоқ озарбайжонлилар, у қандай олтин аср? Елкангизда порслар, Ширван шоҳ айри миниб ўтиришар эди. Низомий ўз она тилида ғзаолмаганинги қайғириб гапирап эди. У нима учун олтин аср бўлсан?

Ўтмишни тасвир этишининг манфий томони ҳам бор: одамлар ўз тарихини билишни истайдилар, бу эса миллий тушунчанинг юксалишида катта аҳамиятга эгадир. Лекин миллатчилик та'сир ва қолдиқлари то охиригача фош этилмаган жойларда худди ўша ўтмишга „берилиш“ ҳоллари бўлади. Бир қатор республикаларда она-ватан адабиёти тарихига оида асарлар борки, улар мазкур халқ тарихини бутунлай иотўғри ёритадилар.

Е. Исмоиловнинг „Қозоқ совет адабиёти“ деган китобини „Советский Писатель“ нашриётида босиб чиқариши бизга таклиф

қилган эдилар. У китобнинг чуқур тормоқ ёйиб кетган принципиаль хатолари дарҳол кўзга чалинди. Унда Қозогистон тарихида бўлган феодаль хонлар даври идеаллаштириб кўрсатилади. Хонлар рус чоризмига қарши жанг қилганлар ва айни замонда узбек ҳамда қирғиз хонларига қарши ҳам уруш олиб борганлар. Хонлар — феодаллар ва ўғрилар қаҳрамонлар сифатида тасвир этилади-да, хонларнинг бир бирлари блан бўлган қий-пичоқлари Қозок давлатини барпо қилиш учун олиб борилган кураш шаклида тариф қилинади. Автор, хонлар галабасини мадҳ этган бахшиларни идеаллаштириб, уни „қозоқ адабиётининг қаҳрамонлик даври эди“ деб кўрсатади. Қозогистон Россия империясининг бир қисми бўлиб қолган даврдаги адабиётни автор „қайгули давр“ адабиёти деб атайди.

Бу ерда нотўғри тушунишлар борлиги аёндир. Бизда икки Россия, я'ни чор Россияси блан декабристлар, Белинский, революцион-демократлар, халқэркчилари, марксчи—ленинчилар Россияси, Пушкин, Толстой, Чехов, Горький Россияси борлигини унутадилар. Биринчидан шундай. Иккинчидан эса, мустамлакачи Россиядан ташқари, кичкина халқлар ҳаётига чанглал чўзган бошқа йиртқич давлатлар ҳам бор эди. Мустамлакачи Россиянинг идеаллаштирилишини истамаймиз. Лекин илғор революцион-демократ Россия, ғоят зўр маданият онаси бўлмиш Россия, большевикларга Октябрь революциясига мансуб Россия, империализм фронтини биринчи ўририб ўтган Россия олиб кириши мумкин бўлган улуғ йўлдан бир қатор халқларни бошқа йиртқичлар оздириб, эгаллаб олмасликлари учун у халқларнинг Россия давлати составига киришидаги тарихий зарурият ва тараққиётни кўришларини истаймиз.

Тарихий ўтмишни тасвир қилишда чоризмнинг фақат мустамлакачилик ролини кўрсатибгина колмаслик керак. Ўз халқининг ўтмишда булган ва халқнинг рус маданияти йўли блан бориши фойдали эканини англаган ҳамда Қозогистоннинг озодлиги революцион-демократ Россиясиз қўлга кирши мумкин әмаслигини фаҳмлаган кишиларни кўрсатиш ҳозирги пайтда кўпроқ аҳамиятга эгадир. Обой Қунонбоев Қозогистонда ана ўшандай киши эди. Аксар республикаларимизга нисбатан бу ҳақ гапдир. Озарбайжонда Охундов, Арманистонда — Налбандян блан Абовян, Шимолий Осетияда — Коста Хетагуров, Тотористонда — Тўқай ана ўшандай кишилардир.

Тўқай ажойиб киши эди. Реакция тантана қилган 1905 йилда, пантуркчилар, панисломчилар бош кўтарган дамларда, татарларни туркияга кўчиб боришига да'вот этганларида Тўқай — „Кетмаймиз!“ деган ше'р ёэди. У ўша ше'рида Туркияни жабру-жафо ва мангу фифон мамлакати деб айтади-да, Россия ҳақида шундай деб ёзали:

Бунда ундиқ, бунда ўсдиқ, бундадир бизнинг ажал,  
Боғламиш бу ерга бизни эзги тақдиру-азал.

Энг буюк иродамиз — ҳур мамлакат, ҳур Россия!

Қўзғотолмас юртимиздан, бизни ҳечбир рўйисиёҳ.

Тўқай, ше'рларининг бирида халқлар дўстлиги ғоясини сарфадоз этиб, ёзди:

Рус блан турмуш кечирдик сайрашиб.  
Тил, луғат, одат ва ахлоқ олмашиб.  
Ҳеч битарми тарихий бу биргалик?  
Биз туғилдик шода-шода дўстлашиб.

Пантуркчилар турк тилига ўтиш шиорини ўртага ташлаганинида Тўқай у тилни ўзига муносиб кўрмайди. У турк шоирларини ибрат бўлолмайдилар, чунки турк шоирлари бутун умрларини султонлар ва уларнинг жорияларини мадҳ этиши блан ўтказадилар деяр эди. Пушкин ва Лермонтовлари бўлган бир давлатга бу ярашадими? — деб ёзди Тўқай. Россияда нималар бортигини у жуда яхши билар эди.

Сўнг шундай деб ёзди: „Бошқа миллатлар сингари, бизнинг миллатимиз ҳам фақир ва бечоралар, ҳимоясиз кишиларнинг мағнаатларини қўриқлаш, беш камбағални бир кўпракка айрибошлаш замони ўтганини тушунтириш қўлидан келадиган одамларга муҳтождир. Бизнинг миллатимиз Пушкинларга, Толстойтарга, Лермонтовларга муҳтож. Қисқасини айтганда, бизнинг миллатимизга ҳам асиш ёзучилар, рассомлар, музикачилар ва бошқа миллатлардаги сингари тараққиёт сари олиб боручи кишилар керак“.

Тўқай сингари одамлар бошқа ҳарқандай миллатда ҳам бўлган. Мен арман ўртоқларга шу нарсалар блан қизиқишларини ва Анаит Сайнянни калтаклаш ўрнига, Арманистондаги романларнинг ҳаммаси нима учун IV—V асрдан нариги, балки Исо туғулмасдан аввалги ҳодисаларни акс этдириши блан мароқланишларини, улуғ революционер-демократлар Налбандян ва Абавянлар ҳақида нима учун романлар йўқлиги блан қизиқишларини маслаҳат кўрардим. Нима учун Озарбайжонда Охундов ҳақида бутун иттифоқимизга доңғи кетарлик катта роман яратилмаган?

Ўтган нарсаларнинг ҳаммаси бизгá зарур — бу тўғри гап. Лекин уни кўздан ўтказишимиз ва энг яхшиларидан фойдаланишимиз керак. Аммо халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, совет ватанпарварлигини кучайтириш каби бугунги кун масалаларини онглашниятида халқларимиз ўтмишида бўлган илғор революционер-демократларни дастаклашимиз керак. Шунда улуғ иш қилган бўламиш.

### Бизнинг ғоявий душманларимиз

„Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида партия Марказий Комитетининг қарорларини ва ўртоқ А. А. Ждановнинг докладини ўқиган саринг, сиёсий тутуриқсизлик ва ғоясилизликка нақадар мерғанлик блан зарба берилганига ҳайрон қоласан. Ахир Зоиченко блан Ахматовалар ўз-ўзлигича кучли эмаслар. Улар бизга ғоят даражада ёт ва душман ҳолларни гавдаланти-

ручи икки санамга ўхшайдилар. Ғарбий Европа адабиётида юз берәтган ҳолларга күз ташлаганингда бу нарса янада равшанроқ кўринади. Биз дўстларимиз ҳақида гапирмаймиз, улар эгаллаган позицияларнинг кучли томонларини яратган нарсалар нымалардан иборатлигини биламиз. Ғарбий Европа адабиёти қанчалик қулаганига, ўзинни „янгилик келтиручилар деб атаганларнинг тақдири нима бўлганига бир қарасангиз, Зошченко блан Ахматованинг ёзганлари Ғарбий Европа шароитида ўзининг мантиқий ҳалоатини топган ва у ерда тиран руҳий бўхронлик ифодаси бўлиб қолган процесснинг бизнинг заминимиздаги аксидан иборат экани -равшан кўринади.

Ғарбий Европадаги адабий тушкунликнинг ғоявий устоzlари суб'ектив идеализмини ташучи Ницше, Бергсон, Фрейдлардир. Классик реализм блан романтизмга руҳ бериб турган ма'навий идеалларга қарамасдан, улар адабиётга мудҳиш одамгарчиликдан ташқари мудҳиш нарсаларни киритдилар. Мазкур „устозлар“, я'ни Ницше, Бергсон, Фрейд: битсин ижтимоий тараққиётдаги ҳарқандай қонунчилик! Даф бўлсин ижтимоий ахлоқ! Битсин инсон! Йўқолсин онг! Яшасин онгсизлик, ваҳшиёна инстинкт, ҳайвоний индивидуализм, сўфилик, эротика! --- деб хитоб қиласдилар.

Бу нарса адабиёт соҳасида шаклни йўқотишга олиб борди. Бу ҳолни Пруст, Жойс, Дос Пассос, Селин, Сартр асарларида кўриш мумкин.

Адабиёт соҳасида туғилиб, қарийб бир-бирига туташиб кетган у икки оқин: бир томондан, ҳайвоний натурализм ва, иккинчи томондан, инсонда бўлган энг пастваш нарсаларни кўп вақт нафосат ичидан кўрсатишга тиришган ақлсиз символизм Ғарбий Европадаги адабий тушкунлик авжига қараб яланғочланиб боради.

Рус адабиётидаги тушкунлик ҳарвақт Ғарбий Европа адабиёти тушкунлиги қўйруғида судралиб борар. ўзга дастурхонидаги салқитларни қулваччалардек териб еяр эди. Рус адабиётидаги тушкунлик ҳам ўшандай сифатларга эга, шунинг учун совет адабиётининг бутун ривожида унинг душманлари қаторида келгани ҳам тасодифий эмас. У ҳозирга қадар ҳам душман бўлиб келаёттир. У сан'атнинг бош мазмуни булган кишини—кишилик жамиятини йўқотган бўлса-да „соф сан ат“, „сан'ат сан'ат учун“ деган байроқ остида гоҳо хуруж қилиб қолади. Пильнякнинг ифлос ҳайвоний натурализмини ва унинг ёнида турган Клюев нинг реакцион „романтика“сини өслайлик.

Зошченконинг обывательларча паствашлиги ва Ахматованинг руҳоний эротикаси юқоридагилар қаторида бориши бечиз эмас.

Бу ҳоллар СССР даги бошқа хадқларнинг ҳам адабиётида учрайди. Масалан, Гамсаҳурдианинг новеллалар тўпламини олайлик. У китобча Партия Марказий Комитетининг қарорлари арафасида чиққан. Гамсаҳурдия бу китобчасида инсонни олчоқларча ифлосларча тасвир қилиб, уни разил ахлоқ блан қориширади. Дастрлабки новеллаларидан бирида, я'ни 1916 йилда ёзилган „Порцеллан“ номли новелласида, авторнинг Мюнхенда бир барои хоним блан учрашгани тасвир этилади. Уларнинг суҳбати сан'ат тақдири ус-

тида боради. Гамсахурдиага кўра, „воқи'лик — ошкор ёлғондир“, шунинг учун у ўз барои хоними блан бирликда сан'ат гуё „разил реализм батқоfiga ботиб кетаётio“ деб ўпка қилади-да сиёсатни сра менсимасдан гапиради. Сўзнинг қисқаси Гамсахурдиа „соф сан'ат“, „сан'ат сан'ат учун“ оқимининг тарафдори бўлиб чиқади. Сўнгра совет замонида ёзгани „Лил“ номли новелласида ма'навий жиҳатдан бузилган доктор Шауҳия тиккасига шундай дейди: ... Кўп жойларидан ифлослик тўкилиб йиринг оқиб турган инсон ажабо муҳаббатга сазоварми ... Еки: „Инсон — кон тўлдирилган тери копдир“.

Бу жирканч Селинга ўқишиб тушадиган бир инсон тафсиридир. Кейин автор „Хотин сути“ сарлавҳали новелласида ҳайвонни инсондан баланд қўйиб: „Инсонни қанча яқин ўргансам, итга муҳаббатим шунча ўртади“, дейди. Автор „юрак шундай қаттиқ бўлсинки, унда раҳимдилликка жой қолмасин. Кимда-ким дун'ёга ачинса, дун'ё унга ҳечвақт ачинмайди“, деб васият қилади.

Кўриб турибсизки, „разил реализм“га қарама-қарши қўйилган „соф сан'ат“ назарияси инсонни тасвиirlашдаги ифлос патурализм блан осонгина қоришиб кетмоқда.

Шиманский деган бир киши „Ёш ёзучиларнинг бурчи“ номли мақоласида („Лайф анд леттерс тудей“, 1943 йил, февраль) Пастернак асарларини барча ёзучиларимизнинг асарларига қарама-қарши қилиб кўйди: „Шелохов, Эренбург ва бошқаларнинг асарлари жуда борса яхши журналистика намуналаририд...“, „Фақат Пастернаккина барча бўйронлар орасидан ўтиб, ҳамма воқиаларни ўзлашибтириди. У, индивидуализмнинг колективизмга, романтизмнинг реализмга, руҳнинг техникага, сан'атнинг, пропагандага қарши олиб борган курашининг чинакам қаҳрамонидир“ депти. Бу изоҳга муҳтоҷ эмас.

Мана шунинг учун ҳам формалистик — эстетик мактабига мансуб бошқа вакиллариниизга: „сизга кимлар ссилаётганини бир ўйлаб кўринглар!“ — деб мурожаат этишга тўғри келади.

### Социалистик реализм масалалари

Мен сизларга ўртоқ А. А. Ждановнинг айтган сўзларини эслатиб ўтади:

„Совет кишиларининг бу янги ҳислат ва фазилатларини кўрсатмоқ, ҳалкимизни ёлғиз шу кунги ҳолида кўрсатмай, балки унинг келажаги, ётаги кунда бўладиган ҳолига ҳам назар ташламоқ, унинг илгарига босиб бораётган йўлини манг'ал блан ёритиб, унга ёндан бермоқ ҳар-бир виждонли совет ёзучисининг вазифасидир. Ёзучи турмушдан кейинда судралиб қоломайди, ёзучи ҳалқ олдида, унинг тарақкий йўлини кўрсатиб бормоғи керак. Ёзучи социалистик реализм методини маҳкам ушлаб, турмушимизни диққат блан астайидил яхши текшириб ва тараққиётимизниг бутун ма'но ва мазмунини батамом англаб тушиниб олишга тиришиб, бу равишда ҳалқни тарбиялаши ва унга ма'навий курол бериши керак. Бизнинг вазифамиз совет одамининг барча

яхши түйғу ва яхши ҳислатларини сарапалаб олиш, совет қодамининг истиқболини унга очиқ курсатиш блан бирга уларнинг қандай ёмон сифатлардан йироқ булмоқлари кераклигини кўрсатишимиш, ўтган кечаги куннинг эскиликларини, совет кишиларининг илгари қадам босишларига тўсқинлик қиласидиган эскиликларни қаттиқ туриб танқид қилишимиз керак”.

Ўртоқ А. А. Ждановнинг бу сўзларида социалистик реализмнинг бутун бир программаси берилади. Танқидчиларимиз мана шу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришлари жуда ҳам зарур.

Биз одамларимизни ҳаққоний тасвири өтишимиз үлар қандай бўлишлари керак бўлса ҳудди ўшандай қилиб кўрсатишимиш, уларнинг келажак ҳаётини ёритиб беришимиз керак.

Бу ҳол бизни социалистик реализмга хос бўлган революцион-романтик бошлангичлар ҳақида ўйлашга мажбур ётади. Бундай бошлангич бўлмаса социалистик реализм ҳам бўлмайди. Иккинчидан, ўртоқ Ждановнинг уқдириб ўтишича, қолоқлик ва бир жойда қотиб қолиш каби ҳарқандай ҳолларга танқидий равишда қаралмаса, бундай революцион-романтик бошлангичнинг бўлиши мумкин эмас. Бусиз, социалистик реализмни тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди. Бирарта мақсадга етиш учун курашаётган киши бу йўлда ўзига халақит берадиган ҳамма нарсани албатта актив ва кучли танқид остига олади.

Бизнинг адабий-назарий ишимиизда социалистик реализмдаги революцион-романтик бошлангич ҳақидаги масала етарли аниқланганича йўқ. Революцион романтика деб нимани тушинамиз?

Романтизм ва романтика тўғрисида дарсликларда кўпгина эски „олимона“ та’рифлар борлиги ма’лум. Бу та’рифларнинг камчилиги шундаки, уларда мутлақо хилма-хил ҳодисаларни қамрас олишга уринилади. Биз революцион романтика ҳақидаги тушунчамизни Лениннинг „Нима қиммоқ керак?“ деган мақолосидаги хаёл қилиш масаласига доир ма’лум кўрсатмаларга асосласак. тўғри йўл тутган бўламиш. Ма’лумки, В. И. Ленин бунда Писаревнинг сўзларидан цитат келтиради: „Менинг хаёлим воқиаларнинг табиий боришидан ўзиб кетаолади, ёхуд у бутунлай бошқа томонга, воқианинг ҳечқандай табиий бориши, ҳечқачои келаолмайдиган томонга кетаолади. Биринчи ҳолда хаёл ҳечқандай зарар келтирмайди: у ҳатто меҳнаткаш кишини қўллай ва унинг гайратини кучайтираолади... Агар киши бу йўсинда хаёл қилиш қобилиятидан бутунлай маҳрум бўлса, агар у, ба’зи-ба’зида югури олдинга ўтаолмаса ва ўз қўли остида эндигина қилинаётган ижодни, битмасдан илгари ўйлаш ўйли блан, тўла ва тугал манзара сифатида кўз олдига келтираолмаса,— у вақтда мен асло тасаввур қилаолмайманки, сан’ат, фан ва амалий турмуш соҳасида ғоят катта ва ҷарчатадиган ишларни бошлашга ва охирига етказишга одамни қандай сабаб мажбур қиласар экан?..

Ленин Писарев сўзининг яна бир жойини далил келтиради. Бунда Писарев „хаёл қидучи шахс ўз хаёлига жиддий суратда ишонса, турмушга диққат блан қараб, турмушда кўрганларини ўзининг хаёлий саройлари блан солиштирса ва ўз хаёлларини

вужудіа· чиқариш устида умуман виждон блан ишласа“ хаёлнин  
нақадар фойдали бўлишини „хаёл блан ҳаёт — ўртасида бирмун-  
ча аралашув бўлса, у вақтда ҳамма нарса жойида“ бўлишини  
исбот қиласди.

Албатта, буни бизнинг адабий ишимизга тадбиқ қилганда  
яна шу нарсани қўшиш ма’кул ва зарурдирки, „хаёл“ бадий асарда  
жонли образ тарзида, ижтимоий ахлоқни ўзида акс этдиручи  
киши образи шаклида юзага келади.

Биз бундай жамиятнинг вакилларимизки, бунда сан'аткорнинг  
субъектив орзу-армонлари об'ектив ижтимоий тараққиёт жараёни  
блан мосдир. Худди шунинг учун биз ўз ҳақиқий турмушимизда  
янги ахлоқни ўзида акс этдиручи жонли одамларни топаоламиз.

Жонли киши характеристини „қандай бўлган бўлса шундай“ қилиб  
ва шу блан бир вақтда „қандай бўлиши керак бўлса шундай“  
қилиб тўғри кўрсатиш мумкинми?— деган савол туғилиши эҳти-  
мол. Албатта мумкин. Бу реализмнинг кучини камайтирмайди,  
балки худдӣ шунинг ўзи чинакам реализмдир. Турмушни рево-  
люцион тараққиёт жараёнида олиб тасвирлаш керак. Табиётдай  
мисол келтираман. Ўрмонда ўсадиган олмани табиатда қандай  
булса шу ҳолда олиб қарасангиз, у нордонгина бир мевадан  
бошқа нарса эмас. Боғда ўсирилган, айниқса Мичурин боғидан  
жойда пишган олма-чи? бу,— „қандай бўлган бўлса шундай“ ва  
айни замонда „қандай бўлиши керак бўлса шундай“ олмадир.  
Сўнгиси олма деган меванинг асл қимматини ёввойи ўрмон ол-  
масига қараганда кўпроқ ва равшанроқ ифодалайди.

Социалистик реализм ҳам шундай.

Совет адабиети олдига бирорта масала янгила қилиб қўйил-  
ганди, бу масаланинг илгариги вақтларда қандай қилиб қўйил-  
ганигини эсга олиш ҳамма вакт фойдали. Сан'ат ва адабиёт  
тараққиётидан меросдан фойдаланиш проблемаси муҳим проблема-  
дир. Шунга кура, социалистик реализмдан олдинги эски реализм-  
нинг ўтмишига бироз кўз ташласам, ўртоқлар мени койимасин-  
лар.

Совет адабиётига хос революцион романтика ҳақида айтадиган  
гапимизни ўтмишдаги адабиётга тадбиқ қилиб бўлмайди.  
бу — турган гап. Совет ёзучилари бутунлай бошқа шароитда  
ижод қилаётирлар, ўтмишда бундай шароит йўқ эди. Аммо эски  
реализмда ҳам прогрессив, илфор романтик бошлангич бўлган-  
лигини қайд қилиш мумкин. Ўтган асрнинг бошида Фарбий  
Европада пайдо бўлган бир адабий оқимни таҳлил қилиб кўриш  
жуда қизиқарлидир. Бу оқим ўзини „романтизм“ деб атаган ва  
Байрон, Гете, Шиллер, Стендаль, Бальзак, Гюго, Мериме, Мюс-  
се сингари ҳархил ёзучиларни ўз ичига олган эди. Кейинроқ  
ма лум бўлдики, бу ном блан аталган оқимга романтиклар ва  
реалистлар бирлашган экан. Лекин асрнинг бошида адабиётда  
классицизмга хос бўлмаган ҳамма нарсани „романтизм“ деб  
назарега берганлар. Классицизм даври блан бу даврни француз бур-  
жуа революцияси ажратиб турар эди.

Бу оқимнинг йирик намояндаси бўлган Бальзакни олиб кўр-

сак кифоя килади. Бальзак шунинг учун буюkdirки, у ўз ижодида реалистик ва романтик моментларнинг синтезини Гарбий Европадаги буржуа сан'аткорларининг ҳаммасидан ҳам кўра юксакроқ даражада мужассамлаштираолди. Аммо у худди шунинг учун ҳам XIX асрда Гарбий Европанинг энг йирик реалистларидан бири эди.

Бальзак бундай дечган эди:

„Ҳамма нарсани ҳазм қиласнерадиган одамлар,—деб ёэди у, — камолатга етиш учунҳ абрир нарсани татиб кўриш лозим дегаң ниятда лиризм ва ҳаракатни ҳам, драма ва мадҳияни ҳам... хулласи ҳамма нарсани қабул этаверадилар. Эклектизм адабиёти деб аташ мумкин бўлган бу мактаб оламни борлигича: образлар ва ғояларни, ғояларни образларда ёки образларни ғояларда, ҳаракат ҳам орзуларни тасвир этишини талаб этади“.

Эскириб қолган терминология („адабий эклектизм“)ни ташлаш ва Бальзакга кўра, „ҳаракат ҳам орзу“ни, я’ни романтикани наазарда тутган „оламни борлигича тасвирлани“ ҳолларига э’тибор килиш керак.

Бальзак, шубҳасиз, реалист эди. Чунки ўз замонасидаги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини ғоят катта куч блан ва кенг миқ’ёсада ифодалаб бераолади. Аммо Бальзак ҳақиқий тарихий вokiаларни шунинг учун тўғри акс этдира०дик, у француз буржуа революциясигача ва ундан кейинги даврда жамиятни ҳаракатдаги ҳолатида ифодалади. Энгельс Бальзакнинг ижодидаги бу ажойиб хусусиятни атоҳида қайд қилиб ўтган эди. Ўзининг сиёсий қарашлари жиҳатидан легитимист бўлган Бальзак илғор ижтимоий ахлоқ бошланғичларини пайқаб олабилди, бундай бошланғичтарни эса, унинг замонида республикачилар орасида топиш мумкин эди. Романтик Бальзак ўз дун’ё қарашида жуда кўп қарама-қаршиликлар бўлгани ҳолда, капитализмнинг кўз ўнгига ортиб бораётган писқи-пужурларига қарама-қарши қўйиш учун ахлоқ идеалини зўр бериб қидирди. У дам бир идеални, дам бошқа идеални кўзлаб интилди ва ниҳоят, кўриб турибисизки, уни ўша вақтда худди шундай идеал бор жойдан топди.

Бальзак ўз ижодининг бу хусусиятини иқор қилди. Ҳақиқий борлиқни биз яратишимиз, — деб ёэди у, эмпирик, сийқа реализмга қарши гапириб, — Биз яратган ҳақиқий борлиқ юз йиллар давомида бениҳоя меҳнат блан ўстирилган мана бу Монтрейль-нокига ўхшайди. Сиз гапираётган борлиқ эса, ўрмонда ва ҳеч нарсага ярамайдиган аччиғ мевага ўхшайди. Чинакам борлиқни, сан’атдаги борлиқни ўстириш керак“.

Бальзак реализмда илғор романтик бошланғичнинг бўлиши унинг реализмига катта куч бағишлиди. Кейинроқ, француз адабиётининг тараққиётидаги романтик ва реалистик бошланғичлар бир-биридан ажралганда, бу икки оқим ҳам заифлашди деса бўлади.

Сан’аткор сифатида Бальзакнинг бу хусусияти шу блан изоҳланадики, амалда унинг ташқи, юзаки легитимизмидан кўра дун’ёни тушиниши анча кенгроқ эди, бу бизнинг адабиётшуносларимиз томонидан аллақачон исбот этилган.

Адабиётшуносларимиз Бальзак ижодини таҳлил қилиб, унинг кўп нарсада XVIII аср француз ма'рифатчиларининг та'лимотларига асосланганлигини исбот этдилар. Француз буржуя революциясининг шу'ласи Бальзак устига тушиб туриб эди. Француз адабиётиниң романтизм ва реализм оқимларига бўлениб кетиши — бу шу'ланинг сўнганилигидан дарак беручи биринчи далил бўлди. Француз революцияси натижасида пайдо бўлган капиталистик тузим ўзининг хунук самараларини кўрсатабошлади. Романтизм „ифлос“ борлиқдан, турмушдан ажralди, реализм эса ўз идеалларини йўқотиб, ер узра судралакетди.

Флоберга назар ташланг. У ахлоқий идеалдан шуқадар маҳрум бўлдики, унинг бутун ижоди ахлоқизаликдан иборат бўлиб үолди: унинг ижоди яланғоч скепсис, одамга ва жамиятнинг адолатли қонунларга асосланиб қайта қурилиши мумкинлигига ишончсизлик блан тўлди. Флобер 1848 йил Француз революцияси га тўғридан-тўғри туфлаб ташлади. У, дун'ёдаги адолатсизликни ўз замонидаги ижтимоий тузимнинг ярамаслигини кўрсатиш блангида кучлидир.

Иккинчи жиҳатдан, Гюгони олиб кўриш мумкин. Гюго — революцион романтиқ, Бальзак блан унинг ижоди кўп жиҳатдан муштарақдир. Аммо Гюгонинг олга сурган идеаллари тарихий мазмунга эга эмас, унинг романтизми мана шунинг учун ҳам жуда заифдир. Гюго ҳақиқий тарихий шароитни кўрсатмайди. „93 ичи йил“да ҳам, „Кулаётган одам“да ҳам, — ҳамма асарларида уйдирма тарзда берилган тарихий шароитнигина учратасиз. Бальзак типик шароитларда ривожлануучи характерларни жуда яхши беролган, аммо Гюго бундай қилмайди. Гюго асарларида бир одам „яхшилик“ тимсоли, иккинчи одам „ёмонликлар“ сабабчиси қилиб кўрсатилади.

Кўриб турибисизки, реалистик ва романтик бошланғичларнинг бир-биридан ажралиши натижасида Флобер блан Гюго зиён қилдилар. Улардан сўнг реализм ҳам, романтизм ҳам тушкинликка учради. Реализмнинг тушкинлиги Флобернинг „Саламбо“ романидан бошланди, бу асарда у реакцион романтик сифатида ва шу блан бир вақтда физиологик натуралист сифатида майдонга чиқди.

30 ичи, 48 ичи йилларда ва ниҳоят 71 ичи йилда революцион ҳаракатнинг давом этишига қарамай, француз адабиётида бирор жиҳатдан Гюгога тенг келадиган битта ҳам революцион романтик чиқмади. Иккинчи томондан, Золя блан Мопассан реализмидаги яхшилиги исбот қилинган сифатлар бўлса ҳам, бу ёзучиларда Флобердагига қараганда ҳам каттароқ нуқсон бор, улар тарихий тараққиётдан кейинда қолиб бутунлай ер узра судраладилар. Флобернинг тушкинликка юз тутган давридан кейин француз реакцион романтикаси гуллайбошлади. Бу романтика чириётган, судралаётган, ҳарқандай реалистик асосларни, ҳарқандай ҳаётий мундарижани йўқотаётган француз натурализми блан қўшилиб кетади. Адабиётда тушкинлик — декаданс даври бошланади.

Ҳарқандай тушкинлик давридаги сингари, француз декаданси даврида ҳам, ахлоқ доирасидан чиқкан, судралуучи натурализм

блан киши турмушини тескари ифодалаш, кишида энг ифлос физиологик чиркинликларни күрсатиш ва ишқий шилдемлилек ва тушкынликни күйлаб, мазмунни шаклга қарбон қилишдан иборат бўлган индивидуал символизм бир-бирига яқиндан аралашиб кетиши жуда характерлидир.

Биз текшираётган проблема муносабати блан инглиз реализмининг йирик вакили Диккенсга назар солиш қизиқарлидир. Ўз ижодий услубига кўра Диккенс Бальзак блан Гюгонинг ўттарорига туради. У, турмуш ва ахлоқлар тасвирининг чинакам устаси. Бу жиҳатдан у Бальзакка яқин. Диккенсда ҳам доим ривожланиб боручи характерлар йўқ. Бу жиҳатдан у Гюгога яқин. Честерсоннинг ўткир сўзлари блан айтганда, Диккенснинг қаҳрамонлари Исо мавлудидаги қизиқчи чолнинг халтасидан чиққан тайёр бўёқли қўғирчоққа ўхшайди. Шу блан бирга Диккенсда Бальзак ва Гюгога хос бўлган ма’лум муболагачилик ҳам бор. Диккенс реалист ва айни замонда романтикага ҳам мойилдир. У адолатга, яхшиликка, уларнинг ерда тантана қилишига ишонч блан қарайди. У инглиз адабиётида биринчи бўлиб, оддий одамни юксак ахлоқни билучи ва уни қадрловчи қилиб кўрсатди. Мен бу ерда Диккенс томонидан кўтарилиган йиғлоқи, кўнгилчан бойларни кўзда тутаётганим йўқ. Сан'аткор сифатида Диккенснинг бундай одамларни осмонга кўтариуви унинг катта заифлиги эди. Мен бу ерда халқ ахлоқини, оддий одамнинг улуғвор қиёфаси ва фозилатларини ўзида акс этдиған содда меҳнаткаш халқ вакилларини кўзда тутаёттирман. Бу—Диккенс ижодининг Англиядаги ижтимоий тузумни, Англияning сохта ва ёлғон конституциясини, ҳукумрон синфларнинг жирканч ахлоқини танқид қилиш блан қўшилиб кетган романтик томонидирки, сан'аткор сифатида Диккенс асосан мана шу томонга мойил эди.

Диккенс ўзи чартист эмас эди. Аммо унинг бутун ижодида чартистлар ҳаракатининг та’сирини кўриш қийин эмас. Диккенс ҳам чартистлар ҳаракатини туғдирган ижтимоий силжишларнинг мевасидир. Шу блан бирга яна айриш керакки, Диккенс реализмида илғор романтик бошланғичлар бўлиши натижасида, у XIX аср инглиз адабиётининг йирик намояндаси бўлиб қолди.

Ниҳоят, америкали реалист Марк Твенни олиб кўрайлил. Марк Твен жуда узоқ яшади, у ўз идеалларининг ва ахлоқ ҳақидаги тушунчаларининг ҳалокатга учраганини ҳам кўрди. Аммо мен Марк Твеннинг „Том Сойер“, „Миссисипидаги ҳаёт“, „Ҳекельверри Финн“ деган асарлари чиққан даврнигина олмоқчиман. Шубҳасизки, Марк Твен—реалист, чунки; у Америка жамиятида ҳукм сурган пасткащлик, иккюзламалик, очкўзлик, нодонликни тўғри ифодалади ва танқид қилди, бойлик ва қашшоқлик ўртасидаги қарама-қаршиликни тўғри кўрсатди. Шу блан бирга ма’лумки, Том Сойер ҳам, Ҳек Финн ҳам, Миссисини қаҳрамони ҳам анча романтик хислатларга эга бўлган қаҳрамонлардир, бу қаҳрамонларда Марк Твеннинг ижобий ахлоқий идеаллари мужассам этилгандир. Бу асарларнинг болалар ўртасида энг севимли китоб бўлиб қолиши ва шукадар узок умр кўриши ҳам бечиз эмас.

Марк Твен ижодидаги бу хусусият шимолинің жанубий штатларга қарши озодлик кураши натижасыда юзага келганилиги ҳаммага ма'лум. Құшма штатларда буқадар хүшчақчак ва қаққоний ғәзилган бошқа бирарта китоб ҳечқачон пайдо бўлмагани ҳам ҳаммага ма'лум.

Бундан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Биринчи хулоса. Буржуа реализми прогрессив ғоялар блан суғорилганда ва ёритилгандагина бирқадар тұлақонли бўлади XIX асрда Францияда Бальзакдан йирикроқ реалист, Англияда Диккенсдан йирикроқ реалист, Америка Құшма Штатларидан Марк Твендан йирикроқ реалист бўлган эмас. Демак, буржуа реализми катта ижтимоий ҳаракатлар даврида туғилса ва прогрессив ғоялар блан суғорилса ва ёритилса тұлақонлироқ бўлади.

Иккинчи хулоса. Буржуа реализми бундай даврда қисман шүнгін учун ҳам тұлақонлироқдирки, бу даврда у ўша замон жаһиятини шафкатсиз танқид қилиш асосидаги прогрессив романтика блан суғорилган бўлади. Романтик ва реалистик оқимларнинг бир-биридан ажralиб кетуви уларнинг иккавига ҳам фойда қилмайди: реализм ҳам зиён қиласы, романтизмга ҳам путур етади.

Учинчи хулоса. Бу даврнинг буржуа реализми, ғоявий, сиёсий масалалар блан суғорилган ва юксак даражада тенденциоз бир оқим бўлади.

Ўз идеалларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш жиҳатидан олганда, ҳозир мен санаганлардан тенденциозроқ сан'аткорларни топиш жуда қийин. Бу тенденция уларда сан'аткорларнинг ўз шахсий сўзларида ва уларнинг персонажлари айтган сўзларда кўринади. Бальзакнинг Вотрен сўзлари орқали капитализмни қандай танқид қылғанлигини эсласак кифоя. „Совуқ уй“ асарида қаровсиз бола ўлимидан кейин Диккенснинг королга ва министрларга қарата айтган газабли сўзларини эсласак кифоя. Твеннини „Ҳеккельберри Финн саргузаштлари“да қуллик тўғрисида қилинган муҳокамаларни эсласак кифоя. Демак бу даврдаги буржуа реализми ғоявийроқ, сиёсий масалалар блан суғорилганроқ ва тенденциозроқдир.

Тўртинчи хулоса. Бу даврдаги буржуа реализми табиийроқ шакл жиҳатидан эркинроқ ва бойроқ. Ғарбий Европа ва Америка ёзучилари ўртасида, адабий шаклларнинг эркинлиги жиҳатидан Бальзакка тенглashedиган ёзучини топиш қийин.

Уста ва пишиқ ишлаган адабий шакилларни топишда Диккенсдан устун турадиган ёзучини топиш қийин. Марк Твеннини адабий шакллари енгиллиги ва табиийлиги блан одамни ҳайратда қолдиради.

Аммо эски Ғарбий Европа реализмининг заиф томонлари бор эди. Унинг асосий заифлиги шундаки, унда, юқорида номи айтилганлардан бошқа, ижобий қаҳрамон яратишига уринган бирорта ҳам ёзучи ўқ деса бўлади. Юқорида номи айтилган ёзучиларда эса, прогрессив илғор фикрларни, ижобий идеалларни акс этди-ручи қаҳрамонлар – аслида, ҳақиқий турмушда бундай фикр ва идеалларни тасдиқлайолмайдиган кишилардан иборат. Буржуа

реализми ўзининг ижобий программасида уша вақтда тарихниң реал, ҳаракатлантиручи күч ва унинг келажаги бўлаоладиган чинакам қаҳрамонни яратолмади.

Ҳозир гапирилган масалалар бўйича, XIX аср рус классик реализми гарбий Европа классизми блан, айниқса Америка реализми блан тенглаштириб бўлмайдиган даражада юқори турар эди.

Реализм блан романтизм оқимларнинг бир-биридан ажralиб кетуви каби ҳол XIX аср буюк рус адабиётiga бутунлай ёт десак бўлади. Танқидчи Т. Мотилеванинг ўткир сўzlари блан айтгачда, рус реализми учун „хунук реальлик“ блан „реаль бўлмагач гўзаллик“ ўртасида изланиб юриш зэрурати бўлмади. Романтик — рус танқидий реализмнинг ҳарактерли хусусиятидир, буни Пушкиндан бошлаб кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолни тўла ҳарактерлаб чиқиш учун муфассал гапиришга имконият йўқ. Лекин айтиш зарурки, бу ҳол Россияда халқларнинг буюк озодлик ҳаракатлари, баҳт ва адолат учун курашлари натижада юзага келгандир.

Пушкиннинг гениаллиги—1812 йилдаги голибона ва адолатли Ватан уруши натижасида равшан кўринган юксак миллий онг ва турурнинг ифодасидир. Пушкин ва Лермонтовдан кейин адабиётда революцион-демократик ҳаракатнинг ва XIX асрдаги барча йирик рус ёзучиларининг асарларида акс этган дэҳқонлар революциясининг эилзилалари сезилабошлигандан Россиядаги халқ-ҳаракатининг мислсиз қудрати одами ҳайратда қолдиради.

Бу — ҳамма рус ёзучилари революцион-демократик ҳаракат томонида эди деган сўз элас. Уларнинг ба'зилари ҳатто атрофда бўлаётган воқиаларнинг ма'нисини ҳам тушунмас эди. Аммо улар рус халқининг қудратини кўрар ва ҳис этар эдилар, улар турмушнинг ўзгариб бораётгачини, катта ўзгаришлар бўлажагини сезар эдилар, ерда адолатнинг тантана қилиш мумкинлигига ишонар эдилар ва ҳар бири мавжуд тузумни шафқатсиә танқид қилиш блан бир қаторда, ўз идеалларини амалга ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзїча интилар эди. Борлақнинг ўзида гўзаллик элементларини кўриш ва төлишга интилиш — рус адабиётининг фазилатидир. Рус адабиётида диққатни жалб қилучи ёрқин, кучли ижобий образларнинг пайдо бўлиши ҳам шунинг натижасидир.

Пушкин Татьяна Ларина образини яратиш блангина қансатланмади. Пушкин дэҳқонларнинг буюк йўлбошчиси Емельян Пугачевнинг ажойиб образини ҳам яратди, „Капитан қизи“да уни ёш Гринев тақдирига нисбатан адолат соҳиби қилиб кўрсатди.

Тургеневнинг „Овчи хатлари“да дэҳқонлар ҳаётининг тасвир этилиши адабиётда жуда катта бурилиш бўлди. Гарбий Европа адабиёти дэҳқонни ваҳший ҳайвон қиёғасида ёки идеаллаштирилган „пейзанин“ сифатида тасвирлар эди. Тургенев эса, рус дэҳқонининг, ўзига ҳос ҳарактерли, ажойиб одам эканини кўрсатди. Тургенев крепостной дэҳқонни инсоний фазилатлари блан тўғри кўрсатди. Унинг Гўзал Мечидаги Касъян „Тирик суюклар“ асаридаги Лукерья „Муму“даги Герасим, „Хоръ ва Калинич“

асаридаги Хорь, Калинич ва бошқа образларини кўрсатиш кифоя

Некрасов ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. „Некрасов ўз поэзиясига прозани судраб олиб кирди“ дейдилар, лёкин масаланинг фақат ташқи жиҳати бўлиб, Некрасовни тўла та’рифлаб беролмайди. Некрасов рус реалистик поэзиясида биринчи бўлиб фоят кўтаринки романтик рух блан рус дәхқонини унинг ўз маңбаатлари нуқтаи назаридан куйлади. „Аямажиз“ поэмасини хотирланг: бу — рус дәхқон аёлларига муносиб маддия эмасми!

Бизнинг буюк драматургимиз Островскийни турмуш икирчиликларини тасвириловчи деб ҳисоблайдилар. У қандай қилиб турмуш икирчиликларини тасвириловчи бўлсин? Унинг Катерина-сими эслага олинг. Реалист Островский онгли равишида ўз олдига „романтик“ вазифалар қўяди. „Камбағаллик айб эмас“ комедияси устида ишлётганида у шундай деб ёзган эди: „рус кишиси ғамда азоб чеккандан кўра, ўзини саҳнада кўриб қувонисин... халқни хафа қилмайтуриб тузатиш ҳуқуқига эга бўлиш учун унда бўлган яхши хислатларни ҳам қўлдан келганча кўрсатиш керак; ҳозир мен юксак туйғуларни кулгили воқиалар блан бирлаштириб, худди мана шу иш блан шуғулланмоқдаман“.

Лев Толстой шафқатсиз реалист, ҳарқандай ва ҳамма ниқобларни йиртиб ташловчи ёзучи бўлиб танилган. Аммо Россиянинг буюк ёзучиси Толстой „Уруш ва тинчлик“дан бошлаб ҳамма асаларида бир қатор ижобий образларни ҳам яратган. Шундай шафқатсиз реалист ёзучи бўлган Толстойнинг айни замонда „романтик“ ҳам бўлганини кўрсатиш — яхши иш. „Хожимурод“ повествини эсланг! „Тирилиш“ чор тузумини кескин фош қилути асан бўлиш блан бирга, айни замонда у Толстойнинг энг „романтик“ асаридир.

Ма’лумки, рус танқидий реализмининг „романтикага мойиллик“ хусусиятини биринчи марта Горький кўрсатган эди.

Аммо реализм блан революцион романтизмни узвий бирлаштириб юбориш ишини биринчи бўлиб Горький бажарди. Чунки биринчи бўлиб Горькийнинг ижобий қаҳрамони тарихий қаҳрамон блан — революционер ишчи большевик блан мос келди. Шундай қилиб, Горький социалистик реализмнинг асословчиси бўлиб чиқди.

Бундан қандай хулосалар келиб чиқади? Рус реализмининг кучи Россиядаги ҳалқ озодлик ҳаракатининг кучи блан изоҳланади. Рус реализмининг кучи яна унинг шу хусусияти блан изоҳланадики, унда ҳарвақт ёки қарийб ҳарвақт ижобий романтик ва ҳаётий бошланғич мавжуд ва шу блан бир вақтда, у, дун’ёда ўтган ҳамма реализмларидан кўра энг танқидий реализм бўлиб қолди.

Рус реализми — энг фоявий, сиёсий масалалар блан энг кучли равишида сугорилган, энг тенденциоз адабий оқимдир. Худди шунинг учун рус реализми энг эркин, тўлақонли, бой ва шакл жиҳатидан ранг-барангдир.

Л. Н. Толстой буни яхши тушинар эди. „Рус адабиётининг тарихи Пушкин давридан бери,— дёб ёзган эди, у,— Европа шакл-

таридан воз кешишнинг кўп намуналарини кўрсатиш блангина колмасдан, у шаклларда бирорта намуна ҳам бермади. Рус адабиётининг янги даврида, Гогольнинг „Улик жоплар“идан тортиб Достоевскийнинг „Жонсиз хона“сига қадар юзага келган барча тузук прозаик асарлар ичидаги роман, поэма ёки повест шаклида тўла сифдирилган бирорта ҳам асар ўйқ.

Прогрессив романтизмнинг реализм блан бирлашиб кетувини сан'аткорда ахлоқий идеаллар борлигини ва унинг бу идеаллар учун курашаётганини, шу идеал туфайли йўлда жалақит берадиган барча нарсани танқид қилаолишини кўрсатади. Шунинг учун унинг ижодий новаторлик иши, бўлиб қолади, бундай ижод улуғвор ва шу блан бир вақтда содда, табияй, эркин шаклига эга бўлади.

Фоявийлик, сиёсат блан боғланиш, идеалларнинг амалга ошуви учун кураш гўё сан'атнинг аҳамиятини пасайтиради деган формалист — эстетларча фикрнинг қанчалик хато эканини тушуниш учун буни кўриш жуда ҳам муҳимdir.

Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Тургенев, Некрасов, Толстой, Салтыков-Шчедрин, Достоевский, Чехов, Горький — бу буюк сан'аткорлар бир-бир кетин майдонга чиқдилар. Бу шуни кўрсатадики, Россия халқларининг турмушкида аслида жуда кенг тараққиёт жараёни давом этган: ижтимоий тартиблар бир хилда бўлиб кўринса ҳам, янгиликлар бирин-кетин туғилиб борган.

Формалистларнинг новоторлиги ҳақида нималарни айтиш мумкин? Фарбий Европада декаданс 80 йиллардан бери, бизда — Россияда эса 50 йиллардан ошиқ давом этди. Декаданс бир жойда қотиб қолгангина эмас, балки у борган сари тушкинликка учрамоқда. Бу айниқса расм сан'атида равшанроқ кўринади. Матисс ва Пикассодан кейин майдонга чиқсан „сўллар“ деб аталадиган рассомлардан ҳеч бўлмаса бирортаси Пикассо ва Матисс асарлари ёнига бирор нарса қўшолдилар деб айтиш жуда қийин. Бу рассомлар бир неча ўн йиллардан бери бир ерда қотиб қолиб келаётирлар — бу канча новаторлик бўлар эмиш? Бу эски алмисоқдан қолган усул. Матисс ва Пикассо шогирдларининг бу усулни асоссловчилардан фарқи шуки, улар сан'атда мутлақо саводсизлар. Агар бирор нарсанинг расмини олиб беринг деб сўрасангиз, улар буни уддалайолмайдилар.

Эски рус реализмнинг ҳам заиф томонлари бор эди. Унинг асосий заифлиги шунда эдик, эски рус реализми реал тарихий борлиқда ижобий қаҳрамон бўлган, унинг келажаги бўлган ижобий қаҳрамонни яратадилади.

Биз, совет социалистик жамиятидининг сан'аткорлари нақадар баҳтиёрмиз! Бизнинг жамиятимида энг илғор инсоний ахлоқ эгаси бўлган янги совет кишиси реал яшаб турибди. Биринчи бўлиб бизда коммунистик жамиятнинг куращчиси ва ижодчиси бўлган чинакам турмуш қаҳрамони сан'аткор томонидан адабий асар қаҳрамони қилиб яратилди.

Худди мана шу туфайли, бизнинг социалистик реализм — реализм блан революцион романтиканинг тўла ва узвий равишда

бирлашувидан<sup>1</sup> иборатдир. Бу — мутлақо янги реализм. У кишилик сан'ати тараққиётида янги бобдир.

Социалистик реализмнинг бу хусусиятлари унга кучли ва прогрессив реализм бўлиш имкониятини беради. Унда янги ахлоқнинг мустаҳкамланиши, капиталистик ахлоқнинг салқитлари бўлган ҳарқандай қолоқликни ва заифликни танқид қилиш блан чамбарчас боғлангандир.

Совет адабиёти мана шу ма'нода энг партиявиий, энг тенденциоз адабиётдир. Худди шунинг учун у том ма'носи блан озод ва тўлақонли ҳамда форма жиҳатидан новаторлик адабиётидир.

Совет адабиёти — рус адабиётининггина эмас, балки гарбий Европа ва бутун жаҳон классик адабиётининг қонуний мерос-хўридир. Аммо у давомчигина бўлмай, янги дун'ёнинг янги адабиёти бўлиб ўсаётир. Унинг бутун дун'ёдаги тарихий аҳамияти мана шунда.

Менинг бу айтганларим — ўзимнинг ижодий нуқтаи назаримдир. Мен бу гапларни мажбурий программа деб тақдим этмайман. Аммо адабиётимизнинг назарияси ва бизнинг эндиги тараққиётимиз масалаларини кўтаришга вақт етган, ҳа, бунга аллақачон вақт етган.

\* \* \*

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг қарори чиққандан бери ўн ой вақт ўтди. Бу давр ичida биз бойроқ, ақллирок бўлиб қолдик. Биз ўзимизнинг буюк ижодий мақсадларимизни ҳам, ўзимизнинг ғоявий душманимизни ҳам равшанроқ кўрмоқдамиз.

Буюк ҳалқимиз, жаҳонда ягона ва улуғ давлатимиз, буюк устозларимиз Ленин ва Сталин берган барча ижобий, катта ва улуғвор нарсаларни ривожлантиришимиз керак. Марказий Комитет қароригача бизда бўлиб келган ўзаро муросасозлик, оғайнигарчилик муносабатлари, танқид ва ўз-ўзини танқиддан қўрқиш каби ҳолларнинг қолдиқларини орамиздан туб-томири блан йўқотмай туриб биз олдинга қадам босаолмаймиз. Танқид ва ўз-ўзини танқид ҳозиргacha йўлга қўйилмаган ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларининг қолдиқлари давом этаётган жойларда ғоявий жиҳатдан ноанияқлик, сиёсатдан чётда қолиш ҳоллари ҳали ҳам бор.

Бу ҳолларни тамоман йўқотиш пайти етган, ўртоқлар!

Шак-шубҳа йўқки, биз шонли коммунистик партияянинг ва буюк Сталиннинг илҳомбахш раҳбарлиги остида биздан ажойиб совет ҳалқи ҳамда бутун илғор кишилик кутаётган, бутун дун'ёда тарихий аҳамиятга эга бўлган катта адабиёт яратажакмиз. (Давомли олқишлилар)

ТЕМУР ФАТТОХ

**КЕЧ КИРИШ**

Астагина ботмоқда қуёш  
Адрларнинг нари ёғига;  
Қип-қизил нур отмоқда қуёш  
Ватанимнинг дала, боғига.

Уфуқ — қизил, булутлар — қизил.  
Қип-қизилдир адлар, қирлар;  
Ҳатто, энди, боя ям-яшил ||  
Баргларни ҳам қизил нур безар.

Қип-қизориб ботаётган кун  
Севинчимга севинч улади:  
Қувна юрак, кул, эртанты кун  
Бугундан ҳам гүзал бўлади.

АСҚАД МУХТОР

## ПҮЛАТ КУЮВЧИ

(Поэма)

### 1. Карвонлар

Икки тундан бери чироғ ўчмайды,  
Машинага түлгән қишлоқ күчаси.  
Кампир ивисийди тандир ёнида,  
Қизарып пишади сафар кулчаси.  
Әгар жабдуқ тикар икки ўспириң,  
Шомурод өзхалайди пүлат метинин.  
Икки тундан бери тинмайды шов-шув.  
Карвонлар,

карвонлар ўтар бетиним.  
Колхоз дарбозасин қызлар безатар:  
„Сизге оқ йўл бўлсин, тошкесар эрлар,  
Карвонлар, у чўлга ҳёт өлтингиз,  
Одамга бош эгсин қақраган ерлар!“  
Шайланиб,

кееккайиб,

ана Шомурод ҳам  
Майдонга келади кўплар кетидан.  
У ҳам қурилишга йўлланима олган  
Колхознинг комсомол комитетидан.

\* \* \*

Кўтарилиди ғулу,  
силжиди карвон...  
Булутдек чанг чиқди ғилдираклардан.  
Кўз узмай қишлоқдан, новча тераклардан  
Карвонда боради Шомурод-полвон.

## 2. Чўлда

Бу чўллар

кўп қадим афсоналарда  
Минг-минг нафрат блан олинган тилга.  
Дерларки,

Тўрт юз тош йўл босган дарвеш  
Шу ердан қайтибдир, етмай манзилга.  
Осмонида қушлар қанот қоқмаган,  
Карвонлар ҳам четлаб ўтишар эмиш.  
Одамлар бир умр тикиб унга кўз,  
Ҳаркун бир фалокат кутишар эмиш.  
Дерларки,

адашиб қум гирдобида  
Ном-нишонсиз кетган чўпондан бўлак.  
Бу чўлга  
ҳечкимса оёқ босмаган,  
Ҳечкимса сайрини қилмаган тилак.

\* \* \*

Кеча,

яrim тунда,  
Сирдар'ёни кечиб,  
Тўқсон машинали азим бир карвон,  
Чўлнииг қоқ бағрини ёриб  
кириб келди,  
Бадном тарихини топтаб беомон.  
Фарҳод этагига

етди машиналар  
Күёш тоғ устида яллиғланмайин.  
Тинимсиз изғиган ёввойи шамол  
Тоғлар қоясига уриб манглайин,  
Ернинг тупроғини титиб,  
тўзғитиб,  
Дарғазаб гирдобга чирмаб  
кўтарса,  
На қуёш кўринар,  
на юлдуз,  
на кўк.  
На чўлнииг уфқида бир нарсал

## 3. Аттанг...

Тикан ҳам ўсмабди,  
ер тақир тош,  
Шамол ялмаб кетган бетини...  
Бор ғайрати блан урди Шомурод. —

Үт чақнаб,

қўлидан учди метини!  
Тишлар орасида ғичирлайди қум.  
Шамол тикка урар афтига.  
Ўзича нимадир ғунғиллаб Полвон  
Туплаб-туплаб қўяр кафтига.  
— „Э, аттанг,  
бу ерга нима деб келдим.  
Йўлланмасин йиртиб

ташламайманми!?  
Колхозимда гурс-гурс кетмон уриб,  
Роҳатижон қилиб яшамайманми.  
Э, тентак, мана шу азоб ўрнига  
Колхоз адираида битта қўриқ оч.  
Ота касбингни қил,  
оиласангни боқ,  
Томорқангга қиттак арпа соч...”

\* \* \*

Йигит узоқларга боқди кўнгилсиз.  
Аммо кўз олдини тўэон беркитди:  
Бугун ўрнатилган кигиз чайлани  
Довул алғоқ-далғоқ совуриб кетди...

#### 4. Гулхан ёнида

Зур тош панасига гулхан ёқилдя.

Одам,  
саҳро,  
тун,  
ўт, —  
бўлди улфат чор.  
Қўлдан қўлга ўтар ғижимланган газет:  
Информбюронинг хушхабари бор!  
Карvonбоши бўлиб  
келган қора йигит  
Солдат шинелини ечиб ташлади,  
Гурунгнинг қизиган жойига ўтиб,  
Чўлнинг келажагин сўзлай бошлади.  
Тошга бошин қўйиб,  
ўй сурди Полвон,  
Бошлиқнинг сўзларин салмоқлаб кўрди.  
Ақли кўп сўзларга қилмади бовар,  
Пахмоқ қошин чимриб,  
ўрнидан турди,  
Пахса қилиб қўпол қўлинини,  
Бошлиққа гапирди оғиз тўлатиб:  
— Келасолиб заводга уриндик,

Тирикчилик оғир, ўртотк Пұлатов,  
Олдин ҳужра-пужра  
                          қуриб олиш керак.  
Устахона, артель, дўкон очайлик.  
Бирдан завод қуриб бўладими!<sup>1</sup>  
Ахир ўйлаб кўринг, ўртоқ начайлик...  
— Тўғри!  
— Бўлмаган гап!  
— Ўртоқ Пўлатов!  
— Кетмондаста қилсак устахона йўқ.  
— Биз завод қургани келганмиз!  
— Тўғри!  
— Ва'дамиз бор!  
— Айтилган сўз—ўқ!  
Бошлиқ қўл кўтариб халқни тинчиди.  
Қўлтиқ таёғин ҳам отиб ташлади.  
Кружкадан қайноқ сувни жўплаб,  
Сўзини бошқатдан бошлади.

### 5. М е ҳ н а т   т о н г и .

Шомурод кўзини юмган соати  
Даҳшатли туш кўриб босинқиради:  
Гўё ўнгидаги каби дашт эмиш,  
Гўё тушида ҳам ел изғиради.  
Нафас олмоқ учун йўқ эмиш ҳаво.  
Танҳо ўзи эмиш тун қорасида  
Ўшқириб, тўлганиб, катта бир илон  
Пайдо бўлган эмиш рўпарасида...  
Дод солса, халқуми тиқилар эмиш,  
Қочса—жилолмасмиш жойидан,  
Терлаб пишган эмиш...

Аммо бир овоз  
Тўқ-тўқ эшитилармиш тойибдан...  
Шомурод уйғанди.

Атроф қора тун.  
Кўзларин уқалаб, қувди уйқини.  
Қирра тошин босиб ётган әкан  
Мюшиб қолибди биқини.  
Хечким йўқ...

чопонни олди қўлига.  
Ичидан қарғади ла'нати чўлни,  
Гупуриб ташладида ётган ўрнига,  
Аланглаб кўзлади келган йўлини...  
Гурс-гурс овоз келди нарироқдан,  
Ломлар ярқиради тонг шу'ласида.  
Г'умбурлаб кўчади харсон тош...  
Ҳали ўчмаганди кечаги гулхан,  
Олов чирсилларди бир ғўласида.

Энди уйғонгандай бўлди Шомурод.  
Олайиб боқдида ўнг-у сўлига,  
Ўзини „Номард!“ деб сўкди ичидан,  
Ларров метинини олди қўлига.

## 6. Томчи тер

Чуқурликдан сочраб тупроқ чиқади.  
Гўзон кўтарилар осмонга.  
Ел тинган.

Янги кун туғилар!  
Янгй кун!

Гўё таҳсин айтар инсонга,  
Ана, кўтарилар Шомурод-полвон  
Шагал уйимининг пасидан.  
Забардаст кифтида харсон тош,  
Бир томчи тер томди пешонасидан..

\* \* \*

Бир томчи тер!  
Гўё шу томчида  
Чўлнинг келажаги ярқираб кетди.  
Шу томчи сингдию,  
ла'натланган чўлга,  
Хар сиқим тупроғин табаррук этди.  
Унга эгизакдир

шу дам узоқларда  
Жангчи ярасидан томган қон.  
Шу томчидан ҳаёт унар бунда,  
Шундан бошланади бутун бир замон.  
Пешонадан томган бу қайноқ томчи  
Юрак оловининг учқуни.  
Х, пўлат тобловчи ёлқинга айланар  
Азамат домналар ёқилган куни

## 7. Ҳаёт келаётир

Ертўланинг мўрисидан бурқиб,  
Гупроқ уюмларин оралар тутун.  
Гинимсиз гирчиллар арра товуши,  
Автомашиналар ағдарар юкин.  
Кеча Бухородан келган гиштчилар  
Қумнинг шагалини элайди.  
Бехосдан гумбурлаб, портлаган мина  
Тоғнинг этагини чангга белайди.  
Ху, дар'ё томонда, куртак ёрибди  
Шомурод ўтқазган тол навдалари.  
Қирғоқдан адашиб келган бўлсамикии,  
Соралаб колибди тўрт-беш болари...

Далварзиндан келди пўлат из,  
Инженер чизғичин олди қўлига.  
Уч тун маш'ал ёқиб,  
уч минг киши ишлаб.  
Чўлни туташтириди Тошкент йўлига.  
Дўпписин ирғитиб

„Ural“ қичқирди халқ  
Ҳансираб паровоз кириб келганда;  
Бир вагон китоб-у бир вагон тунука.  
Этиқ, тахта, гурунч, оина, ранда...  
Ҳар кун эшелонлар келади,  
Чинқириб ёради чўлнинг ҳавосин,  
Битмаган цехларнинг баланд девори  
Чўзиб таракрорлайди акси-садосин.

## 8. Сиз Пўлат шаҳрининг бинокорисиз..

Тоғ чўққисин тўсган девқомат цехга  
Сўнгги фишт қўйилди шу тонгдагина  
Самарқанддан келган беш уста блан  
Шомурод кун узун қўйди оина.

Бу азамат цехнинг ичи бир олам.  
Осмон кирай дейди деразасидан  
Замазка ҳидлари...

Асаблар титрайди  
Чиз-чиз этган ўткир олмоқ сасидан

Бошлиқ машинада келиб тўхтади.  
Ёнида қўнғироқ кокилли рус қиз  
— Ҳорманглар!  
— Бор бўлинг, ўртоқ Пўлатов.  
Бошлиқ нотинч боқди:  
— Иш боши ким?  
Шомурод гердайиб деди:  
— Мана биз!  
— Бу қандай гап, Шомурод-полвон.  
Кундай деразага солибсиз ямоқ?!  
— Ҳукумат моли-ку, ўртоқ Пўлатов.  
Ноҳат айб бўлса тежамоқ?  
— Тежаш эмас, бачкана хасислик!  
Сиз Пўлат шаҳрининг бинокорисиз!  
Шомурод қизарди.

Қиз ҳам кўрди.  
Нега уялганин билмади ёлғиз.

\* \* \*

Улар кетгач, Шомурод буюрди

— Битта ямоқ жойи қолмасин!  
Узи қулоч етмас яхлит ойнага  
Күзи қияр-қиймас солди олмосин.

## 9. Шомуродни табриклайдилар

Терак буйи баланд темир девор.  
Икки ёни одам,

Ҳамма тикилган;  
Тахта-такта темир чамбарчаст—  
Тиркалиб,  
қуюлиб,

тиклаб чиқилган.  
Бежо ўрнашганиш ҳайбатли девор.  
Поезд дарбозасин сиқиб қўйганмиш  
Келиб кўриб кеча бош инженер  
Ўн метр силжитиш керак деганиши  
Бўғун бўйруқ бўлди:

деворни бузиб,  
Гез ўрнатиш керак янгидан.

Шунинг учун халқ тўпланди бунда  
Бугун эрта туриб меҳнат зангидан.

Аммо янги ғовға құзғаб Шомурод Ҳамманың оғзига каратди бекес:

— Бузсак иккى ойсиз тиклаб бўлмайди,  
Бузмаймиз!

— Хай-хай-хай!

— Полвонники рост!

Бош инженер мийиғида күлди.

## Шомурод олдинга чиқди дарровда:

Менга әртагача мұхлат берингиз

— Бу хавфли иш.

— Бошим гаравда.

Бироў кулди, бироў ишонди ҳам

Бирор „афсона!“ деб қичқирди.

Бутун участкада шу ҳақда жанжал,  
Шөвқин-сурон блан кеч кирди.

\* \* \*

10

Эртасыра,

## Шомурод иш боши.

Деворнинг ёнида халқ қирмисқадай.

## Шомурод терлаган, күйлаги шилта,

## Минутлар кунгидан бугу

Темир сепоялар қоқылди,

Моторлар ўрнашди түрт ёнга.

## Дор ўйиндагидай, йүғон симдан

Кинди клар тортилди икки томон

Икки ёнга тираб икки оёғин,  
Күзини чимириб,  
чамалаб полвон'

Хайбатли деворга қаради тағин.  
Халқ унга тикилган.

Хозир „Хал“ деворса  
Еки түрт моторни бирдан синдирап,  
Еки оғдарилиб юз тоннали темир

Мажақлаб полвонни ерга сингдирап...  
Хамма тинч,

хамманинг дами ичида.  
Рақибин ииқәндайды:

„Хал“ деди полвон.  
Фирчиллаб қўзғолди ўрнидан девор  
Пўлат изга тушиб силжиди равон.  
Тарашибадай енгил

кўчиб, гириллаб,  
Мўлжалланган жойга ўрнашди тикка.  
Полвонни қўл бериб қутлар инженер,  
Кўпчилик кўтариб қўл-оёғидан  
Кўярига – қўймай ирғитар кўкка.

\* \* \*

## II. БЎЛИМ

### 10. Хўп, пўлат қуювчи бўлганим бўлсин

— Қани ўлтирингчи, дўстим Шомурод.  
Бошлиқ таклиф этди юмшоқ курсига.  
Курсининг бахмалин сийпаб кўрди-да  
Суқланиб ўтириди аста бурчига.

— Цехларимиз тайёр,  
юргиэдик ҳам.

Энди, оғайни, гапнинг дангали,  
Мана, беговодлик бўлиб қолдингиз.  
Ҳавасингиз ҳам бор касб ўргангали.  
Пўлат қуядиган бўласиз.

Кеча мастер Сизни сўзлади.  
— Мен? Пўлат қуючи?

Полвон иргиб турди.  
Соқадай очилди кўзлари:

— Йўғе, эпломайман.

Мени ота-онам  
Пўлат қуйиб юрган бўлмаса...  
Бунақангги паҳмали оловни  
Ухлаб тушида ҳам кўрган бўлмаса...

Пулат деган нарса  
худди сизнингдаи  
Забардаст қўлларни яхши кўради.  
Уралдан келган қиз —  
(зуvalаси пўлат!)  
Кеча шогирдликка сизни сўради.  
— А!..

деди Шомурод  
кизарди.  
Гүё суҳбатдоши уқди сирини.  
Жиноят устида ушлангандай бўлди.  
Қандайдир андеша тутди тилини.  
Йигит бўлиб полвон

Завқига толгани йүк әди ҳали,  
Үз умрида бирор қиз күнглига  
Күлини солгани йүк әди ҳали.  
Ишкү үти юрагин ўртаган эмас,  
Қызларга гулдаста тутмаган.  
Нижроннинг тотмаган қайғусин,  
Яшириб висолнинг ширин туйғусин  
Оқшомлар биронни кутмаган.  
Билмайди уйқусиз тунларни,  
Сирли хаёлларга бўлмаган асир,  
Севгининг сеҳргар, сўзсиз қўшиги  
Новқирон қалбига қилмаган та'сир.  
Аммо .

Бошлиқ блан машинада келган  
Күнфироқ кокишли ўша қиз...  
Күзига чүг каби күринганди-ю,  
Яшириб дардини тоотарди ёлғиз.

Хүп денг!  
Бу чүлларда завод бино бўлди,  
Гўнгич металлург ҳам туғилсан.  
Шодланиб бошлиқка қўл берди Полвон:  
Хўп!  
Пўлат қювчи бўлганим бўлсин!

## 1. Мартен ёнида

Цехнинг ўртасидан ўтган паровозни  
Эритгудай бўлиб мартаёнади.  
Шомурод полвоннинг тер босган юзи  
Ёлқин шу'ласида яллиғланади.  
Ана Мария қиз, олов ҳукмдори,  
Манглайига қалқан мәҳнатнинг зўри  
Қаршисида етмиш мурувват бор.  
Ҳарбирида кўзининг нури.  
Бирига тегизди чаккон қўлини.

Чириллаб чарх урди минг пуд гилдирак  
Яшиндай чақнади рубильникда ток,  
Хайбатли машина юрди гулдираб.  
Азамат панжаси блан чангллаб  
Үн тонали яхлит темирни  
Мартен оловига улоқтирганда  
Жаҳаннам даҳшати босар бу ерни  
Ба'зан ваҳимага тушади Полвон,  
Зўр пўлат қўйини оқади.  
Кўк кўзойнак оша

ба'зан у печъга,  
Ба'зан Марияга пасдан боқади.  
Ба'зан ерга қараб, ўзининг —  
„Полвон“ лақабидан гўё қилар ор  
Ба'зан ўз - ўзича пичирлаб, дейди:  
„Зуваласи пўлат деганича бор!“  
Ҳарорат минглардан ошганда,  
Пўлатнинг сифатин текширмоқ учун  
Чарм қўлқопини авайлаб кийиб.  
Лавага ботирди узун чўмичин.  
Биринчи пўлатни қўлда дадил тутди.  
Аммо цемент полга тўкканда уни  
Кўзин қамаштириди, бошин гангитди  
Қатиқдай саҷраган пўлат қуюни.  
Чеккадан Мария кузатар экан,  
Шогирднинг ҳолидан бўлди хабардор.  
Қўпол ва бақувват қўлларига боқди —  
Ҳаёлчан кўзида сирли қувонч бор...  
Хай, йигит, пўлатта қон бериш керак  
Биласизми, бундан

танк қиладия!?

Биласизми,  
бунинг ҳар томчиси —  
Қизил Армияга ҳадия!  
Газни кўп берисиз, мана

бери келинг.

Учқунидан қўрқманг, тегмайди...  
• Бунда олов блан бирга ёниш керак,  
Пўлат қўрқоқликни севмайди.  
Шомурод бошини қўйи солиб турди.  
Қизармасам дея хавф тортиброк.  
Мартен қархисида билинмади,

чунки —

Барибир қип-қизил әди ҳаммаёқ.  
Олов...

Олов...

Рудалар  
Сутдай оппоқ бўлиб эрийди.

Шомурод ўйларди;  
Шу олов ёнида  
Мариядай дадил  
турсам дер эди.

## 12. Ҳунар ва устоз

— Яна кўк чой беринг, самоварчи!  
— Қақа ичияпсан, Шомурод-полвон?  
Юрак - пурагингга ўт кетдими дейман,  
Гўртта дамлаб бердим, чой дейсан ҳамон  
— Ўчоғингиз эмас, мартен дейди уни!  
Саккиз соат турдим рўпарасида.

— Айтгандай, хўш,  
қалай,  
жўн касб эканми?

Миш - миш тарқалибди эл орасида.

— Жўн бўлганда қандай!  
Биласизми,  
Биз қўйган пўлатдан танк қиласдия!  
Ха, ишонаберянг,

бунинг ҳар томчиси  
Қизил йўрнига ҳадия!  
Қўйиб юборсанг ихтиёрига  
Қанчаки куч - қувват бўлса билакда.  
Пўлат қўйинидай жўшмоғи керак  
Қанчаки ҳарорат бўлса юракда.  
Кўзларинг саккизу қулоғинг саккиз,  
Кўкрагинг тоф қадар бўлса,— бунда оз.  
Оловда аждардай тўлғанасан!

Яхши!

...Менга бир нарсаси ёқмади халос.  
— Хўш?  
— Уни даставвал Пўлатов блан  
Цехга келганида кўргандим.  
Бир чеккаси,— шу деб кирдим мартенга.  
Ундан яхши ҳунар ўргандим.

— Хўш?  
— Нима хўш! Ёқмади — тамом!  
Ҳадеб сўрай берасизларми?  
— Айтинг ахир.  
— Айтаберган блан  
Бироннинг дидини бирор биларми.  
Э - э... Қиз эмас,— барзанги йигит.  
Қиз деганда жиндак ноз бўладида.  
Қиз деганнинг қўл — пўли бундок  
Юмшоғроқ бўлса соз бўладида.  
Гаплари ҳам дағал,

нима дейди денг:

„Дарров хафа булар экансиз,  
Хўрз қанд ушлатиб касб ўргатмаймиз.

Гул ҳам бўлмайди-ку тикансиз...“

Ким сўрабди ундан хўрз қантти,

Бундайреқ гапирса қайтади?

— Менга қаранг, полвон, тушинмабсиз.

Ҳадди сиққанидан айтади.

— Эҳтимол шундайдир...

Лекин-чи, ота,

Бир чеккаси, ўзим ҳам қойил.

Яна бирорвларга айтиб юрманг - а.

Рост гап: кўнгил қурғир шу қиэга мойил.

### 13. Мұҳаббат

Салқин хиёбоннинг рўпарасида

Олти деразали муҳташам уй бор.

У — Пўлат шаҳрининг зеб-зийнати,

Қўлинг дард кўрмасин, э ме'мор!

Дарчанинг ҳаворанг панжарасига

Ёш чинор чўзилиб шохин уради.

Бунда Беговоднинг тўнгич мартенчиси.

Металлург Шомурод туради.

Ана, пешойвоннинг катта деразасин

Кенг очиб ўй сурар йигит шом чоги.

Шаҳарнинг бор ҳусни кўринар бундан:

Боғлари, сойлари, ёрқин чароги.

Бугун Шомуроднинг завқли хаёллари,

Бугун агрегатни бошқарди ўзи.

Қалбини чулғади бир умрлик қувонч

Қуйган пўлатини кўрганда кўзи.

Меҳр блан қўлини сиқди устоз

— Раҳмат! Раҳмат... — деди Мария.

Бутунлай ўзини йўқотди йигит:

Пайқамаган бўлса майли - я...

Мария... Бунчалик латофат блан

Утда туғилгансан чамаси.

Мартенга гувлатиб ўт ёққанинг бас,

Қалбга ўт ёққанинг нимаси?..

Она меҳри каби унинг меҳри кенг,

Гулнинг ҳусни каби ҳусни бегубор,

Пўлат оқинидай қудрати чексиз,

Иродаси пўлат, доно, улуғвор.

Лилда қувонч!

Ҳарерда қувонч, нур!

Чинорнинг барглари садаф каби соғ.

Ҳаётбахш оқшомда ҳарнарса гўзал,

Қушлар товушидан янграйди атроф.

Шодлик! Кўзлардан ёш чиқарар шодлик —

Қалбда зўр муҳаббат бор бўлганидан.  
Шу лазиз умринг уфқи йўқ каби  
Оташин бир орзу ёр бўлганидан.  
Шомурод қўнғироқ соchlарни эслаб,  
Уни кўрмоқ бўлиб юмади кўзин;  
Ҳа, улуғвор.

Устоз ахир!

унга —

Айтиб бўлармиди муҳаббат сўзин...  
Кўнглида орзуси шуқадар зўр бўлса,  
Шуқадар кўп бўлса гаплари,  
Салобатли устоз — гўзал Марияга  
Нечук ишқ сўзини айтсин лаблари?..

#### 14. Мусобақа

Меҳнат блан гувлаб ўтди дамлар,  
Анҳорлар тўпланиб сой бўлиб кетди  
Жанговар кунлар ҳам жамланиб,  
Шонли, фулғулали ой бўлиб кетди.  
Шомуроднинг қўйган асл пўлати  
Танк бўлиб, ҳайқириб кирди жангларга.  
Меҳнат блан гувлаб ўтди дамлар  
Оқшомлар улашди тонгларга.  
Фарҳод чўққилари кўринмай қолди,  
Девқомат корпуслар ўсиб бағридан.  
Сирдар'ё тўлқини ўйнар шу'лаланиб  
Пўлат шаҳарининг чароғларидан.  
Қулоч ёзиб элга байрам келди,  
Гинч денгизга бурди кемани дарға.  
Хусндор, чароғон Пўлат шаҳари  
Шомурод қўлидан байрамга совға!  
Шомурод тонналаб пўлат тоблайди.  
Тўкилган ҳар қатра қон учун.  
Элга голиб қайтган солдат шарафиға,  
Жангда фидо бўлган азиз жон учун.  
Энди у трактор пўлатин тобдар,  
Кеча колхозидан олди хат:  
Шунда кўп қадрдан туюлиб кетди  
Бу меҳнат, бу завод, муҳаббат...  
Айтгандай... Байрам қун севганин қучди у,  
Аммо қалб չирини ҳеч ечолмади.  
Умрга етгулик шодликлар кўрдию,  
Бир шу ҳавасидан воз кечолмади.  
Қандай айтсин, устоз ахир, устоз...  
Кўрганида ердан ололмас юзин.  
Шундай салобатли, гўзал Марияга  
Айтиб бўлармиди муҳаббат сўзин?

Бугун ҳамма шошиб кузатар  
Устоз блан шогирд мусобақасин.  
Бирор ишонмайди, бирор қойил қолар,  
Бирорлар ушлайди ёқасин:

„Мариянинг ўзи чақирибдими?  
Ҳазиллашдимикин, ростданми?“  
Шомуродга йўл бўлсин, эҳхе.  
У блан баслашиш осонми?“  
Аммо Шомуроднинг ўйи бошқача,  
Яхши ният — дейди — ярим мол.  
Ҳеч бўлмаса тенглашиб олар-ку,  
Ютиб кетиши ҳам эҳтимол.  
Шу баҳона блан ўрганиб қолса-ю,  
„Яшин тезлиги“да қуюлса пўлат,  
Ҳазил әмас ахир, бу деган гап —  
Ҳар куни ўн тонна ортиқ маҳсулот!  
Иккинчи томони бор бунинг яна,  
Буниси албатта анчайин ҳавас,  
Ўзи-ку ҳеч кимга айтмайди буни,  
Бир учин чиқарсан зарари бўлмас:  
Бордию ютқузса Мария...

Уни

Бир карра табриклаб қўлин тутади.  
Ўшандада қўлини қўймасдан...

Ўшандада...

Фолиблик ғурури ортиб шогирд ҳам  
Лилидагин айтса ҳадди етади.

\* \* \*

Ширин хаёлларин бирорга айтмай,  
Яхши ният, дея, ярим мол.  
Шомурод астайдил боғлади белин,  
Ютиб кетиши ҳам эҳтимол.

### 15. Ўйлаб, хаёлим за яратардим

Ўша оғир, жанговар кунларда  
Урал домнасидан сочраган учқун  
Асрлик тоғларни ларзага солиб  
Бунда ёлқинланиб ёнади бугун.  
Унда ҳижрон тортган ота, келинларнинг,  
Полвон йигитларнинг маҳорати бор.  
Ғазабли, умидли, ўчли юракларнинг,  
Ўтли юракларнинг ҳарорати бор.  
Пўлат бизга азалдан қадрдон —  
Бизнинг иродамиз унга ўхшайди.  
Атакага борган жангчи қўлида  
Кундай ярқираган ўшайди.

Асл пўлат қайнаб оқади...  
Шомурод юзида шаррос тер.  
Етти соат ўтди...  
— Эй, эй машинист!  
Олов! Олов керак.  
Газдан кўпроқ бер!  
Асл пўлат қайнаб оқади...  
Шомурод қўлидан тушмас кураги.  
Саккиз соат бўлди...  
Полвон бетоқат.  
Мартен оловидек шошқин юраги.  
Асл пўлат қайнаб оқади...  
Саккиз ярим...  
тўққиз...  
— Эҳ, тўққиз ярим!  
Қайси бир мартенда қўйилди пўлат!  
Цехларни зилзила босди!  
— Қайда? Ким?  
— Ким у? Ҳей!  
— Мария!  
— Тўққиз-у қирқ беш!  
Полвон манглайинга қарс этиб урди.  
Гўққиз-у элликда улгурди пўлат  
Шомурод мартеннинг дастасин бурди

\* \* \*

Улар уйга кетдилар бирга,  
Кеч эди. Боғларда шодон яллалар.  
Дар'ё шов-шувини олиб келган ел  
Ширин туйгуларни аллалар.  
Гўё бир-бирига айтгали сўз йўқ  
Индамай юрдилар аста қадамлаб:  
Асли ҳар бирининг кўнглида  
Айтиш зарур бўлган дун'ё-дун'ё гап.  
Шомурод бош эгиб аста сўз очди,  
Гўё шундан ўзга йўқ эди чигал:  
— Менга айтинг, Мария Павловна,  
Беш минутни қандай ютдингиз бугал?  
Шу маҳал Мария шундай боқдики  
Уялчанг шогирднинг юзига,  
Шемурод бошини кўтарган эди,  
Олов чақнагандай бўлди кўзида.  
Бехосдан оташин лабларнинг изи  
Йигит ёногини куйдириб олди.  
Шомурод бўйнининг иссиқ билакларга  
Чирмалиб кетганин пайқамай қолди,  
— Мария!.. Машенъка! — деди Шомурод,

Забардаст қулочин очди ёрига.  
Олов қизи блан олов йигити  
Отилди түйгуулар ихтиёрига.  
— Рост айтсам, мен ўша Уралдан  
сенинг  
Буенда борлигинг билиб келганман.  
— Йүғе, қандай қилиб?  
— Күнглим сезган,  
Күнглим аниқ сезган, билганман.  
— Бордию мен бунда бўлмаса эдим,  
Нима қилар эдинг, Мария?  
— Худди сени излаб топар эдим.  
— Излаб тополсайдинг майли-я.  
— Излаб тополмасам ҳаётда сени,  
Ўйлаб, хаёлимда яратардим...  
Кел!

\* \* \*

Қўнгироқ соchlарни тўзғитар эди  
Дар'ё шов-шувини олиб келган ел.

Тошкенг  
Февраль — иш  
1947.

А. ФАДЕЕВ

## ЁШ ГВАРДИЯ\*

### ЕТТИНЧИ БОБ

Обком биносининг тамаки тутуни ва куйдирилган ҳужжатларнинг ҳиди чиқиб кетсин деб очиб қўйилган хоналаридан бирида икки киши стол ёнида рўбарў ўтириб бемалол сұхбатлашмоқда эдилар.

Буларнинг бири партизан отрядининг бирига раҳбарлик қилиш учун атайлаб қолдирилган обком ходими Иван Фёдорович Проценко эди. Иккинчиси эса, 1918-1919 йилларда яширин им юргизган ва партизанлик қилган, ҳозирда бўлса Краснодондаги яширин группанинг бирига раҳбар этиб қолдирилган Краснодоннинг кекса кончиси Матвей Константинович Шульга эди.

Иван Фёдорович Проценко паканадан келган, эпчилгина, мос биринч аралашган ва сийраклашиб бораётган соchlарини телага силлиқ қилиб тараган, илгарилари тоза қириб юрса ҳам, ёнди яширин ишда қолишини билиб соқолини қирмай қўйган ўттиз беш ёшлар чамасидаги киши эди. Унинг кўзлари кўм-кўк, тоҳ у кўзида, гоҳ бу кўзида аллақандай айёрлик аломати билиниб турар эди.

Украинчасига Костиевич деб юритиладиган Матвей Шульга эса елкалари кенг, шиддатли юзи офтобдан қорайган қирқ беш ёшларга қириб қолган, тўладан келган киши эди, унинг юзини майда қора нуқталар босиб кетган эди: конда ёки дегрез бўлиб ишлаган кишиларнинг юзлари ҳаммавақт шундақа бўлади. Костиевич кепкасини бошининг орқасига суриб кийган эди, сочини калта қилиб олдирганидан бошидаги учли суюги кепкаси тагидан дўппайиб турар, кўзлари эса ҳўқизнинг кўзларига ўхшарди.

Бу икки кишидан ниҳоятда хотиржам ва шу блан бирга бемалол ўтирган киши бутун Краснодонда топилмас эди. Улар шунинг учун ҳам хотиржам эдиларки, уларнинг бутун ишлари ўз вижонлари блан батамом ҳам оҳанг эди.

Урушнинг дастлабки кунидан бошлабоқ то шу дамгача ўтган бутун вақт уларга ҳамда бундан бир соатгина бурун шарққа то-

\* Б иши журналнинг 5-нчи сонида.

мен күчіб кетған ўртоқларға кеті тұгамайдыган, одамзод бардош берәолмайдыган машаққатдай туюлған әди, фақат чиниқан баҳодир одамларғина бундай машаққатға бардош берәолур әдилар.

Улар ўз ўрталаридаги әнг соғлом ва кучли йигитларни фронтта жүпнатған әдилар; шунга қарамасдан урушдан слдингидан күраңча күп күмир, металл, галла ва ажойиб янги машиналар ишлаб чиқаардилар; шу блан бирға құлдан кетиш ёки емирилиш хавфи остида қолған катта корхоналар, минглаб дастгоҳлар, ўн минглаб ишчилар, юз минглаб оиласларни шарққа күчирадылар; яна бүннинг устига бүшаб қолған корпусларга жоң киритмоқ учун янги асбоб-ускуналар, янги ишчилар қидириб топар әдилар; корхона ва одамларни керак бўлған соатда кўчириб олиб кетишга таппа-тахт тайёр ҳолда тутардилар, шу блан бирға корхоналарда техникани такомиллаштирар әдилар, экинларнинг янги ва тез пишар нав'ларини экар, камчил маҳсулот хомаш'е урнига янгиларини қидириб топар әдилар, шу блан бирға урушга довур қитиб келған ва хусусан уруш вақтида қымасдан иложи бўлмаган ишларни бажаардилар, я'ни аҳолини озиқ-овқат, кийим-бош блан та'мин этар, болаларга та'лим-тарбия берар, касалларни даволар, янги инженер, ўқитучи, доктор, агрономлар етиштирар, милиция, клублар, театрлар, ошхоналар, ҳаммомлар, қироатхоналар, сартарошликлар, спорт заллари ва стадионларга қарап, етим болалар учун маҳсус уйлар очар ва әнг муҳими — уруш, туфайли зиммаларига тушған барча оғирликларга бардош берипда одамларга руҳан ва жисман мадад бериб турар әдилар.

Улар бу ишларни урушнинг дастлабки кунларидан берли қилиб келардилар. Донбасс бирин-кетин құлдан кетған сари унинг қолған қисміда ундан ҳам оғирроқ ишларга, ундаи ҳам кўпроқ қийинчиликларга дуч келар әдилар. Донбасснинг әні сўнгги қисми қолганда улар бутун куч-қувватларини аямай ишладилар. Чунки бу Донбасснинг әнг охирги қисми әди. Улар ўз ҳаётларидан кечган, бола-чақалари шарқда, ўзлари эса ўз уйларидан эмас, идора ва корхоналарда турар әдилар, уларни кечаю-кундуз ўз жойларидан топса бўлар әди. Агар бошқаларнинг мадори қуриб, ишдан чиқиб қолса, улар ўзларининг жисмоний ва ма'навий кучларини яна ишга солар әдилар ва зарур бўлған ишни охиригача етказар әдилар.

Донбасснинг әнг сўнгги бўлғанини ҳам ташлаб чиқиб кетиш керак бўлған пайт келиб қолди; улар бирнече кун ичида яна юзлаб корхона ва идораларни,—минглаб дастгоҳ, ўн минглаб одамларни, юз минг-минг тонналаб мол-мулкларни поездларга, машиналарга ортдилар, чекинаётган фронт армияларининг силжиши, та'миноти ва турар жойи учун керак бўлған ҳамма нарсаларни топиб бердилар, немислар босиб олган жойларда яширип ишалиб бориши учун ўз ўртоқларидан маҳсус кишилар ажратдилар ва уларга раҳбарлар тайинладилар. Ниҳоят, уларнинг кўпчилиги у ерда әнди қолиши мумкин бўлмаган сўнгги пайт ҳам келди, чунки немислар тобора сиқиб келаётган ҳалқадан чиқиб кетиш маҳол әди.

Худди ана шу вақтда обкомнинг худди шу хонасида, күчидеги кетучилар блан шу ерда қолучилар сўнгги марта хайрлашдилар. Бу хайрлашув манзараси ўзининг руҳи жиҳатдан қадимги замон фожиаларидан зўроқ эди, аммо ўша фожиаларни кўрган тамошабинни ҳаяжонлантираолмасди ҳам, чунки бу хайрлашув шунчалик оддий эдикни, ҳатто фожиага ўхшамас ҳам эди. Улар хайрлашар экан бир-бирлари блан ҳазиллашар, бир-бирларидан кулишар, бир-бирларининг елкаларига қоқишар эдилар. Аммо, жўнаб кетучилар ғамгин, юраклари тор, худди ичларини мушук тимдалагандай эди; шу ерда қолучилар эса руҳан тинч ва хотиржам эдилар.

Одам қочганида бунинг зарур ва мантиқий эканлигини жуда яхши билса-да, аҳволининг тубан эканлигини ўзи сезиб туради. Иван Фёдорович блан Костиевичлар эса шу маҳалгача ўзлари яшаб ва ишлаб келган жойда, ўз қўлларида ишлаб келган одамлар блан бирга қолтан эдилар. Уларнинг зиммасига бундай катта шарафли иш тушганлиги уларнинг руҳларини кўтариб юборган эди.

Ёру-дўстлар кетиб бўлди, деразадан урган шамол тамаки тутуни блан шовқйин-суронни уйдан сурисиб чиқарди, уй ичи жимжит ва муздек бўлиб қолди.

Иван Фёдорович блан Матвей Костиевич келгуси ишларнинг режаларини тузиб, учрашиб турадиган жойларни аниқламоқда эдилар.

Донбасснинг кўмир кони районларида мажлисларни рус тилида олиб бориш, хатларни рус тилида ёзиш одат бўлиб кетган эди, шу сабабдан Иван Фёдорович блан Костиевичлар ҳам рус тилида сухбатлашар, уларнинг сўзларига дам-бадам украинча сўзлар ҳам аралашиб кетар эди.

— Кани, айтчи, Костиевич, менга берган адреслардаги одамларни ўзинг танийсанми? Хуллас, буларни танисанг, бола-чақалари ким, қариндош-уруглари ким,—сенга малумми? — деб сўрарди Проценко.

Шульга, ҳўқиз кўзлари сингари мўмин кўзлари блан Иван Фёдоровичга қараб, дерди:

— Уларни жуда яхши танийман деб айттолмайман. Анови адресда, — илгари Голубятники деб аталарди, Кондратович, я'ни Иван Гнатенко деган одам туради, ўн саккизинчи йилда яхши партизан эди, аммо увикида бўлмаганимга ўн беш йилча булди, уғиллари улгайиб уйланган, қизлари әрга тегиб кетган, энди билмадим, атрофидаги одамлар ким экан. Аммо улар ҳақида бирор ёмон гап эшитганим йўқ. Мана бу адресда, Шанхайдаги, — деди Костиевич, Проценконинг қўлидаги қоғозни бармоғи блан кўрсатиб, — Игнат Фомин турали, мен уни сира кўрганим йўқ, нега десанг, у Краснодонда янги киши сизлар, ҳам билсаларинг керак, — у тўртинчи кўмир конининг стахановчиси, ўзимизнинг одам, ўзи розилик берди дейишади. Қулайлиги шуки, ўзи партиясиз; машҳур одам бўлса-да, жамоат ишларига аралашмайдиган, мажлисларда гапирмайдиган, шунчайки кўримсиз бир одам

дэйишади. Қолганлари бўлса—ҳаммаси, яғи, мен уларнинг ҳеч-қайсини танимайман.

Кимларни танийсан бўлмаса?—деб сўрарди Иван Фёдорович бироз ташвишлангансимон.

— Яширин ишлаш учун қолдирилган бирнеча коммунистларни биламан, масалан кекса Лютиков бор, Вдовенко бор,— жуда яхши хотин,—яна почтада ишлайдиган бир коммунист аёл ҳам бор, аммо уларнида учрашиш тўғри келмайди, чунки ўзлари ҳам яшириниб юришлари керак бўлади.

— Менга ёзиб берган уйларда ўзинг ҳеч бўлмаганмисан?—деб сўрарди Проценко.

— Кондратович, я'ни Иван Гнатенконикида бундан ўн беш йил бурун бўлганман, бошқаларникига умримда борганим йўқ. Боришим ҳам мумкин эмас эди-да: менинг бу ерга фақат кечагина келганимни, кечагина қоласан деб айтишганини ўзингиз яхши биласиз-ку! Танлаган одамларни билишса керак деб ўйлайман,—дерди Матвей Константинович; унинг бу гапи жавоб ёки сўрашими—билиб бўлмасди, чунки ўзида ҳам шубҳа туғилиб қолган эди.

— Шундайликка шундай-куя, аммо бу кифоя қилмайди-да. деди Проценко.—Яширин ишни бировлар уюштирсин-у, аммо ишни бошқалар қилсин; шу ҳам иш бўлтими?—Унинг товушида Шульгага насиҳат бериш, гарчи бу ишда Шульганинг заррача айби бўлмаса-да, унга хайфсан беручи оҳанглар пайдо бўлганини Проценконинг ўзи ҳам пайқамас эди.—Яширин ишни ҳам шунақа уюштирас экан-да!—деб масхара қиласди Проценко, кўзлари эса чақмоқдай ёнарди.

— Уюштирган мен эмас-ку, ахир Иван Фёдорович!

— Мен ҳам сени айтиётганим йўқ!—дедида Проценко, Шульгага қараб, бошини чайқаб, кўзини шўх қисиб қўйди.

Костиевич, япалоқ юзини жилмайтириб:

— Ҳе-ҳал Улар энди Новочеркасскига етиб қолган бўлса керак!—деди.

Икковлари бир-бирларига ҳазилкашлик блан қараб кулишиб олишди.

Иван Фёдорович блан Костиевич ўз ўртоқларининг ҳозиргина жўнаб кетганилкларини, кетмасдан иложлари ҳам йўқлигини. бунинг учун уларда мутлақо айб йўқлигини, бордю, уларнинг ўрнига ўзлари, я'ни Иван Проценко блан Матвей Шульгалар кетган бўлиб, ўртоқлар қолган тақдирда ҳам иш худди шу тахлитда бўлишини ҳаммадан яхши билар.

Аммо, ўртоқлари кетиб, ўзлари бу ерда қолганларни учун ич-ичларидан хурсанд эдилар.

— Ҳа майли, бундан қийинини ҳам кўрганмиз. Уддалаймиз, нима дейсан, Костиевич?

Албатта уддалаймиз,—деди Матвей Костиевич, ҳўқизники сингари кўзларида, афтидан ношуд ва камҳаракат кўринишига қарамасдан, юзида серғайратлик ҳислари акс этди.—Ҳуш, Иван Фё-

юрович, менга берган адресларингиздаги одамларни биласизми, деб секин ва эҳтиром блан сўради у.

Процентонинг юзи жиддий тусга кириб, қовоғини солиб,—энди боши блан жавоб бермоқчи бўлиб туриб эди, бирдан шўх кўзлари чақнаб кетди-да, кулиб юборди. Проценто икки қўлини силтади-да, Костиевичга содда ва хуш қараб:

— Ҳечбирини танимайман, хумпарларни! —деди.

Уларнинг бу сұхбати келгуси ишлари ва ўзлари учун жуда ҳам ҳавфли бўлишига қарамай, икковлари самимий ва қувноқ кулишдилар.

Булар, турмушнинг оғирчиликларида пишган одамлар эди, мунинг учун энди бўлар иш бўлди, тузатишнинг иложи йўқ дейдиган одат уларда йўқ эди. Кўп иш кўрган ва тажрибали бу кишилар қандай қилиб бундай бўлганини билар эдилар, шунга қарамасдан, аҳвол ниҳоятда жиддий бўлса-да, ўзлари ҳам ишни шундай бўлишлари мумкинлиги тўғрисида кулишардилар.

Ҳаммасига сабаб бегамлик эди.

1941 йилнинг кузидаги босиб олиниш ҳавфи жуда яқинлашиб қолган пайтда тузилган партизанлар штаби ўшакуз фаслидаёқ яширин группалар ва партизанлар группаларини тузишга киришган эди.

Аммо душман ҳали Ворошиловграддан анча йироқда эди, штабга киритилган кишиларнинг эса ўз ишлари бошларидан ортиб ётарди. Шунинг учун улар, группаларни тайёрлаш ишини бошқаларга, ишончли ва ишчан одамларга топшириб қўйган эдилар, булар ҳам бу ишни ўзлари ишонган ва ишчан одамларга толширган эдилар,—хуллас махфий уйлар, учрашув жойлари ва партизанларнинг базалари, яширин группалар ва партизан отрядлари шу йўсинда белгиланиб, тайёрланган эди.

Босиб олиш ҳавфи борган сари узоқлашаборди, Қизил Армиянинг қишидаги муваффақиятлари умуман босиб олиниш ҳавфи йўқ деган умид туғдирди. Ҳамма нарса қандай бўлса шундайлигича қолиб кетаверди. Яширин ишга тайинланганларнинг кўпи, ҳатто штаб кишилари ҳам йил давомида армияга сафарбар этилиб кетган, кўплари бошқа ишга кўчирилган, бошқалари эса кўчиб кетган эди, ба'зилари эса бу ишга тайинланганликларини унтиб юборган ҳам эдилар.

Бу иш келиб-келиб энди, босиб олиш ҳавфи яна туғилганда эсларига тушди. Бу сафар бу ҳавф бехосдан пайдо бўлди, ишни бошқатдан бошлашга фурсат ҳам қолмаган эди. Ундан ташқари, немислар босиб олган районларда яширин ишлаш ва партизанлар кураши соҳасида катта тажриба ортдирилган, энди бу тажрибани улар ўз ишларида ишлатишлари лозим эди.

Партизанлар штаби шошқалоқликда кетиб қолганлар ёки янги синовлар туфайли рад қилинган одамлар ўрнига янги кишиларни танлади.

Проценто шаҳарда кўзга кўринган ходимлардан бўлгани учун уни Ворошиловградда қолдириб бўлмас эди, чунки дарров қўлга тушиши мумкин эди. Шу важҳдан уни Митянкиская станцияси районида жойлашган катта партизан отрядида қолди-

ришди. Шульга, гарчи Краснодонда туғилиб усган бўлса-да, кейинги ўн йил Донбасснинг бошқа районларида ишлаган, немислар босиб олгандан кейин Ворошиловград областининг ғарбий шимолий районларидан бирида ишлаган эди. Шу сабабдан уни Краснодонда яширин иш олиб боручи раҳбарлардан бири этиб қолдиришни ма'кул топдилар.

Областьда яширин ишлаш ва партизанлар курашини ўюштирганлар башқалар бўлиб, бу курашини олиб боручилар—бошқа одамлар бўлишининг сабаби ҳам шу эди.

Бўлган аҳволни аниқлаб, Проценко блан Шульга бир-бирларига: „бунда ҳеч қўрқадиган жойи йўқ“, „ҳамма атрофдан совет кишилари“, „икки ҳафта ўтар-ўтмас ҳаммаёққа томир ёйиб борамиз“ деган сўзлар блан бир-бирига далда бердилар. Сўнгра, Проценко:

— Хўш, Костиевич...—дедида, ўрнидан турди.

У энди жўнаб кетишни керак эди.

Шульга ҳам:

— Хўш, Иван Фёдорович,— дед-да, у ҳам ўрнидан турди.

Икковлари бир-биридан ажралишини истамаганликларини ана шунда сездилар.

Ўртоқлари ва ёру-биродарлари ўз ерларини босиб ўтиб ўз юртларига жўнаб кетганликларига ниҳояти икки соатгина бўлган, энди булар ўзлари туғилиб ўсган ва йигирма тўрт йилдан буён яшаб келган ерда қолиб, янгича, нома'лум, махфий иш олиб боришлини керак эди. Улар ўз ўртоқларини ҳалигина кўриб турган, улар узоқлашиб кетмаган бўлсада, лекин уларга етиб олиш мумкин эмас эди. Ана шу бирнеча соат ичидан улар бир-бирига энг яқин қариндошлардан ҳам яқин бўлиб қолган эдилар. Шунинг учун бир-биридан ажралиб кетишлари ниҳоятда оғир эди.

Улар, тиккатик турганларича, анчагача бир-бирининг қўлларини сиқиб, силкитиб туриши.

— Кўрайликчи, немис дегани қанақа экан, қанақангি ҳоким экан улар,—дерди Проценко.

— Ўзингизга эҳтиёт бўлинг, Иван Фёдорович...

— Менга бало ҳам бўлмайди. Сен ўзингга эҳтиёт бўл, Костиевич:

— Менинг жоним тошдан ҳам қаттиқ,—деб жилмайди Шульга.

— Икковларининг юраги тошиб кетган, бир-бирларига энг ёқимли сўзлар айтмоқчи бўлишар эдилар, аммо оғизларига гап келмадида, бир-бировларини қаттиқ қулоқлашди, ўпишди, ниқиллашди, бир-бирларига қарайолмай, машина олдига чиқишиди.

Юзларига тушки иссиққина қуёш нури тегдию, улар кўзларини қисдилар.

Иван Фёдорович, машинани юргизиш учун эшикни очиб, оёқ тагидаги темир ручкани олатуриб:

— Кутавериб тинканг қуригандир-а, Катя?—деди ва гуноҳкорона илжайди.—Таниш, Костиевич, бизнинг хотин бўладилар. муаллима,—деди у, тўсатдан мақтаниб.

— Эҳ-ха, шунақами, қани, танишиб қўяйлик бўлмаса,—дедида

Шульга, жувоннинг машина тирқинидан узатган қулини сиқди.  
— Сизнинг хотинингиз-чи? — деб жилмайб сўради Проценко нинг хотини.

— Меникиларнинг ҳаммаси... — деб бошлатан эди Шульга.

— Э, кечирасиз... кечирасиз,—дедида, Проценконинг хотини ва дарҳол икки кафти блан юзини беркитди. Бармоқ браларидан юзининг қип-қизариб кетгани кўриниб туради.

Шульганинг бутун оиласи немислар босиб олган районда қолиб кетган эди. Узоқ станцияларда шарққа ҳайдаб кетиладиган молларни тўплаб юрган Костиевични кутиб турганда шу районга немислар тўсатдан бостириб келиб қолиб оиласи кўчиб кетаолмай қолиб кетган эди.

Оиласи ҳам ўзига ўхшаган жуда содда эди.

Бошқа ходимларнинг оилалари шарқ томонга кўчиб кетар экан, Матвей Костиевичнинг хотини ва икки боласи,—бири қиз, бири етти ёшар ўғил, кўчиб кетишни хоҳламади. Костиевичнинг ўзи ҳам уларни зўрламади. Ёшлигида шу ерларда партизаник қилиб юрган чогда унинг ёш хотини ҳам ўзи блан бирга эди, уларнинг тўнғич ўғли,—ҳозир Қизил Армия командири,—худди ўша вақтда туғилган эди. Шу сабабдан бошга оғир мусибат тушганда оила бўлинмасдан, бутун оғирликни бирга тортиши осонроқ кўринарди,—улар ўз болаларини ҳам шу руҳда тарбиялаган эдилар. Энди бўлса Матвей Костиевич ўз оиласининг немислар қўлида қолганлиги учун ўзини айбдор деб ҳис этар эди.

— Кечиринг мени,—деди яна Проценконинг хотини ва юзидан қўлини олди-да, хижолат ичиди Костиевичга қаради.

Проценко анчагача зўр бериб ручкани айлантирди. „Газик“нин мотори сира ишламас эди.

— Костиевич, машинага кириб, газ бергин,—деди Проценко ҳамон хижолат тортиб.

Шульга машинани юргизиб жўнаб кетди.

— Савил қолгур машина! — дедида Проценко, пешана терисини қўлининг орқа томони блан сидириб ташлаб, ручкани шофер ўтирадиган жойнинг тагига иргитди.

Улар, яна қулоқлашиб, ўпишиб, хайрлашдилар.

— Хайр,—деди Проценконинг хотини. У жилмайди, „хайр“ сўзини жиддий айтди-да, кўзларига ёш келди.

— Яхши боринглар,—деди ма'юсланиб Шульга.

„Газик“ орқасидаги карнайдан қоп-қора тутун чиқариб, отдан сакраб, кўчадан югуриб кетди. Проценко, машинадан қўлини чиқариб, охирги марта силкитди.

Шульга бўлса кўчада жазирама офтобда ёлғиз ўзи қолди.

Кўчанинг нариги бетида юқ ортилган машинага, унинг устида ўтирган кишига, машина ёнида туриб хайрлашаётган йигит блан қизга кўзи тушдига, анчагача хаёл суруб уларга қараб қолди.

— Бир пастдан кейин Толя Орлов кириб келди,—танийсанми? — дерди Вания Земнухов бўғиқ ўйгон овози блан.

— Билмадим, у Воронилов мактабиданлир, деб пичир забжавоб берди Клава.

— Хуллас, кириб келди-да, „ўртоқ Земнухов, сиздан бирнече уй нарида Володя Осьмухин деган бола туради, ўзи жуда фаол комсомол, яқинда кўричагини олдирган, ҳозир уйида ётилти, яраси очилиб, иринг босиб кетипти, бирорта арава толиб беролмайсиэми?“ деди. Нима қилишим керак эди? Володя Осьмухинни жуда яхши танийман,—бола эмас, олти! Нима қилишим керак эди? „Югур Володянинг олдига, мен ҳозир бир жойга бориб келан, кейин бирон нарса топиб, олдиларингга кираман“ деб юбордим-да, ўзим сенинг олдингга югурдим. Нега сизлар блан кетолмаслигимни энди билдингми?—деди у гуноҳкорона қизнинг ёшланиб кетган кўзларига қараб.—Аммо бир Жора Арутюнянц блан иккимиз... деб яна сўз бошлаган эди, Клава:

— Вания,—деди ва бирдан юзини йигитнинг юзига яқин тутди.—Вания мен сен блан маҳтансам арзиди, мен...—у, ингради ва ёш қизларга ўхшаб эмас, эргатеккан жувонларга ўхшаб унинг бўйнидан маҳкам кучоқлади-да, лабини-лабига босиб, қаттиқ ўпди.

Нима бўлаётганига энди фаҳми етган Матвей Шульга ё ажабланибми, ё ҳаваси келибми, кўчанинг у юзидан туриб: „вой шоввозларей“ деб ўйлади.

Қиз Ванияни қўйиб юборди-да, ўзи эшикдан қочиб кириб кетди. Вания, бир дам жим туриб қолди, кейин узун қўлларини силкитиб, юзини, тўзиб кетган соchlарини офтобга тутиб, тезда кўчадан боф тарафга қараб кетди.

Кўксида чўғдай товланиб турган илҳом энди гайри оддин юзини ёритиб туради, аммо кўчадан якка ўзи қўлини силкитиб кетаётган Ваниянинг ажойиб чеҳрасини на Клава, на бошқа киши кўрарди. Қаердадир ҳамон конларни емирап эдилар, қаердадир одамлар қочишар, йиглар, сўкишарди, чекинаётган аскарлар ўтар, замбарак овозлари эшитиларди, кўкда даҳшат блан моторлар бўкирарди, атрофни тутун ва чанг босган, жазирама офтоб кўйдирарди, аммо Вания Земнуховнинг кўзига бўйинши қучоқлаган муздек, момиқдек нозик қўллар ва лабидан ҳали мазаси кетмаган кўз ёши аралаш бўсадан бошқа ҳечиарса кўринмасди.

Атрофда бўлаётган ҳодисаларни энди писанд қилмас эди, чуники унинг қўлидан энди ҳамма нарса келарди. У фақат Володя Осьмухинни эмас, балки бутун шаҳарни,—бола-чақалар, хотин-халажлар, қари-қартангларни бутун юк-пуклари блан бирга кўчириб олиб кетишга қодир эди.

„Мен сен блан маҳтансам арзиди, мен сен блан шундай маҳтансам...“ дерди қиз ўзининг майнин овози блан. Ваниянинг қулоғига бошқа гап кирмас эди. У энди ўн тўққиз ёшга кирган эди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Немислар қўли остида, турмуш қандай булишини ҳечким билмас эди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши расмий бир вазифа эгаси бўлиб олиш керак эди, албатта. Проценко кеча Матвей Шульгага Ворошиловград паровозсозлик заводи ишчиси Евдоким Остапчук деган ном блан паспорт ва меҳнат дафтарчаси тўғри-

заб берди. „Краснодонуголь“ трестининг механика цехи бошлиғи бўлиб ишлаган ва яширин ишда қолдирилган кекса Летиков ке-ча кечаси уни эскидан бери ишлаб келаётган ишчилар қаторига ёзиб қўйди. Айни муддаодагидек бир иш бўлди: у Ворошиловград заводида ишлар эди, уруш бошланиб қолиб, Краснодонга кўчиб келди ва шу ердаги механика цехига ишга кирди, вас-салом.

Сирасини айтганда, шу топда ўзига айтилган уйлардан бирига, энг яхиси эски партизан, қадрдони Иван Гнатенконикига (уни ҳамма Кондратович деб атарди) бориб яшириниб ётиш керак эди. Аммо Шульга Кондратовични ўн беш йилдан бери кўрмаган, шу сабабдан ҳозир энди Иван Гнатенконикига боришга оёғи тортиади.

У ҳозир жуда яқин, ишончли бир кишига муҳтож эди. Матвей Костиевич, 1918-1919 йилларда яширин ишда ишлаганлардан Краснодонда кимлар борлигини эсга олабошдади.

Унга энг яқин киши – таги-туғи шу ерлик, 1917 йилдан бери большевик, Леонид Рибалов деган киши эди. Немислар ва оқлар борлик вақтида яширин ишда бирга ишлашган, совет ҳокимиyatини бирга қуришган эди. У вақтда ҳали Матвей Шульга оддий бир киши бўлиб, Рибаловнинг номи эса бутун областъга ма'lум эди. Кейин замонлар ўтишиб блан хўжалик ишлари авж олиб кетди, Рибалов эса „душманни йўқ қилишга“ ва ва'зхонлик қилишга устароқ эди, шу сабабдан турмуш уни бир четга суринчиқарип қўйди. Шульганинг эса омади юришиб кетди. Шундай бўлдик, улар ўртасидаги дўстлик ўз-ўзидан узилиб, Леонид Рибалов эса Донбассдан бутунлай бошқа ерга, инвалидлар ко-операциясига ишга юборилган эди.

Броқ шу топда Матвей Костиевичнинг эсига Леонид Риболовнинг Лиза деган синглиси келиб қолди, – унинг қора кўмир чанглари сингиб кетган катта юзида болаларча табассум пайдо бўлди. Лиза Рибалова ўша вақтлари қомати расо, олтин сочмард, эпчил ва шаҳдам, кўзлари ўтқир, ҳечнарсадан қўрқмайдиган бир қиз эди, бу қизнинг унга ва акаси Леонидга, Сенякига овқат келтириб юргани, „э аттанг, бекор уйланиб қўйибман, бўлмаса сенга совчи қўйдиардим“ деб ҳазиллашганида оппоқ тишларини ялтиратиб кулганлари Матвей Костиевичнинг кўз олдиларидан бир-бир ўтди. Лиза унинг хотинини ҳам яхши танир эди!

Бундан ўн йилми, ўн икки йилми бурун Шульга уни кўчада, кейин янабир марта хотин-қизлар йифилишида учратган эди. Ўша маҳалда унинг эри бор эди, шекилли. Дарҳақиқат, гражданлар уруши туваши бланоқ, у Осьмухин деган бир кимсага эрга теккан эди. Осьмухин кейин трестда ҳам ишлаган эди. Матвей Шульганинг ўзи уй-жой комиссиясидалиги вақтда уларга 5-нчи сон кўмир кони атрофидаги бир хилда солинган янги уйлардан жой берган эди.

Матвей Шульга Лизани ёшлигида кўргани учун унинг ёдига ўша ёшлик кунлари тушудида, шу топда ўзини яна ёш ҳис қил-

ди, унинг қилиши керак бўлган ишларини ҳам бирдан ёшлик нурлари ёритиб юборди. „У ўзгариб кетмагандир, эри Осьмухин ҳам ўзимизнинг одамлардан эди... Нима бўлса бўлгани, ўша Лиза Рибалованикига борақолай! Балки, улар кетиб қолишгандир. Гақдирнинг ўзи мени ўша ерга бошлаб бормоқда. Ё якка ўзи турармикун?“ деб ўйларди ҳаяжон ичида Шулъга. У кўприк томонга тушди.

Бу ердан кетиб қолганига ун йил булган эди, шу давр ичида районга жуда кўп тош уйлар тушган, шу сабабдан Осьмухинларнинг уйини топиб олиш қийин эди. Дарчалари маҳкам беркитилган уйлар ёнидан, жим-жит кўчалардан анчагача кезиб юрди, бирон уйга кириб суриштиришга юраги ботинаолмас эди. Бирдан у. 5-нчи сонли коннинг узоқ қирдан кўринган тахлитига қараб тусмоллаб бориш керак деган фикрга келди, шу конга қараб кетган кўчага чиқиши бланоқ, Осьмухинларнинг уйини дарров топиб олди.

Гул териб қўйилган деразалар очиқ эди, — қулоғига уй ичида ёшларнинг овози чалинди; эшикни қоққан вақтда унинг юраги ёшлик вақтдагидек урабошлади. Уйдагилар эшиитмаган бўлса керак, яна қоқди. Эшик орқасида юмшоқ оёқ товуши эшитилди.

Рўпарасида туфли кийган Лиза Рибалова, Елизавета Алексеевна турарди. Лизанинг чехраси ғазаб ва гусса блан тўла, кўзлари йигидан қизариб кетган эди. „Ўҳ-ҳу, турмуш буни ҳам роса, қийнаганга ўхшайди!“ деб ўйлади Шулъга.

Лекин у, Лизани дарров таниди. Ёшлигига ҳам қизнинг юзида ғазаб ёки аччиғланиш аломатлари бўлар эди, аммо аслида унинг меҳрибон ва кўнгли очиқ эканлигини Матвей Костиевич биларди. Лиза ҳамон қомати расо, олтин соchlарига ҳали оқ кирмаган бўлса-да, кулфат ва меҳнат юзини ажин бостириб юборган эди. Усти-боши ҳам бир тарзи эди, илгарилари у ҳечқачон бундай кийинмас эди ҳам.

Лиза Рибалова, эшик олдида турган нотаниш кишига илтифотсиз қараб, нима дер экан деб кутиб турди. Бирдан унинг чехрасида ажабланиш ва кўз ёшлари кетидан шодлик аломати пайдо бўлди.

— Матвей Константинович... ўртоқ Шульга! — деди у ва эшик бандини ушлаб турган қўли ҳолсиз осилиниб қолди. — Қайси шамол учирди? Бемаҳалда!

— Айбга буюрмайсан, Лиза... ё Лизавета Алексеевнами, отингни қандай айтишимни ҳам билмай қолдим... Шарққа кўчиб кетаётган эдим, йўл-йўлакай кириб кўриб кетай дедим...

Ҳа-ҳа, шарқами? Ҳаммангиз шарққа томон кетаверингиз. Бизларчи? Бола-чақаларимизчи? — деди бирдан гапга кириб хотин, титроқ қўллари блан соchlарини тузатиб ва Костиевичга ғазабли, гуссали кўзлари блан қараб. — Сиз, ўртоқ Шульга, шарқ томонга кетаётисиз, менинг операция қилдирган ўғлим эса нотоб ётипти, сиз бўлсангиз бемалол шарқ томонга жўнаб қолибсиз! — деб рўни бераётган аҳволдан худди Матвей Костиевич хабардордай, бунга Матвей Костиевич айбдордай, такрор тақрор айтарди.

— Кечиргаисиз, хафа булаверманг,— деди осойишталик блан Матвей Костиевич, гарчи юрак торларининг бири ачишиб кетган бўлсада. „Шундаймисан ҳали, Лиза Риболова?—дерди юрак тори.—Шундай кутиб олдингми мени, жоним Лиза!“

Аммо у, бошидан кўп нарсаларни кечирганидан, ўзини тутди.

— Қани, айтингчи, узи нима гап?

У ҳам „сиз“лашга ўтди.

— Сиз ҳам айбга қўшмайсиз,—деди хотин, ҳамон жаҳл блан. Унинг юзида қадимги қадрдонлик аломати пайдо булди.—Киринг... Уй бесаронжом...—дедида, қўлини силкитди, шишган ва қизарган кўзлари яна ёшланди.

У четланиб, Шульгага йўл берди. Матвей Костиевич унинг кетидан чалаёргу хирароқ даҳлизга кирди. Очиқ эшикдан туиган офтоб шу'лалари блан тўла хонанинг ўнг томонида каравот ёнида турган уч-тўртта ўсмир ва бир қизга кўзи тушди; каравотда офтобдан қорайган, энди рангги қочган, қора кўз, эгнига ёқали оқ майка кийган ўсмир, устига оқ чойшаб ёниб, ёнбошлаб ётар эди.

Кепка кийган ва елкасига юк халта осган болани Шульга кийимидан ва ҳаракатларидан таниди, у машина ёнида бир қиз блан ўпишиб турган бола эди.

— Булар ўғлим блан хайрлашгани келишипти. Бу ёқса киринг.—Елизавета Алексеевна рўпарадаги уйга бошлади.

Бу жона соя томонда бўлиб, қоронгироқ ва салқин эди.

Матвей Костиевич оқ-қора аралаш соchlари машинада олинган катта бошидаги кепкасини олди-да:

— Хўш, олдин салом-аликдан бошлайлик,—дедида қўлини узатди.—Отингизни нима деб айтишни ҳам билмайман,—Лиза десаммикин, ё Лизавета Алексеевна десаммикин...

— Қайсибири ма'қул бўлса шуни айтаверинг. Мен катталикини ёмон кўраман, кибр-ҳавони ҳам, аммо менинг Лизалигим қоптими? Бир вақтлар Лиза эдим, энди қаёғда...—дедида у, қўлини жаҳл блан силкитди, шу ондаёқ шишган кўзлари блан фақат хотин-ларгагина хос қараш блан Матвей Костиевичга қаради.

— Мен учун ҳаммавақт Лизалигингча қоласан, чунки мен ўзим ҳам қарип қолдим,—деб кулди Шульга, стулга ўтираётib.

Лиза унинг рўбарусига ўтирди.

— Мен сендан қарироқ эканман, аввало, сенга танбиҳ бериб қўяй,—деди ҳамон жилмайиб, лекин жиддий товуш блан Шульга.—Менинг ҳам ва бошқа одамларимизнинг ҳам шарққа қўчиб кетишига аччиғинг келмаслиги керак. Бизга аглаҳ немис мұхлат бериб қўйгани йўқ. Бир вақтлар ўзимизга яқин бир аёл эдинг, сенга очишини айтишим мумкин: ла'нати немис Миллероводан Морозовскаяга уриб чиқди, демак Сталинградни кўзлайди деган гап, бизнинг орқамизга ўтиб олди у...

— Бундан бизга нима наф,—деди алам блан Лиза.—Сизлар кетиб қоласизлару, бизлар бўлсан қолиб кетамизку...

— Бунга ким айбдор?—деди Шульга бирдан қовоғини солиб.—Бизларнинг бола-чақаларимиз ҳам сизларникига ўхша-

танку, —деди у, уз оиласини эслаб,— уруш бошланганидан буён то шу дамгача шарқ томонга кўчиб кетишга ёрдам бердик, оттрава бериб турдик. Оилалар у ёқда турсин, минглаб, ўн минглаб ишчиларни Уралга, Сибиръга жўнатдик. Нега вақтида жўнаб кетмадингиз?— деб сўради Матвей Костиевич борган сари юраги ачишиб.

Аёл жим ўтиради, унинг қимир этмай, худди бошқа хонада бўлаётган гапларга қулоқ солгандай индамай ўтиришидан Шульганинг сўзи унинг қулоғига кирмаётганилиги кўриниб туфар эди. Шульга ҳам қўшни хонадаги гапларга беихтиёр қулоқ солбошлади:

Кўшни хонадан ҳар замонда секин-секин гапирилган овозлар эши билар, нима бўлаётганини билиб бўлмас эди.

Ўжарлиги ва совуққонлиги ўртоқлари ўртасида мақол бўлиб қолган Ваня Земнухов Володя Осьмухин учун арава ҳам топаолмай, машинадан жой ҳам ололмай, уйга қайтиб келди; у ерда кутавериб тоқати тоқ бўлган Жора Арутюнянц ўтирган экан. Ванянинг отаси ҳам уйда эди, шундан билдики, Ковалёвлар кетиб қолишиган.

Жора Арутюнянцнинг бўйи анча ўсган бўлса-да, Ванядан хили паст эди; Жора таги қора, аммо офтобдан яна қорайиб кетгани, киприклари қайрилган, кўзи қора, лаблари қалин, ўн етти ёшар армани бола эди, худди занжига ўхшарди.

Ёшлири катта-кичик бўлишига қарамай, улар шу кейинги кунлар ичидаги жуда қалин ўртоқ бўлиб кетишиган. Уларнинг иккови ҳам китоб ўқишига ўч эди.

Ваня Земнуховни мактабда ҳатто профессор дейишарди. Унинг бисотида бор-йўғи битта йўл-йўл кулранг янги костюми бўлиб, уни фақат катта байрам ва тўйларда кияр эди. броқ бу костюм ҳам тор, ҳам калта эди. Аммо у, шу костюм тагидан ёқали оқ кўйлагини кийиб, бўйнига жигарранг галстугини, кўзига гардиши қора сукдан қилинган кўз ойнагини тақиб, чўнтақлари тўла газет ва қўлидаги китоби блан мактаб коридоридан хаёл суриб ўтиб қолганида, унинг юзида акс этган илҳом аломатларини кўрган ўз синфдошларигина эмас, балки унинг оталигига бўлган пастки синф ўқучилари—пионерлар ҳам унга эҳтиром блан йўл берардилар, у ҳақиқатан ҳам профессорга ўхшарди.

Жора Арутюнянцнинг эса катақ-катақ қилиб чизилган маҳсус дафтири бўлиб, унга ўзи ўқиб туширган китобнинг номини, авторини ва ўзининг қисқача фикрини ёзиб юрар эди. Чунончи:

Н. Островский. Пўлат қандай тобланади. Жуда яхши китоб!

А. Блок. Гўзал ҳөним ҳақида шे'рлар. Тушуниш қийин бўлган сўзлар кўп.

Л. Толстой. Ҳожи Мурод. Тоғлиларнинг озодлик учун куражи яхши тасвиirlанган.

С. Голубов. Солдат шухрати. Тоғлиларнинг озодлиги учун кураши етарли тасвиirlанмаган.

Байрон. Чайльд-Гарольд. Ўқиса зер иктирадиган китобдан дамларнинг ҳаяжонга тушишига хайронман.

В. Маяковский. Яхши. (Хечқанақа баҳо йўқ)\*.

А. Толстой. Пётр биринчи. Жуда яхши китоб. Пётрнинг тараққий парвар одам эканлиги кўрсатилган.

Бу катақ дафтарда яна кўп нарсаларни ўқиса бўлади. Жора Арутюнянц умуман тартибни севгани, озода, ўз фикрида қаттиқ турадиган ва ҳар нарсада тартиб ва интизом тарафдори бўлган бола эди.

Шу кеча-кундузлари мактаблар, клублар, болалар уйларини кўчириш блан овора бўлишларига қарамай, икковлари доим бир-бирлари блан иккинчи фронт ҳақида, „Кут мени“ шे'ри Ши молий дengiz йўли, „Кенг ҳаёт“ кинокартинаси, академик Лисенконинг янги ихтиро'лари, пионерлар ҳаракатидаги камчиликлар. Сикорскийнинг Лондондаги ҳукуматининг ярамас ҳаракати, шоир Шипачёв, радио-диктор Левитан, Рузельт, Черчиль ва яна кўн масалалар тўғрисида қизишиб сўзлашардилар. Улар фақат бир масаладагина келишаолмасдилар: Жора Арутюнянц, боғларда қизлар кетидан югуриб юришдан кўра газет ва китоб ўқиш фойдали дерди, аммо Вания Земнухов эса: „Кўзим бунчалик ожиз бўлмагандага жон деб қизларнинг пайдан бўлар эдим“ дерди.

Вания кўз ёши қилган онаси блан, синглиси ва қовоғини солган, ўғлига қарамасликка тиришиб, ниҳоят чидайолмай фотиҳа берган ва унинг пешанасидан иссиқ лаблари блан ўпган чол отаси блан хайрлашар экан, Жора, арава тополмаган экансан, Осьмухинларниги кириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, деб Ванияни зўр бериб кўндиришга тиришар эди. Аммо Вания, „Толя Орловга сўз берганман, албатта кириб тушунтиришим керак“ деди.

Улар буюм солинган халталарини елкаларига осишли; Вания караватнинг бош томонидаги ўзининг иш бурчагига, Пушкиннинг Карпов деган рассом чизган ва Харъковдаги Украина нашриёти босиб чиқарган расмига, этажеркага қатор қилиб терилган китобларига—Пушкин асарларининг йигиндиси ва Пушкин замонидаги шоирларнинг „Совет ёзучиси“ нашриёти томонидан Ленинградда кичкина қилиб босиб чиқарилган асарларига сўнгги марта кўз ташлади-да, кепкасини бирданига босиб кийиб, икковлари Володя Осьмухинниги кетишиди.

Оқ майка кийган ва чойшаб ёпингган Володя каравотда ёнбошлаб ётар эди. Шу куни эрталаб ўқиган „Реле қайтармаси“ деган китоб каравотда очиқ ёатган эди

Каравотнинг орқа томонида, дераза тагида ҳар турли асбоблар, сим, қўлда ясалган киноаппарат, радиосприёмник бўлаклари уюлиб қўйилган эди,— Володя Осьмухин ихтиро'чиликка жуда ишқивоз бўлиб, инженер-авиоинструктор бўлишни орзу қилиб юради.

Володяниг энг яқин ўртоғи, лақаби „Момақалдирс“ бўлган етимча Толя Орлов каравот ёнида табуреткада ўтиради. У ёзин-қишин тумов бўлгани ва доим йўталиб юргани учун уни „Момақалдироқ“ дейишарди. У, катта тиззаларини кериб, буқилиб ўти-

\* В. Маяковскийнинг „Яхши“ номли катта асари бор. Таржимон.

рарди. Унинг билак, тизза, тўпуқ бўғинлари ниҳоятда кенг ва зур эди; каттакон калласидаги қалин пахмоқ сочлари ҳар тарафга тиккайиб турарди. Кўзлари ма'юс.

Демак, туриб юраолмас экансанда?—деб сўради Земнухов Володядан.

Юриш қаёқда,—доктор яранинг чоки сўкилиб, ичак-човоғ-таринг чиқиб кетади дейди,—Володя зарда блан.

У, ўзи кетолмай қолганлигидангина эмас, балки уни деб онаси ва синглиси ҳам кетаолмай қолганидан хафа эди.

Қани, чокни очиб кўрсатчи!—деди Жора Арутюнянц ишга бош бўлиб.

Володянинг каравотининг оёқ томонида панжарага суюниб турган синглиси Людмила:

— Нега энди? Чоки бинт блан боғлаб қўйилганку! — деди кўркиб.

Хотиржам бўлинг бекаму-кўст боплаймиз,—деди мулойимтина кулиб Жора арманча оҳанг блан.—Мен ярадорларга биринчи ёрдам бериш мактабини битирганман, докасини ечишга ҳам, боғлашга ҳам устаман...

Бу озодаликка хилоф!—деб қаршилик кўрсатарди Люса.

Ниҳоятда ноқулай уруш шароитларида синаалган энг янги гиобий техника бу гапнинг бутунлай мантиқсизлигини исбот этди.—деди кескин қилиб Жора.

Буни сиз бошқа китобдан ўқигансиз,—деди Люся кибирланаб. Броқ шу ондаёқ у занжига ўҳшаган қора болага қизиқиб қарай бошлади.

— Хап турсангчи, Люська! Ойимку майли-я, у тажанг одам, нега сен бироннинг ишига аралашаверасан? Кет, нари кет! — дерди жаҳл блан Володя синглисига. У, чойшабни олиб ташлашида, қорайган ва мускулли озғин оёқларини очди.

Люся тескари қаради.

Толя Орлов блан Вания Володянни ушлаб туришди, Жора эса Володянинг трусигини паастга туширди-да, докаларини ечди. Ярасини газак олган, йиринг бойлаган эди, қимирилашдан келган оғриққа тидаш бериш учун Володя зўр берарди, рангги оқориб кетган эди.

— Иш чатоқ,—деди Жора, афтини буриштириб.

Иш пачава,—деди Вания ҳам.

Улар, Володянинг ҳаммавақт шўх ва айёр, аммо ҳозирда эса ма'юс кўзларидан кўзларини олиб қочишга тиришиб, уни қайтадан бойлаб қўйдилар.

Энди ишнинг энг қийини қолди: улар, ҳаёти таҳлика остида қолган ўртоқларини ташлаб кетишлари керак эди.

Айтгандек, эркагинг қани, Лиза?—деб сўради Матвей Костиевич шу пайтд гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлиб.

— Ўлган,—деб дагал жавоб берди Елизавета Алексеевна.—Бултур худди урушдан олдин ўлди. Касал бўлиб ётиб ўлди,—деб бирнечча бор такрорлади аёл, унинг сўзи Шульгага худди ўлка қилгандай туюлди.—Эҳ Матвей Константинович!—деди жафона қайғу тўла овози блан.—Сиз энди ҳукумат бошидаги одам-

лардан сиз, биз оддий бечораларнинг аҳволи нақадар қийин ва оғирлигини билсангиз эди! Ахир сизлар оддий кишилар устидан турган ҳукуматсизлар, илгари қандай одам эканлигингиизни биламан,— биз сингари оддий одам әдингиз. Акам блан бирга бизнинг ҳаётимиз учун кураштгансиз, менинг сиздан ҳечқандай ги нам йўқ, сизга ўхшаган одамларнинг бу ерда қолиши ярамаслигини ҳам биламан, лекин бутун иш-пишини ташлаб, машина-машина мебель, буюмлар олиб кетаётган абллаҳларга нега э’тибор бермайсизлар? Уларнинг биз фуқоралар блан иши йўқ, аммо бу буюмларни, бу бойликларни бизлар, шу оддий кишилар ўз қўлимиз блан яратганимиз-ку! Эҳ, Матвей Константинович! Бу абллаҳларга одамдан ҳам шу мато’лар қиймат эканлигини нега кўрмайсиз? — дедида аёл, аламидан лаблари қийшайиб кетди, — Яна биздек оддий кишилар ўртасида хафа бўлучи одамлар борлигига ажабланасиз. Мен бунга эмас, балки биздек оддий кишиларнинг тоқатимизга, чидаш беришимизга ажабланаман. Бундай аҳволни бошингдэн бир марта кечирсанг кифоя, ҳечнарсага, ҳечкимга ишонмай ҳам қўясан!..

Сўнгги вақтларда сұхбатпинг шу ерини өслаганда Шульганин юраги ачишиб кетарди. Энг оғири шу эди, аёлнинг бутун ҳисларини у биларди, унинг кенг ва бақувват қалбидан бу аёл учун асл ва чин сўзлар ҳам бор эди. Аммо, ўша сұхбат вақтида аёлнинг бу гапларни тўлиб-тошган юраги ёрилиб ва Шульганинг назарида, аччиқ алам блан гапиргани ёшлигида билган Лизадан бутунлай ажратиб қўйди ва кутганидан бошқача бўлиб чиқди. Унинг ўзи шу ерда қолсаю, бола-чақалари эса аллақачон немислар қулида қолса, балки ҳалок бўлиб ҳам кетган бўлсаю, бу хотиннинг фақат ўзи устида, ўз оиласи устидагина сўзлаши унга ҳатто ҳақоратдай тегиб кетди; ахир, бу аёл ёшлигида Шульганинг хотини блан таниш бўлишига қарамай: „оилангиз бола-чақаларингиз, хотинингиз соғ-саломатми?“ деб сўраиади ҳам-ку! Бирдан унинг оғзидаи ҳам қўпол сўзлар чиқиб кетдик, бунга кейин ўзи ҳам пушаймон еб юрди:

— Фикрингиз жуда ошиб кетибти, Елизавета Алексеевна, — деди у совуққина қилиб. — Останангизга немис ҳукумати келиб қолгайда ўз ҳокимиятингизга ишонмай қўйиш анча қулай нарса, албатта. Эшитаяпсизми? — деди у, жун бўстган бармоқларини пахса қилиб; шу онда йироқдан тўп овозлари эшитилиб қолди. — Ана у томонда халқимиз гулининг қанчадан-қанчаси ҳалок бўлиб кетиши, ўзингиз айтганча, оддий одамлар орасидан чиқиб, мен синагри ҳукумат бошида турганлар, онглари ўсган коммунистларнинг қанчадан-қанчаси ўлиб кетаётгани тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Устимизга немис бостириб келиб, оёқ ости қилаётган чоғда уша кишиларга ишонмай қўйганлигингииздан хафаман. Жуда хафаман ва ачинаман! — деди зарда блан у, худди ёш бола сингари лаблари титраб кетди.

— Нималар деяпсиз?.. Нима?.. Сиз ҳали мени немисни кутади деб айбламоқчимисиз? — аёлнинг нафаси бўғилиб кетган, гапини у одам нотўғри тушунганидан яна баттар кизнишиб кетган эди,

у овозини баланд қилиб бақирар әди.— Ие, сиз... үглим бор-у...  
Мен онаман, ахир!.. Сиз бўлсангиз...

— Биз сиз блан бирга оддий ишчи бўлганимиз вақтда, не мислар, оқлар бостириб келган кезларда сиз блан биз олдин уз нафсимизин кўзлаб эдикми? Буни унугиб юбордингизми?— дерди аччиқ-аччиқ Матвей Костиевич, аёлнинг гапини тингламасдан.— Йўқ, биз ўзимизнинг эмас, энг яхши кишиларимиз-йўлбошчилари-мизнинг ғамини ер эдик! Ўз акангижни эсланг! Биз меҳнаткаш одамлар мана шудай билардик! Йўлбошчиларимизни, энг яхши, асл кишиларни яшириш, эҳтиёт қилиш, ўз кўкрагимизни ўққа бериб, уларни сақлаш,— биздек ишчи одамларнинг иши у ҳамма вақт шуни ўйлаган, ўйлади, бошқача деб ўйлашни ўзига ор деб билди! Нажётки ўша вақтдан бери сиз шунчалик ўзгариб кетди-нгиз, Елизавета Алексеевна?

— Шошманг!— деди бирдан аёл ва нариги уйдаги эшитилаётган гапга қулоқ солабошлади.

Шульга ҳам қулоқ солди.

У ерни бирдан сукунат босди, она, у ерда бирон гап бўлаётган лигини сезди. Матвей Костиевич борлигига ҳам қарамай югуриб нариги уйга чиқиб кетди.

Матвей Костиевич, ўзидан хафа бўлиб, қоп-қора жун босган қўлларида кепкасини ғижимлаганича, даҳлизга чиқди.

Елизавета Алексеевнанинг ўғли каравотда ётиб, ўртоқлари блан хайрлашарди, уларнинг қўлларини узоқ сиқар, сочи олин ган боши ҳамда бўйни ҳаяжондан титтарди. Аммо ажаблантирадиган ери шу эдики, унинг юзида руҳан кўтаринкилик акс этарди, қисиқ кўзлари чақнаб ёнарди. Ўнинг, соchlари тўэзиган, бе-сўнақай гавдали бир ўртоғи каравотнинг бош томонида юзини яrim ўгириб туриб, офтоб шу'лаларидан ялтираган очиқ деразага аллақандай шодликка тулган назар блан қараб турарди.

Қиз эса каравотнинг оёқ томонида ҳамон табассум блан қараб турарди. Бу қизнинг қиёфаси ўша аввалги Лиза Рибаловани эслатганда, Матвей Костиевичнинг юраги бирдан өзилиб кетди. Ҳа, бу қиз — бундан йигирма йил олдин танигани ўша Лиза әди, аммо бу қиз — у илгари билмаган ва севган, қўллари катта-катта, серҳаракат Лиза бўлмай, бироз юмшариб қолган Лиза әди.

„Ҳа, кетиш керак“,— деб ўйлади у қўлида ҳамон кепкасини ғижимлаб, бир қадам босган әди, полнинг тахтаси ғижирлаб кетди.

— Кетаяпсизми?— деб сўради Елизавета Алексеевна ва югуриб чиқди,

— Не чора? Кетгин дегандан кейин кетиш керак. Айбга қўшмайсиз, — деб бошига кепкасини кийди.

— Дарров-а?— деб сўради яна аёл. Унинг бу саволида ачинишми ё алам оҳангими, эшитилди, ёки Матвей Костиевичга шундай туюлдими — ўзингиз хафа бўлманг... Худо бўлса агар йўлингизда ҳамроҳ бўлсин, омон-әсон етиб олинг, бизни унутманг, эсга олиб туринг, — дерди у, хомуш қўлларини икки ёнига осилтириб. Унинг товушида қандайдир оналарча меҳрибонлик сезилардики, бирдан Шульганинг ўпкаси тўлиб кетди.

— Хайр, — деди Матвей Костиевич ва күчага чиқди.

Эй, ўртоқ Шульга, бекорга кетаяпсан бу ердан! Нега Елизавета Алексеевнани ва илгариги Лиза Риболоваға ұшаган қызни ташлаб кетаяпсан-а, нега шу үсмирләр орасыда бўлган ва сен эшиг-ган гап-сұхбатларига назар-э'тибор бермадинг-а, ҳатто бу үсмирларнинг ким эканлигини билишга ҳам қизиқмадинг-а? Аттанг!

Агар Матвей Костиевич шундай келмаганда эди, балки унинг тақдирни бошқача бўларди. Аммо ўша вақтда у буни мутлоқ билмасди, билмасгина эмас, балки ҳатто ўша гаплардан хафа ҳам бўлган өди. Энди илгари Голубятники дейиладиган бир маҳаллага бориб, илгари вақтда бирга партизанлик қилган ва ўн беш йилдан бери — кўришмаган Иван Гнатенко, содда қилиб айтганда Кондратович деган эски ошиносининг уйини қидириб топишдан бошқа иложи қолмаган өди. Ана шу пайтда у, ўзини-ўзи ҳалокат йўлига итариб, бу йўлдан биринчи қадам ташлаганини фаҳмлай олармиди?

Елизавета Алексеевнанинг кетидан даҳлигза чиқиши бланоқ Елизавета Алексеевнанинг ўғли ётган уйда қўйидаги ҳодиса рўй берди.

Уйда оғир сукунат ҳукм сурарди. Бирдан Толя Орлов, дамбадам оғир-оғир йўталиб турадиган, усти-бошининг мазаси йўқлигидан доим шамоллаб, сяякларигача совуқ ўтган ва „момақалдироқ“ деб ном олган ўша Толя Орлов. табуреткадан турди-да, агар менинг энг яқин ва қадрдан ўртоғим Володя кетаолмас экан, мен уни ташлаб кетаолмайман, шу ерда қоламан, деди.

Даф'стан ҳамма саросимага тушиб қолди. Кейин Володя йиғлаб юборди-да, Толя Орловни ўпа бошлади, ҳамма севинчга тўлиб кетди! Люся бўлса „Момақалдироқ“нинг бўйнига осилиб олиб, юзларидан, кўзларидан, бўйнидан ўпа кетди, Толянинг умрида энг бахтли минути—шу өди. Кейин Люся Жора Артюнянцда қаттиқ қараш қилди. Қиёз, бу эпчил занжи йигитнинг ҳам, қолишини истарди.

Мана буни ўртоқлик дейдилар! Балли, Толя! — дерди вакти чоғ бўлиб кетган Вания Земнухов, ўзининг йўғон овози блан.— Сендан жуда хурсандман... — деди у бирдан. — Мен ва Жора Артюнянц икковимиз ҳам сендан жуда хурсандмиз,—деб тузатди.

Вания Толянинг қўлини қаттиқ қисди, Жора ҳам Толянинг қўлини қисди.

— Биз бекор ўтирамидик! — деди Володя, унинг кўзлари чақнарди. — Биз курашамиз, шундай эмасми, Толя? Яширин иш олиб бориш учун партия райкоми махсус одамлар қолдирган-дир-эй. Биз уларни топиб оламиз! Фойдамиз тегиб қолар, эй!

(Давоми бор)

ОДИЛ РАХИЙМИЙ  
Тажримаси.

## ПАРДА ТУРСУН

# ХАҚ ЙҮЛ\*

(Повесть)

## XXVI

Бир ҳафта ичида совет бүйича әллик процент хұжалик колхозлашди. Бир-бiriни орқа қилиб бирига-бири әргашиб ўрта дехқонлар 'ариза берар әдилар. Шу вакт нимадандир васасага тушган Турдибой халфа ҳам ариза берди.

Абдурасул Алексей блан маслаҳатлашиб, унинг аризасини бошқа қулоқлардан ва даргумон одамлардан туштан аризалар деласига тиркаб, ажратиб қўйди, Халфага ҳар келганида: „Сизнинг аризангизни кўралганимиз йўқ“, деган жавоблар килди. Энг сўнггида эса:

— Энди колхозга кирадиганни чертиб кўрамиз. Пўкиллаганинн олмаймиз, даранглаганинн оламиз! — деб писанда қилди.

Зокир қассоб ва бошқа қулоқлар кун сайин Халфадан, унинг аризасининг натижасини сўрар ва ўз тақдирлари тўғрисида турли хил шубҳага тушар әдилар.

Олахўжа тўй эртасидан бери касал эди. Одамлар унинг касатини „куюнганилкники“, „аламники“ деган мазақли сўзлар блан ифодаладилар. Медицина назари блан қараганда ҳам бу тўғри диагноз эди: „тўй бериб келиндан маҳрум бўлиш ҳодисаси, Майрамхон та’рифича, унинг уйига тушган ўтгина эмас, унинг ўзини тириклай ўтгаташлаш блан тенг бўлди. У, энди келиннинг Давлататёр блан қочиб кетгани тўғрисида тарқалган овозани өшишиб, ундан тамом айрилганига, шунча мол-мулкнинг кулдек совурилганига ишонди, пешонасидан олови чиқди, ётиб олди.

Дард устига дард қўшилди, ўғли Ма'муржон қочоқларни курган жойида пичноқламоқчи бўлиб, қутириб, хўп қидирди. „Уғлингни топиб берасан, бўлмаса ўзингни сўяман!“ деб, Давлататёрнинг кампир онасини қўрқитди. Кампир кўз ёшини тўкиб Алексеининг олдida советга шикоят қилди. Ма'муржон ўз ишинин чагоқлашишини сешиб бекинди ва ўша куниёқ аллақаёқдаги карин-

\* Боши ўтган сонларда.

дошлариникига қочиб кетди: шу кетганича қорасини күрсатмай қўйди.

Ишқилиб Олахўжа соғ бўлганида ҳам, энди унинг кўчада бош кўтариб юриши қийин бўлиб қолди. У ётган ўрнида кун сайин загча кўз домлани чақириб, касалини тобора кучайтирган „дунёнинг ғалвалар“ тўғрисида маслаҳатлашиб турагар эди. Аммо, домла сўнгги мартаба газетадан туртина-туртина бир нарса ўқиб берди-да, Олахўжанинг олдидаги сўнгги мартаба: „Лоилоҳа иллола, Муҳаммадин Расулилло!“ деди ва бўрон бўлишини сезган чумчукдай ўзини қайгадир олиб қочди. Унинг қайси куни, қай маҳалда, қиндай қилиб кўчиб кетганини сезган киши ҳам бўлмади.

Ойпошшани Давлатёр олиб қочгани тўғрисида тобора кўпроқ овоза тарқалса ҳам унинг қаёққа олиб қочгани ма’лум эмас, бирор „Жума бозор томонга қочибди“ деса, бирор „тоғ томонга қочибди“ деб, қисқаси, ҳар ким ҳархил гапирап эди. Шу сабабли уларнинг қариндош уруғлари ва ёр-биродарлари, ҳақиқатни билмай шубҳа ва ташвишга тушиб қолипди. Уларни тинмай қидириб суриштирабердилар. Бу орада шаҳарга тушиб чиқсан Бозорбой янги гап топиб келди, эмиш: Давлатёр блан Ойпошшанинг шаҳар кўчасида қўлтиқлашиб кетаётганини ўз кўзи блан кўрган эмиш, ҳатто орқасидан ҳай-ҳайлаб юргурган экан, улар қочиб ‘бошқа кўчага кириб кетган эмиш... Бозорбой ҳар иккиси сўзининг бирида „нон урсин, қаломулло шариф урсин!“ каби қасамларни ичиб гапирса ҳам, унинг гапига кўпчилик шубҳа блан қаради. Чунки у тутуриқсизлиги, ёлғонни сув ўрнида ичиши блан танилган эди. Шундай бўлса ҳам баз’ан, ахлат ичидан мунчоқ ҳам топилиб қолгандай ўнта ёлғондан бирорта чин гап чиқиб қолмасмикан, деган мулоҳаза блан, Бозорбойни учратиб, суриштиручилар кўп бўлди. Бозорбой „нон“ ва „қаломуллони“ пеш қилиб ҳаммани ишонтираберди.

Броқ воқианинг ҳақиқати бундай бўлиб чиқди: Холмурод кечаси мактабдан қайтиб, энди каравотга ётган эдикни, эшик сенигина тиқиллади.

— Ким? — деди Холмурод.

— Мен, ўртоқ Дўсматов, очинг!

Бу Давлатёрнинг овози эди. Холмурод ярим ешинган эди, тўнини ёпиниб бориб, эшик очди. Давлатёр кирди. Столда хат ёзиб ўтирган Алексейға кўзи тушиб чўчиғандай бўлди.

— Соғ — саломатмисиз, бормисиз, эй!.. — деди Холмурод ва уни биринчи мартаба қучоқлаб ўпди, кейин қаҳ-қаҳ уриб кула-кула унинг елкасига қоқди:

— Мана ҳақиқий куёв... қаллиқ қутлуғ!

Алексей бошини кўтарди ва унинг Давлатёр эканини кўриб, кўришишга ўрнидан турди.

Ха, қоҳоқ! Қаёққа қочдинг? — деди унинг қўлини силкиб ва эшикка қараб сўради: — Айтганча, қани қаллиғинг?.. Ё сенҳам паранжи ёпнитириб олдингми?

— Шу яқинда... Биронникида... — деди Давлатёр сирли илжайиш блан.

Қани, утири, бир гапириб берчи энди. Қанақа бұлды бу ишлар. Давлатәр күрсига ўтірди. Ҳаммасини ҳыкса қилди. Бу шундай булибди. Ұлар илгаридан бир-бирини севишиб, сұзни битта қилиб юришган экан. Қизнинг сотилганини әшитиб Давлатәр чидайолмайди, юраги ҳадеб жизиллайберади... Қизни күрай деса күралмайди. Охири, түй күпі, оқшом пайтида бир илож қилиб Мамасаиднинг томига чиқиб олади. Җүзилиб ётиб пойлайди. Тустовуқдай ясанған Ойпошшанинг ҳовлида ёлғыз пайдо бұлғанини күриб секингина ҳуштак чалиб, кичкина кесак ташлайди. Қиз ялт этіб томга қарайдию, Давлатәрни күриб, нима қилишини билмай паришон бўлиб, ёни-верига аланглаб қолади. Ва'да қани? Сўзингнинг битталиги қани, дейди Давлатәр. Қиз, унинг сўзларини әшитар-әшитмас, қўрқиб айвонга қочиб кириб кетади. Ҷалатәр, энди яна нима қилишини билмай, хийла гаранг бўлгандан кейин, охирида Гулсумнинг олдига бориб, унга ўз ҳасратини баён қилишга мажбур бўлади. Гулсум унинг сўзини тинглайди ва сўнгра: „кечаси түй тарқалгандан кейин бойнинг бостирмасида кут! Эвии топса, чиқадиган қилиб кўндириб қўйман, бўлмаса мендан гина қилмайсан, укам!“ дейди. Давлатәр охур ичиде ётиб кутади... Тунида булар хилват ва овлоқ боғлар оралаб қочадилар. Нафасимизни ўнглаб олайлик деб қишлоқ четидаги Мелиполвоннинг чордеворига кирадилар. У ердан яна шаҳар томонга йўлга тушмоқчи бўлганларида Мелиполвон тутиб қолади. „Мана, мен сизларга қоравул — устимдан хатлаб ўтганинг чатаноги йиртилади“ дейди. Уйни дарров уларга бўшатиб бериб, ўзи бола-чақаси блан айвонга чиқади.

Мана, энди, Давлатәр қочган кундан бери Бозорбой кўрганича шаҳарда ҳам эмас, бошқалар айтганича аллақаёқлардаги авлод-аждодлариникида ҳам эмас, шу қишлоқнинг ўзида, Мелиполвоннинг уйида яшар экан. Мелиполвон уларни ўз уйида асраб, ўзини ҳам бола-чақасини ҳам бирорвга улар ҳақида бир нарса деб қўйишидан эҳтиёт тутиб келар экан... Мана, энди, Давлатәр қаллигини ўша ерда қолдирив, ўзи секин чиқиб келибди.

— Жуда яхши, жуда яхши бўпти, асл йигитлик қилибсиз, деди Холмурод, унинг ҳыкоясини әшитиб.

— Колхозни қуриб тинчиб олайлик. Кейин ўзимиз бир тўй қиласиз. Янгича, катта тўй қиласиз,—деди Алексей...

Уччови бундан кейин нима қилиш тўғрисида фикрлашиб шу қарорга келдилар: қулоқлар писиб қолган бўлсалар ҳам, улар алам ичиде тишларини пичоқдек қайраб юрибдилар, шунини учун улардан эҳтиёт бўлиш керак. Бу ерда Бозорбойнинг ёлғонини чин қилиб фойдаланиш керак. Давлатәр гўё қизни шаҳардаги бир мактабга ташлаб келган бўлиб ўзи эл-юртга кўриниб бемалол юраберади. Мелиполвонникига фақат туни киши билмас қилиб қатнайди...

— Ма'кул,—деди Давлатәр,—мақсаднинг биттасига етдиму энди яна битта мақсад қолди-да... Мадаминнинг тегига еталмай доғдаман, ака!

Холмурод, рајком секретари Мавлоновнинг: „курашни охирин

тана етказиш керак", — деган сўзини мароқ блан эсга олиб, уқидирди:

— Албатта, бошлаган ишни охиригача етказмаслик номардлик бўлади. Сиз блан биз қандай бўлмасин ана шу мақсадга етиши миз керак...

## XXVII

Давлатёр Мадаминнинг пайдан тушган бўлса ҳам унинг қаҷон, қаёққа кетганини аниқлайолмай кўп овора бўлди. „Қаҷон бўлмасин Қамиш Капага яна бир келмай қолмайсан" деган ишончда унинг келишини пойлади. Бирнеча кўнгли ишонган ёшларга унинг ҳовлиси атрофида кўз-қулоқ бўлиб юришни тайинлади. Ўзи вақт-вақти блан қишлоқ атрофига чиқиб ҳарбир шубҳали кўринган қорага тикилди. Мадаминнинг сирини очишга ёрдам берган қирга ҳам бориб ётди. Лекин бу гал ҳечнарса чиқаролмади...

Бир гал Худойқулнинг чарвоқ даласи йўлида икки ҳўқиз, бир наvvос блан бир сигир, бир бузоқни гизиллатиб қувиб кетаётганини кўрди... Соқов девона, ингичка қоматини худди бир томонидан қаттиқ шамол уриб турган теракдай, ингичка қоматини олдинга эгиб мол орқасидан шошилиб борар эди. Бу моллар Мадаминговнинг шу ерадги рўзгоридан эди.

Чарвоқ деволининг камшигидан қараб турган Давлатёр: „Бунинг ҳаракатида бир гап бор" деди, бедапоя ичи блан югуриглаб бориб Худойқулнинг олдидан тўсиб чиқди.

— Ҳа, жигар, йўл бўлсин? Қаёққа бу молларни?

Худойқул капалаги учиб, бир нафас серрайиб олди-да, сўнгра бу молларни қирга ҳайдаб бораётганини ишора қилди.

— Нима қиласан қирда? Молларни қайтар орқасига. Ўзинг ҳам колхозга кир, камбағал. Мен сенга ариза ёзив берай, энди сенинг ҳам кунинг туғди. Одам бўл! — деди имо блан Давлатёр ва олдинга югуриб молларни қайтара бошлади.

Худойқул талвасага тушди.

— Уҳ... уҳ... уҳ... — деб бошини чайқади, муштини чеккасига уриб, ўзини хўжайинининг худди шундай калтаклашини ишора қилди.

— Кўрқма жинни! Қаҷонгача Мадаминговнинг тўпигини ялайсан. Говингнинг куни битди. Унинг ичаккинасини мен ўзим суғириб оламан! — деди Давлатёр ва икки ҳўқиз блан бир кўк наvvос, ола сигир, қашқа бузоқни орқасига қайтариб, бемалол йўлга солди-да, қути ўчиб, ҳурпайиб турган Худойқулнинг кўлидан тортди.

— Қани юр, э, худонинг яхшилик ёқмас бандаси!

Худойқул бирнеча қадам келди-да, бош чайқаб фингшиб туриб олди. Давлатёр уни ортиқча қийнамай қўйиб юборди.

— Майли, Мадаминнинг калтагига ҳали тўймаган экансан, тўйғандан кейин ўзинг борарсан, — деди ва ўзи молларни қишлоқ-қа ҳайдайберди. Худойқул бўлса, молларга дам-бадам қараб, яна

ұша бормоқчи булған томонига шошилди. Давлатёр даставвал, молларни ўтлатишга олиб бораётган бұлса керак, деб ўйлаган әди. Энди, бұлса „Мадамин тайинлаган бўлмасин, бунга“ деган фикрга тушиди. Молларни тезроқ ҳайдаб келиб, совет саройига қамади, сўнгра колхоз раиси Абдурасул олдига кириб воқиани пичирлаб тушунтириди.

— Аҳа, боплабсан, укам!—деди унинг қилган ишидан хурсанд бўлган Абдурасул.—Қани юрчи!—деди ва Давлатёр югуриб саройга бориб, қора, тарғил—қўш ҳўқиз, кўк новнос, ола сигир, қашқа бузоқни асл әгаларчә ғамхўрлик блан кўздан кечириб айтди:

— Бу молларни қаёқдан олибди Мадамингов? Худоси осмондан ташлабдими унга? Ҳаммаси сен-мендакаларнинг пешана теридан бино бўлган. Мана, энди мол әгасини тоцди!

— Ҳали Мадаминговда ҳақимиз кўп, ака. Ўзину топмай қўймаймиз. Мен яна кетдим,—деди Давлатёр.

— Ҳа, боҳабар бўл!—деди Абдурасул ва яна тайинлади.—Тагин бебошлиқ қилма, бирар ҳабар топсанг, дарров бизгама'лум қил!

Давлатёр бу гапларни эшитганда унинг ҳаёлидан Худойқулнинг шубҳали ҳаракатлари ўтиб турди. Айтгандай соқов қаёққа қараб кетди яна?

Давлатёр яна йўлга чиқди. Худойқулнинг пойчаримига хомтери тортилган этигидан тушган изларни дам топиб, дам йўқотиб, чарвоқ даласидан чиқиб, кир томонга кетаберди. Қанча юрса ҳам тuya тобонининг ярмисига ўхшаш из тугамас, аммо Худойқулнинг ўз қораси ҳам кўринмас әди.

— Давлатёр, қушқўнмас деган қирнинг давонидан ошадиган йўлда юқорига энгашиб чиқаётib, тўсатдан майда тошларни бўяб ётган қоп-қора қуюқ қон доғларига учради. „Бу ерда бирор өч-ки сўйибдими“ деб кўнглидан кечирди. Қоннинг ҳали тамом қотиб битмаганилиги бу ерда бўлган ҳодисанинг янгилигидан ҳабар берар әди. Давлатёр ўрга томон яна бирнечча қадам босиб, қон доғларининг битмаганини кўрди-да юраги бехосдан гупуллай берди. Алланглаб ёни-верига қаради ва йўл четидан ўн қадамча нарида бир тош ғарами пайдо бўлганини кўрди, ҳайрон бўлиб, унга томон бурилди. Ғарамнинг олдига бориш блан тошлар, орасидан чиқиб турган кийим этагини кўриб, юраги шувиллаб, бадани дувуллаб кетди. Бу ҳаммага танишы ва ҳамма табриклаган олачупар қизил кўйлакнинг этаги әди. Давлатёр юраги чалинаётган чилдирмадай гупуллаб, ниҳояти бир соатгина бурун чарвоқ даласида кўрган кўйлакнинг бир тутам бари энди тош орқасидан чиқиб турганига ҳеч ишонгиси келмай, наришон бир ҳолатда ёни-верига аланглади. Бу теваракда жон әгаси кўринмас әди. Давлатёр бирдан ғарам устига қат'ий әгилди ва тошларни иккى қўллаб газаб блан ирчитабошлади. У Худойқулнинг устини қоплаб ётган йигирматача тошни турли томонга иргитиб ташлади. Кейин ўпкаси оғзига тиқилардай бир ҳолатда әнтикиб, ҳонсираф чақирди:

— Худойқул, Худойқул! Эй, Худойқул!

Аммо Худойқулдан овоз чиқмади. Давлатёр, эт-бетидан буж-

майиб, тупроқ ва қумга беланиб ётган Худойқулнинг устига Әгилди-да, уни яна турткилаб, қимирлатди.

— Эй, Худойқул!

Давлатёр, сүяклари мажақланиб, оғзи-бурни қонга ботган Худойқулнинг абадий жим-житликка кетганига энди чинакам ишонса ҳам гүё у эшигадигандай қаттиқ овоз блан айтди:

— Оғзи қон бўри—йиртқич қулақ, энди, сен ғариб-бечорани ҳам ебди-да, бойқиши!..

Уни кўтариб, гарам ичидан олиб чиқмоқчи бўлди-да, яна: „вахшийнинг бу қилмишини ҳам халқ—ўз кўзи блан кўрсин!” деган фикрда тегмади ва шаҳиднинг қони блан бўялган қўлини, тошга артиб, қишлоққа югурди.

## XXVIII

Дарвоқи' бу воқиа қандай бўлди?:

Мадамин кеча тун ярмида қишлоққа келганида, дастлаб, пана-пистирма йўллар блан ўз том орқасидаги чарвоққа ўтди. Отни бедага қўйди ва ўзи гўнг тепанинг усти блан бостирма тепасига чиқди. Бир нарса сезила қолса, қочишга осон бўлсин, деб ҳовлига тушмади. Худойқулни секин товуғ блан чақириб, молларни әртага қоқ чошкогача Қушқўнмас давонидан ҳайдаб ўтказишини тайнинлади.

Шунга мувофиқ Мадамин Қушқўнмас қирида отини ўтга қўйиб, молларнинг ҳайдаб келишини кутиб ўтиrsa, Худойқул қурук ўзи филдираф келаётibди. Бу ҳолнй кўрган Мадамин ўтирган еридан туриб кетди. Унинг қалин чўтири юзи тортишиб, газаб учқунлари кўзига йигила берди. Худойқул довон йўлини этагига ётиб келган эдики, бетоқат Мадамин тепадан туриб бақириди:

— Ҳа, отангни!.. Ҳўкиз, сигирлар қани?

„Хўжайиним ҳозир бориб, Давлатёрни уриб-урниб, молларни қутқориб беради“ деган тушунча блан куйиб-пишиб, терга ботиб югуриб келаётган Худойқул хўжайинининг дағдагасини эшишиб босган изида тўхтади ва икки қўли блан соқовларга хос турли хил имо-ишоралар қилиб, молларнинг тутилганини англатди:

— Уҳ... уҳ...—деди у қўли блан қишлоққа ишора қилиб.

Мадамин анча сабр блан тинглади. Сўнгра қамчили қўли блан имлаб уни ўз олдига чақириди:

— Кел буёққа!

Зиҳнидан маҳрум жон эгаси шошилиб хўжайин олдига—давон тепасига чиқди. У беш қадамча олдинга юрганда Мадамин қамчининг сопини, белидаги отасидан қолган кумуш камарга қистириди ва Худойқулни яна ҳам яқинроқ келишга имлади. Соқов унинг шуидай иягининг тегига келган эдики, Мадамин уни тўқмоқдай катта мушти блан битта урушдаёқ чаппасига йиқитди ва бунинг орқасидан шундай қаттиқ тепдики, Худойқул аввал думалаб ва кейин, тик йўлга тушиб чирпираб кетди. Чирпираб бориб, ўттиз қадам наридаги равон йўлга етай деганда тўхтади.

Индамай қовоғини солиб қараб турган Мадамин, у тұхтагандан кейин, таҳорат ушатишига бораётган одамдай отини етаклаб паст-га түшди. Жон берәётган әчкидай бигиллаб ётган Худойқулнинг кўкрагига устма-уст бир неча тепди. Соқов сўнгги мартаба кўзларини катта очиб Мадаминга қаради. Бир нарса демоқчи бўлган ёки турасолиб қочмоқчи бўлган одамдай ўрнидан туришга интилиди, аммо бу интилиш фариб ҳаётнинг тугалиш талвасаси эди. Унинг боши яна ерга түпди. Нимадир демоқчи бўлиб чиқарган тилини тишлаганича қотиб қолди.

Уни тамом қилгунча тани жимирламаган Мадаминни энди нечукдир ваҳима босди. Шундай... қўрадаги қўйга тушган бўрини ҳам, туйнукдан кооперативга тушган ўғрини ҳам ваҳима босади. Жиноят изини бекитиш учун, жиноятчига жонни қутқариши ваҳимаси түшади. Мадаминни ҳам шундай ваҳима босди. Ўликни йўл ўртасида қолдириб кетаберишга юраги дов бермади. Уни жойлашга ёни-верида чуқур ё кавак кўринмагач, жасадни йўл четидан ўн метр нарига олиб бориб қўйди, кўзларини тўрт томондан олмай, унинг устига тез-тез тош қалади, сўнгра отга миниб жўнади.

## XXIX

Давлатёр акасининг ўчини ололмай юрганда, яна бир қурбон бериб мусибатни, аламни катта қилди. „Худойқулнинг ўлимига мен зомин бўлдим“ деб куюниб қонхўрни ҳеч тинмай қидира-берди. Қидириб узоқ-узоқларга кетди. Кунлардан бир куни бошига эски бир телпак кийиб, қирдан ошиб тоққа қараб кетди. Сой бўйлаб юргандан кейин бу теваракда машҳур бўлган ва ба-ландлиги уч терак бўйи келадиган Жанжалтепага чиқди. Тоғдан оқиб келадиган сой суви шу ерга келганда иккита бўлиниб, ўнгга ва сўлга кетар эди. Шу сабабли илгари замонларда пастда-ги сув ичадиган қишлоқ одамлари бу ерга келиб, сувнинг қу-логини ўз томонларига кўпроқ буриш учун жанжаллашганлар. Шунинг учун бу ер Жанжалтепа деган номга эга бўлиб қолган эди.

Давлатёр тепанинг устидан ҳар томонга кўз югуртиб, сойнинг узоқ төғ ичига кириб кетган томонида ёнбагирлаб ўтлашиб юрган молларни курди ва тепадан югуриб-югуриб түшди-да, сув ёқалаб ўша томонга кетди. „Бузоқ ўлди“ жилғасидан ўтиб, „Бия туғди“ адрига етганда қаёқдандир қурайнинг мунгли на' масини эшитиб, ҳар томонга аланглади. Қурай на' маси чап томондаги бақатерак учлари кўриниб турган Қайнарбулоқ ёйловидан эши-тилгандек бўлди.

Давлатёр шу томонга юрди. Дўнгликка чиқиб қараган эди, бу ердаги кўкаlamзор майсаларда неча юзлаб қўй-әчки, қора моллар тўйиб-тўйиб ўтлаб, тўқлиқдан иргишлишиб, чанқагани муздек булоқ сувидан шимириб юрганини кўрди. Булоқдан сал бери-роқда чўбон ўтирибди. Давлатёр индамай унинг ёнига бораберди. Жулдир кийимдаги чўбон ҳам ўтираберди. У ёни-верида мол ўралиб юрганига ўрганиб қолган ва айни вақтда ўз на' масига

— Хүш, ҳорма энди, дүстим!

Чүбөн чүчиб тушди, қурайни тұхтатиб, Давлатерға қаради на сакраб ўридан турдида қаршистыдаги йигит блан сұрашди.

— Хүш, дүстим, айтчи, номинг нима? — деб сүради Давлатёр

— Жоной! — деди чубон.

— Хўп, дўстим, Жоной, бу моллар кимники?

— Бұ моллар Қуроқбей блан Мадамин оқсоқол деганники..

— Эҳа... Отангга раҳмат! Худди устидан чиқибман-а! — деди, ҳайратда қолган Давлатёр ва молларни бир сидра кўздан кечириб яна Жонойга юз ўғирди:

— Хүш, дүстим, дун'ёда нима гаплар борлигидан хабаринг борми? Дохий Сталиннинг хўжайинлар тўғрисида нима деганини эшилдингми?

— Каёқдан, кимдан эшитай, ундаи гапларни, ўртоқ? Айтчи, менга тезроқ, нима дебди дохий **Сталин?**

— Э, эшитмабсан, одам бўлмабсан! — деди да Давлатёр ёнидан „Кизил Ўзбекистон“ чиқариб, ўртоқ Сталин мақоласидан белгилаб қўйилган жойларни тутила-тутила ўқиб берди. Сўнгида яна уқтириди:

— Эшитдингми, нима дебди. Қулоқ қонхүр, зулук, канат... у сен балык бизнинг қонимизни сүриб келди. Энди, уни йўқ қидалиш — керак...

— Оғзингдан айланай! Қандай қилиб йүқ қиласан бу қулоқларни. Молларни ташлаб ўзимоқ қочиб кетар эдим. Уволидан құрқамаң. Бу молларнинг шунча орқасидан юриб, әнді бүрига қийратдириб кетаймы? Йүқ, асло виждоним чидамайди. Чұбондан учов әдік, иккови ҳамма молни менга ташлаб қочиб кетди. Ҳужайнилар бұлса: „Әнді, бу молларни қор тоғдан ҳайдаб оширишга тайёр бұл“ деб туришибди. Билмайман. Қаёққа саргардон қилишмоқчи бу моллар блан мени? Нима қиласай, әнді?..

Жоной йиғлаб күэларига устма-уст чиқмоқда бўлган ёшларини артаберди.

— Бу молларнинг орқасидан тушганингга неча йил бўлди?

— Эсимни таниганимдан бери шу молларнинг бошини кўпайтириб келаётибман. Боққан ҳам, туғдирган ҳам, кўпайтирган ҳам, кеча-кундуз ёнидан ғажралмай қўриқлаган ҳам ўзим...

— Ўндаи бўлса ҳеч йиглама, дўстим! Бу молларга ҳам ўзинга ҳам қутилиш йўлини кўрсатаман. Бу молларда бойларнинг ҳеч ҳаққи йўқ экан. Ўз меҳнатингдан бино бўлган ҳалол молинг экан. Мол жафо тортган меҳнаткашники, текинхўрники эмас... „Ҳайдал“ деганда тўпса-тўғри „Олтин қадам“ колхозига ҳайдайбер. Мен сенга ўзим бўлишаман. Аввал менига бир нарсани айт: Мадаминговни кўрасанми сра?

— Күраман.

— Күрсанг, қаерда күрасан?

Чубон қўли блан ишора қилиб тушўнтирди:

— Сой блан юқори қараб кетаберсанг Еттижилғани ўтганинг-

дан кейин Гуячўкди деган яйлов келади. Ана шу ерда Түёқбойнинг ўтови бор. Мадамин худди ана шу ўтовга ба'зан номозшомда, ё хуфтонда етиб келади. Ўшанда кўраман.

— Ма'қул, ма'қул,— деди Давлатёр ўйланиб,— у ерда нима қилади Мадамин? Кўп бўладими?

— Бой блан хийлагача овқат еб, ҳангамалашиб ўтиради. Кейин яна отга минадӣ.

— Аҳа... нима деб гаплашганларини әшиласанми сра?

— Эшитаман. Хўжайнинг хотини қулчатойни сузганда, мен Мадаминнинг қўлига сув олиб, олдига дастурхон ёйман. Ўшанда нима дейишса шуни әшитаман. Ундан кейин ўтов орқасидан қулоқ солиб ҳам бари гапларини әшитиб олабераман.

— Хўш, сен әшитганда нима деб гаплашади?

— Энди бу ердан тезроқ кетмасак бўлмайди, деб маслаҳатлашди.

— Аҳа... энди гап шундай, дўстим,— деди Давлатёр,— ана шу Мадамингов бундан икки ҳафта бурун менинг акамни ўлдирган. Худди мана шу бугун яна биттамизни еди. Худойқул деган ўз қоролини қоқ йўл ўртасида ўлдириб кетди.

— Уҳ... уҳ...— деб жагини ушлаб, бошини тебратди Жоной.

— Ана шундай, дўстим. Энди, унинг ўзини йўқ қилмасақ, пайт пойлаб сени ҳэм, мени ҳам ейди...

— Шундай, шундай!— деди кўзлари олайиб Жоной.

— Ўзинг ўқимаган бўлсанг ҳам ақли бутун йигит экансан, қани, айтчи, Мадаминни қандай қилиб қўлга туширса бўлади? Жоной бироз ўйлаб туриб айтди:

Уни тутиш қийин. У бу ерга кам келади, келганда ҳам кўп турмайди. Унинг бориб ётадиган жойи бўлса керак. Аввал ўша ерни билиш керак.

— Бу фикринг ма'қул, дўстим!— деди Давлатёр,— ундаи бўлса, энди, қачон, қаерда учрашамиз?

— Чўбон қарши томондаги тоғнинг баланд осмонга чиқиб турган чўққисини кўрсатди:

— Хо, ана, кўрдингми, бургут қўниб ўтирган чўққини?

— Кўрдим — деди Давлатёр осмонга қия қараб.

— Бу ердаги тоғларнинг энг баланд чўққиси шу. Агар тикилиб қарасанг, жанжал тепадан кўра берасан. Агар бир гап чиқақолса шу чўққига тошдан қубба териб белбоғимни гавронга байроқ қилиб устига тикаман. Ана, шунда ютуриб шу ерга етиб келасан.

— Бўпти, омон бўл! — деди Давлатёр. Янги ортдирган чўбон дўсти блан хайрлашди.

### XXX

Давлатёр, Мадэмин тўғрисида, чўбондан олинган дастлабки ма'лумотни катталарга билдирганда, улар унинг бу ишидан ҳам қонл, ҳам хурсанд бўлдилар ва унинг чўбондан яна қандай ма'лумот келтиришини кутадиган бўлдилар.

— Аввал унинг асл маңзилини пухта аниқлаш керак, кейин беш-олтита бўлиб бориб босамиз, — деди Абдурасул мўйловини силаб, ва „ма’қулми“ дегандай Алексейга қаради. Алексей боши блан ма’қулладида, Давлатёрга уқдириди:

— Албатта тулкининг думи қўлда қоладиган иш бўлмасин. Пишиқ ва абжир бўл. Сенинг нима мақсадда юрганингни ўзинг блан чўпондан бўлак ҳечким билмасин. Англадингми?

— Ма’қул! — деди Давлатёр.

У ва’дага мувофиқ чўпоннинг ишорасини кутди. Ҳар кун бир марта Жанжалтепага чиқиб қаради. Уч кунгача қаради. Учинчи кун яна шу Жанжалтепага чиқиб қараса, чўққига тошдан қубба терилиб, гавронга қизил белбоғни байроқ қилиб устига тикилибди. Давлатёр югуриб тепадан тушди. Қайнар булоққа тез етиб борди. Жоной ва’да қилган ерда кутиб турар эди.

— Нима гап? — деди Давлатёр.

Жоной қўлини кун чиқишига чўэди:

— Шу ердан тўғри кесиб икки давон ошсанг, учинчисида Үзунсойга чиқасан!

— Биламан! Хўш?

— Отангга балли! Худди ана шу сойни ёқалаб кетаберсан! Бўрикамар деган бир жилга келади.

— Уни ҳам биламан, — деди Давлатёр, — қани, хўш, тезрок айтчи, нима гап ўзи?

— Билсанг, Мадамингов худди ана шу ердаги Бўрикамарда бекиниб ётар экан. Тунда бойлар блан маслаҳатни бир жойга қўйиб, энди ўтова сра тўпланишмайдиган, худди шу бугун кечқурун Бўрикамарнинг худди ўзида учрашадиган, уерда, ҳаммаси, бир нарсаям қилиб, кейин хуфтанга қолмасдан яна қаергадир жўнашадиган бўлишди.

Давлатёр, таажжуб қилди.

— Нима қилмоқчилар экан у ерда?

— У ёгини билмадим, ўртоқ!

Давлатёр руҳсиз бир ҳолатда сўради.

— Гап шуми?

— Гап шу.

Давлатёр чўбоннинг берган ма’лумотидан ҳайрон бўлиб уйланиб қолди. Энди, нима қилсан экан, қишлоққа югурсаммикан-деган фикр ичидаги қуёшга бир қараб қўйди. Кун пешиндан оқ қан эди. Энди, нима қилишини билмай, мушкул бир ахволда колди. Ма’лумотни қишлоққа етказай деса, ҳарсиллаб югурягупа бориб келгунча кеч қолади.

— Хайр, омон бўл дўстим! Агар гап шундай бўлса, мен у ерга тез етиб борай.

Подачи бошини қаттиқ-қаттиқ чайқаб, гапирди:

— Мен ўзим бошлиб борар эдиму, молларни ташлаб кеталманда, Бўри қийратиб кетади.

— Одам ходис: мабодо бир нима бўлиб, мендан дарак бўлмай қолса, сўраб-суриштирганларга менинг қаёққа кетганимни айтиб қўярсан. Дурустми?

— Ёмон ниятни қўй. Ёмонлик душманнинг ўз бошига келсин! — деди чўбон,

### XXXI

Давлатёр давон ошиб юрмади. Тоғ бағирлаб кетган қиялама ўйл болан жуда чаққон ҳаракат қилди ва бир қанча юргандай кейин узунсойнинг этагидан чиқди.

Узунсой жуда кўп тоғ ораларига хос хуш ҳаво жойлардан бўлиб, бу ерда ҳам март бошидан тошдан тошга сакраб, оппоқ кўпик пуркаб, катта шовқин солиб кичкина сув оқабошлади. Бу эса сойда яшноқ ҳаётнинг бошланиши бўлди. Икки томонда ёнбағирлаб, сой бўйлаб чўзилган ва ора-сра худди самбитдан ўрилган четандай тош деворлар болан ўраб олинган ўрикзорлар қуюқ гулладилар. Булбуллар, заргалдоқлар сайдилар.

Бу ўрикэрлар ҳар йил шундай: баҳордан бошлаб ҳар фаслда ҳархил рангга кириб сойни безайдилар — баҳорда оқ пушти, оч пушти, қизил пушти гул тўшайдилар. Эз ўртасига бориб чўғдай қизил ва сариқ ўрик доналарини қуюқ яшил барглар устига қоронғу тунда чарақлаган юлдуздай ёядилар. Кузда эса олов ялқинидай қизгиш, сарғиш барглар болан қопладилар. Бу ўзгаришларнинг ҳарбири сойга бир-биридан ортиқ гўзаллик бағишлади.

Иккита нонни белига туккан давлатёр хушбўй ўрик гулларини ҳидлаб, күшларнинг сайрашини тинглаб ва бу аснода қандай қийинликлар болан тёпишган севганини ўйлаб, ўз ҳаётини табиатнинг мана шу гуллаган баҳорига ўхшатиб, қувнаб, сой бўйлаб ўрикзорлар оралаб кетди.

Ўрикзорлар тамом бўлди. Сой ўйли тобора юқорига қараб кўтарила берди. Куйган ва занглашган темирга ўхшаш қора-қизгиш тошлардан яралган тоғлар, қоялар бошланди.

Давлатёр йўлни қисқа қилиш ва тўсатдан бирорнинг кўзига чалиниб қолмаслик учун ёлгиз оёқ йўлдан чиқди, жилға ўртаси болан юқорига қараб ўрмалади. Тошдан-тошга босиб жилғадан жилғага ўтиб, кечга яқин, ҳориб-толиб мўлжал қилган чўққига чиқди. Тез-тез урабошлигар юрагини босаолмай, оғир-оғир әнтикиб атрофига қаради, жилғаларни, узоқ йўлларни кўздан кечириди. Ҳечким кўринмасди. Давлатёр тоғнинг гир-ғир шабадасида яйраб-яйраб нафас олиб, гўё бир ўзи дун'ёнинг ҳаммаёғини кўраётгандек узоқ води ичиди қорайган қишлоқларга бир нафас кайф болан қараб тургандан кейин чўққидан пастга томон ўн қадамча босди ва унинг кўз олдида Бўрикамар жилғаси очилди. Бу этаги бошқа жилғалар болан тутишиб кетган, ўртасида қора-қизгиш шағал тўлиб ётган, икки томон беткайларида эса ўтинбоп чанглалар ўсиб турган чуқур ва узун бир оралиқ эди. Жилғанинг бошида, Давлатёрдан уч юз қадамча нарида катта бир қоя турибди. Қоянинг устки паст-баланд тошлари ўрганмаган кўзга, айниқса узоқдан, одам ва ҳайвон шаклларида бўлиб кўринади. Бу теварак одамларига ма'lум бўлган ва ба-

ландлигини бир терак бўйи деб таҳминланган қоянинг тагида табиат томонидан ясалган бир камар бор. Камар бир одам баҳазур энганиш юрадиган кенгликда бўлиб, унинг охири қаерга бо-риши ва неча метрга чўзишини ҳечким билмасди. Балки бу ерда илгари бўри яшагандир, балки ҳозир ҳам яшар, ҳар ҳолда Бўрикамар номи блан машҳур эди.

Давлатёр қоянинг чиқиб турган катта бир тоши панасига ўтириди: у бу ердан бутун жилғани кўради. Аммо уни жилғадан ҳечким кўраолмайди. Белбоини ешиб ноннинг биттасини ушатди. Нон кавшаб, жилғага қараб ўтириб, бу ерларга отаси блан эшакда ўтин юлгани келганларини, отасининг қайси беткайлардан ўтин юлганини эслади. Давлатёр у вақтда етти-саккиз ёшар бола эди, гул териб, тош уруштириб ўйнашдан бешқани билмасди.

Давлатёр пана тошларга қўлларини тираб, уларнинг ора ёриқларидан жилғани яна бир синчиклаб қарамоқчи бўлганида, тизлари тагида чатнаб турган тирқишларни кўриб: „бу тошлар тагини курт еб чириган қари толдай амонат турибди экан. Бирдан ўпирилиб кетиб мени ҳам пастига олиб туриб кетмасин тагин!“ деган фикрни кўнглига келтириб, юраги шувиллаб қўйди. Дарвоқи’ таги блан ўпирилиб кетиб, ваҳимаси блан яқин атроф қишлоқларни оёққа бостирган харсонлар бу тоғларда кам булганми? Қайсибир йили тун ярмида қишлоқларни бехосдан ларзага келтириб, одамларни ширин уйқудан чўчитиб ўйғотган гулдираш ҳали ўн икки ёшдан юқорининг эсида. Ўшанда, бир қишлоқ одами, иккинчи қишлоқ одамидан: „Сиз ҳам эшитдингизми? Ўзи нима гап?“ деб кўп вақтгача сўраб суриштириди. Қанча мишмишлардан кейин ма’лум бўлдики, тоғ орасидаги олтин сойда бургут болалайдиган бир қоя қулаб кетган экан. Давлатёр бу тоғларнинг ана шундай „қонундан ташқари қилиқлари“ кўп бўлишини ўйлаб бир қадамча орқагасурилди ва каттароқ бир тошга ёнбошлади.

Қуёш қизариб, қорайган тоғлар орқасига ботиб боради. Давлатёр унинг тўғри тушаётган шафақли нурларига тик қаролмади. Пастига қаради. Қўкиш ҳаво блан чулғангани жилға этагида қандайдир бир қора пайдо бўлганини кўрди. У, бир нафасда отлиқ қорасига айланди. Яна бир зумда икков, учов, тўртов, бешов бўлишди. Давлатёр уларнинг Бўрикамарга қараб бирин-кетин чувалашиб келаётганларини кўриб, ҳаяжон ичиди ўз-ўзига айтди:

— Хайрият, Мадаминговнинг тамошаси энди бошланар экан!

Ўлар одамни тошдан ажратиб бўларлик яқинга келганча Давлатёр бошини чиқариб қараб ўтираберди, кейин бошини пастига олди, аввал топиб мулжаллаб қўйган икки тош оралиғидан қараб ётди.

Қоралар яқин келиб қолдилар. От туёқларининг тошга урилган товуши ва ссоийшта гурунглар эшитилабошлади. Давлатёр уларнинг гапларига нафасини ютиб қулоқ салди. Аммо орадаги ма-софа ва от туёқларининг шақирлаши гапларни аниқ эшитишга имкон бермади. Қоралар хотиржам ҳаракат қилиб, бемалол сўзлашар, чунки бу ерда ҳечқандай хавф-хатар бўлиши мумкин эмас эди.

Бу ерда айниқса шундай күн ботаётган бир пайтда, бури ва гулки каби йиртқич ҳайвонлардан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?

Қоралар, отлар олдинга ҳаракатланиши мумкин бўлмайдиган юз қадамча нарида-пастликда тўхтаб, отдан тушдилар ва отларин ўша ерда-пастда қолдириб, ўзлари тикка Бўрикамарга ўрмалайбошлилар. Уларнинг қадамларидан тошлар шифиллар эди.

„Э, аттанг, аттанг! — деб пушаймон қилди Давлатёр тошларга ёнишиб ётиб, — қўплашиб келганимиздами — шу ерда қамаб олиб қўяқолар эканмиз, қишлоққа хабар қилолмадим-да, э аттанг..“

Бироздан кейин Бўрикамар ичидан чўкич товуши ва қўпирлган тошларнинг ёни-верига иргитилиши эшитилди. Ярим соат чамаси кавладилар ва қош қорайиб қолган пайтда камардан... ни мадир ташишга киришдилар. Давлатёр тезда, милтиқ ва қилич учларини кўрди. Нафасини ютиб, энди аниқ эшитила бошлаган овозларга қулоқ солди.

Нотаниш бир овоз: — Тилсим, тилсимнинг ўзи... сеъбу буюмларни қачон кўмгансан, Мадамин?

Мадаминнинг овози: — суриштириб нима қиласан... Роман-қулни тутиб беришдан ўн беш кун илгари „бир бўлмаса-бир керак бўлиб қолар“ деб саккизта йигитга мана шу милтиқ-қиличларни пахтага ўратиб кўмдириб ташлаганман. Мана, энди яна кепак бўлди...

— Кимлар эди йигитларинг. Қаерда ҳозир у азаматлар?

— Э, нима қиласан суриштириб, ўша куниёқ ҳаммасининг жонини жаннатга юборганман... Бирин-кетин йўқ қилдим.

Бу сўзларни эшитар экан Давлатёрнинг бадани жимирилаши, юраги қаттиқ-қаттиқ гупурлади, нафаси оғзига тиқилаётгандай бўлди ва яна тинглаб тураверди:

Мадаминнинг қаҳрли, аламли овози одамларни „ҳужум плани“ блан таништириди:

— Худо ҳоҳласа, тун ярмида, эл уйқуга кетгандан кейин кириб борамиз. Мен Абдурасулни босаман. Ўзини саронжомлаб, қўшотори блан отини олиб чиқаман, — деди Мадамин ва шерикларининг нима қилмоқлари лозимлигини бирма-бир тайинлайбошлиди: — Сенлар иккавинг Ойимхонни, сенлар, уччавинг, муаллим блан русни, сенларга Мелиполвон, сенларга Алимқул... Ҳамма активини битта қўймай кес, чоп, йўқ қил, уч ол! Бир соатда ҳаммасини текислаб, худонинг паноҳига чиқиб кетамиз. Эшитдиларинги?!

Мамуржоннинг сўкиш аралаш товуши: — мен у... хотинимни олиб қолган Давлатёрнинг бошини ҳашакдай узмасам сра армондан чиқмайман!..

— Худо ўзи мадад берсин аллоҳу акбар! — дейишиди турли хил овозлар.

— Давлатёр милтиқ ва қиличлар осинган кишиларнинг пастдаги отларга қараб тушиб бораётганини кўрди: „Шундай қилиб акамни ўлдирган эди бўлар, энди, бизни ўлдирмоқчилар“ деб юраги музлаб ўйлади Давлатёр. Орқасига бурилиб

юқорига ўрмалади. У қанчалик әхтиёт блан ҳаракат қилса ҳам оёқ қўйган тошлари гўё ўчакишгандай шақирлаб шарпа чиқара бошладилар. Аммо, Давлатёр шошилиб илгари интилаберди. Кичкинагина бир тош унинг қоқ оёғи тагидан, ўрнидан кўчиб кетди. Ла'нати, бутун жилғага шовқин солиб пастга иргишилди. Давлатёр кўкраги, қўллари блан ерга ёпишиб, бурнини ерга тираб, жойида қотиб қолди. Ҳечнарса ажратиб бўйлас даражада кеч қораси блан чулғона бошлаган пастда овозлар тинди. Гўё ҳамма, тошнинг юмалаш сабабини мушоҳида қилиб, босган изида серрайшиб қолган эди. Бу сукунат бир неча минут давом этди. Кейин бирдан ўқ узилиб унинг овозидаи бутун тоғ-тошлар янгради. Бунинг орқасидан Мадаминнинг қийқириги блан шалоқ сўкиши әшиитилди:

— Ҳа, ҳу, ҳа... отангни!

Давлатёр „кўриб қолиб нишонга олмасин!“ деган ваҳимада тез әмаклаб яна бояги тошлар панасига қайтди. Чунки у қоронғида пастдан туриб баланддагини кўриш жуда осон бўлишини билар эди, унинг титрамоқда бўлган тизлари остидан қўзғолган бир канча майда тошлар; гўё бир-бири блан ўзишмачоқ ўйнагандай пастга томон иргишилай бердилар. Давлатёр тошлар панасига келиб бекиниб, иргишиламоқда бўлган тошлар ҳам мазгилга етиб тинди. Бу аснода, қадам босган ерида жим туриб, хавфга тушган Мадамин шерикларини ёнига имлади-да, орқасига қайтиб, камарга томон тез келаберди. Шерикларидан иккиси шағал ғажиллашиб унинг орқасидан жадал ҳаракат қилишиди, тошлар орасидан бу ҳаракатларни қоронғида зўрга кўриб олган Давлатёр даҳшат ичида қолиб, ақли шоҳди. „Қаёққа келаётиди гов? Йўл топиб зовнинг тепасига чиқмоқчими? Акамни, Худойқулни еган бўри, энди, менинг ўзимни ҳам шу ерда бурдаламоқчими?“

Улар камарга яқин келганда Давлатёр, Мадаминнинг ғунғурлаб: „Ма'муржон, сен бу томондан чиқ, биз бу ёқдан...“ деб тайинлаганини әшиитди-да ортиқча қулоқ солиб турмади. Онасишинг „тирик жонга ҳарқачон бир ўлим бор!“ деган гапи фикридан чақмокдай бўлиб ўтди. Боя ёнбошига ёстиқ бўлган тошни дас кўтардию, қоқ мадаминнинг „Бу ерда одам ё ҳайвон, жин ё пари“ деб овози чиқаётган ерга иргитди. Худди шу нафаснинг ўзидаёқ яна ярим пудлик тошни икки қўл блан баланд кўтариб, узига пана бўлган амонат тошларга шундай шыддат блан урдики, бир қулоч жойнинг харсонлари гуруллаб ўпирилди. Давлатёр бир нафас ҳам ҳаёлламай ёни-верида учраган катта-кичик тошларни ўнгу-сўлдан иргитиб, юмалатиб, учириб жилғага ўшундай даҳшат солдики, гўё бу ер неча хил тўп блан бир тўхтовсиз итилиб тургандай эди. Жилганинг икки беткайида қўноқлаган күшлар даҳшатга тоқат қилаолмай, тунги маконларини ташлаб, ҳар томонга учдилар, Какликлар худди қарчигай қувганидагидай „виччинг, виччинг“ қилиб жон талвасасида бош оқсан томонга учардилар.

Давлатёр бирнеча минут ҳеч тинмай тош бурони ёғдиригандан кейин, яна „қаёқдан келсанг соламан“ деб икки қўлида икки

тош тутиб тұхтади ва жилғага қаради. Энг сүнгги юмалатилған тошлари ҳам ғалдир-ғурдир қилиб бориб, аллақаерларда жим бўлди. Давлатёр қанча тикилиб қараса ҳам чанг түпони блан қаришиб, жилғани тәмом чулғаб олган қоронғидан бошқа ҳечнарсани кўраолмади. Фақат жилғанинг этагидан келаётган „жангур-жунгур“ қўнғироқни эшишиб: „Яна нима гап ўзи“ деб, жуда ҳайрон бўлиб тинглади. Унинг қўлоғига от туёқларидан чиққан товушлар эшитилабошлигандан кейингина „эгасиз отлар узангиларини тошларга уриб қочаётидилар“ деган хуносага келди ва кўкракни тўлдириб, әркин бир нафас олдида, тошдан-тошга сакраб юриб, жилғанинг чар томон қирғоғига чиқди. Қирғоқдан ошиб, иккинчи жилғанинг ёнбагри блан югурा-югурға, қоп-қоронғи, аммо сувнинг гувуллаши очиқ эшитилабётган узун сойга тушаберди. Сойга тушиб, сув ёқалаб гириллаб келаётшиб, бир булоқ бўйида эгари белига оғиб тушган отнинг оғзидағи сўвлиғини шилдиратиб сув ичиб турганини кўрди. Бу Мадаминнинг оти бўлиб, чилвирини узиб, узангисини судғаб қочган эди. „Так-так жанвор так — бормисан!“ деди Давлатёр қувониб. Отнинг бўйидан қучоқлаб, пешонасини силади, сўнгра кумуш эгарни қайтадан уриб, айилни маҳкам тортди-да чумчукдай лип этиб отга минди.

## XXXII

Давлатёр, тун ярмида, өл қаттиқ уйқуга кетган маҳалда, Мадаминдан ўлжага тушган отни чоптириб қишлоққа кириб келиб, сарой олдида тұхтади. Ҳамма уйларда чироқ ўчган, ҳатто котиб Алимқул ҳам правленини бекитиб кетиб қолган әди. Давлатёр отни саройга киритиб бояладида, биринчи галда Абдурасулниги, ундан кейин Ойимхоннинг ҳовлисига югурди. Бир пас ўтмай ҳаммалағи худди шу ерда Алексей блан Холмурод ётган уйда тұпланишди. Давлатёрнинг Бўрикамардан келтирған хабарини эшишиб ҳаркимнинг бир кути ўчиб олди. Ҳаммалари бир-бирларига қараб олишди.

— Демак, у ерда тош, думалатишлардан кейин шима бўлғани ма’лум эмас? — деб сўради Алексей.

Давлатёр бошини қимирлатиб:

— Йўқ! — деди.

Шундан кейин, улар, Давлатёрнинг ишидан норози бўлиб, уни койимоққа тушдилар.

— Ҳимм, беҳуда қаҳрамонлик бўлибди-да, — деб кесатди Алексей.

— Ҳа, тузоққа тушириш ўрнига шақилдоқ блан чумчук ҳуркитишдан бўлибди, — деб тўнгиллади Абдурасул.

Ўз қилмиши учун, балли ўрнига ҳеч кутилмаган равища, сўкиш эшитабсшлаганига Давлатёрнинг табиати анча хира бўлиб, етим боладек кўзлари жовдиради. Йиғлагудай бўлиб, гапирди:

— Шундай қилмасам ўзимни бурда-бурда қилар әдилар-да ахир.

— Нега ўёққа бир ўзинг бўрдинг, — деди аччиқланаб Абду-

расул,—чўбондан ма'лумотни олиш блан югуриб буёққа келабер-майсанми, ахир... Мана, нима бўлди, энди э боласи тушкур... Мадаминнинг отини қўлга тушириб, миниб келганингга қувонмай қўяқол. От бўлмаса яна бир қирчанғи байтални топиб миниб келаберади Мадамин!

Бу гапдан кейин, ҳаммалари хавфсинишиб, бир-бирларига тез қарашиб олдилар. Ростдан ҳам Мадамин яна бошқа бир от мишиб, қўлида қилич, елкасида милтифи, юрагида ўч-алами блан гўрдан чиққандай бўлиб келиб қолса, унда нима бўлади?

— Неча киши? — деб сўради Алексей.

— Саккизтacha бор. Шошилиб аниқ санай олмадим. Ўрталағида чет одамлар бор. Мен таний олмадим.

— Аҳа... — деди Алексей ва ўзича айтди: — кўпайишиб келишлари ҳам ажаб эмас!

Алексей тезгина ёнини кавлаб папирос олди-да, қошини чимириб туриб чекди. Абдурасул ҳам, бошқалар ҳам „Энди, бунга нима дейсан. Алексей, қани тезроқ ҳал қил!“ деган қиёфа блан унга тикилди. Холмурод бу мудҳиш ҳодисадан унинг ортиқча таъликага тушмаганини, ҳарқачонгида тетик, вазмин, хотиржамлигини кўриб қойил бўлди. Дарвоқи буюк ишчилар оммаси орасида етишган, революция ўчотига қайнаган, подшо турмаларининг нечасини кўрган, қўлида қурол блан революция қилиб, фронтларда душманни қувиб ўргалган ишли коммунист учун бу нима бўлиби? У бундай ҳодисаларнинг нечасини боидан кечирган!

Алексей тез-тез папирос чекар әкан, ҳаммага бир-бир қараб тайинлади.

— Барча коммунист ва активларни битта-бигта ўйғотиб шу ерга йиғиб келиш керак. Қани, тез бўлинглар, шовқин кўтарманглар!

Алексеидан бўлак ҳаммалари баравар ўриндан туришиб, қишлоғнинг ҳар томонига югуришиб кетди ва бир пасда ҳовлида ҳархил асбоб блан қуролланган эллик-олтмиш одам пайдо бўлади. Барча йиғилиб бўлгач, Алексей уларга воқиани э'лон қилди:

— Ўртоқлар! — деди осойишта овоз блан, — бизнинг колхоз тузганимиз, янги порлоқ ҳаёт қуришга киришганимиз, қадимдан бизнинг меҳнатимиз блан яшашга ўрганган Мадамин, Олахўжа, Зокирхўжа каби текинхўрларнинг аламини оширипти. Энди, улар биздан ўч олмоқ учун ғазаб ва алам ичида қуром кўтариб келаётган эмишлар... Бизларни кесмоқчи, чопмоқчи ўйларимизга ўт қўймоқчи эмишлар... — деди Алексей ва унинг кўзлари хирағина кўринган юзларнинг биридан-бирига суади. — Хўш, энди, масала шундай әкан, биз ҳам уларнинг ўзларини тутиб беришимиз керак. Шундай, дарроқ топган-тутганимиз блан қуролланинг. Ҳарқаер-ҳарқаерга пистирма ясад, душманнинг қоқ бўғизидан олишга шай бўлиб туринг. Қани турдик, ўртоқлар!

— Қани юраберинглар, „ўларман ҳўқиз болтадан тоймас“ деб Мадамин ҳам келаберсинг! — дейишиди одамлар бир-бирларига.

### XXXIII

Бу түғрида районга хабар қилипган эди, Раҳимбоев деган бошчилигида милиция отряди етиб келди. Активлар ҳам отлашиди. Тонг отаётган пайтда ҳаммалари душманни қидириб йўлга чиқдилар.

Узун сой бўйлаб йўлга чиқсан отряд кун пешиндан оғиб, тоғларнинг чап томон беткайларига кўланка ёйилганда Бўрикамар жилғасининг этагига етди. Жилғанинг усти томон тиниқ осмонда биргала қорақуш, кўпангсар ва калхатларнинг гир айланниб учишиб юргани кўринди. Отряд отларнинг бошини тортиб, катта-кичик ҳаромхўр қушларни тамоша қилди.

— Шу томонда бирорта ҳаром ўлган молнинг ўлаксаси ётса керак, — деди Абдурасул, қўшлардан кўз олмай ва отини жилғага бурди: — Қани юраберинглар, бўриб кўрайликичи!

Экспедиция<sup>\*</sup> хайрсиз бўлмади. Дастреб тош устини қоплаб ётган, четлари қора-қизил гулдор бир оқ тўқимни учратдилар. Сал нарироқ бориб бирин-кетин икки жазлиқ ётганини кўрдилар. Кейин икки тош орасига қисилиб, узилиб қолган қора чилвир учради. Яна беш қадам нарида бир телпак ётмоқда. Отряд юқорилашган сари шу жилдаги асбоб-анжомлар учрайберди. От устини ердан кўз олмай тўқилган-чочилганларнинг биридан-бирини жуда қизиқиб текшириб бораётган одамлар чўзилиб ётган кимсанни учратиб тўхтадилар ва жуда ҳайрон бўлиб отдан тушдилар. Унинг бошидан-оёқ қум ва тупроққа қорилган гавдаси юқоридан юмалаб келиб шу ерда тўхтаганига гувоҳ эди. Бу калласи янчилиб, қонига беланиб кетган гавдани, золимлар авлодининг белидан-белига ўтиб келган баҳайбат чупор илонга ўхшаш кумуш камарданоқ таниб олдилар. Бу Мадамин эди. Алексей блан Абдурасул „мана натижа дегандай бир-бирларига қарашдилар. Сўнгра яна жасадга тикилдилар. Абдурасул бош чайқаб деди:

— Эссиз, эссиз... аввал бир мартаба ҳалқ олдида тикка қилиб қўйилиб, суд қилинмади-да!

Алексей, Мадаминга ва унинг ёнида ётган бир чўлтоқ милтиқ блан эгри қилингача куз олайтириб:

— Чорт с ним, таслим бўлмаган душманни йўқ қилинади-деганлар, ахир, — деб қўйди.

Шу вақтда, бирон, камар ичидан ҳўнграб йиғлаб чиқиб қолди. Бу, тошлар юмалаганда Бўрикамарга кириб кетиб, жон сақлаган ва рўй берган ҳодиса туфайли телба бўлиб қўрқиб қолган иғвогар Олаҳўжа эди.

Уни қуршаб олиб сўроқлай бошладилар:

— Ие... Ие... деб ажабсинди Абдурасул.

— Ҳа ҳўш, нима бўлди, ўзи? — деб қаттиқ сўради Раҳимқул. Олаҳўжа ҳўнграб осмонни кўрсатди:

— Худонинг амри, укам!

— Ҳа, сенларнинг ишларингга худонинг ҳам қаҳри келибдида, — деди Абдурасул ва сўради; — қолган шерикларинг қаёқда?

— Ҳаммаси, тош думалаши блан тумтарақай бўлиб кетди.

— Тұғри айт, камарга кириб кетган бұлма ҳамманға  
Олахұжа иккі құлни осмонга құтариб яна ёлворди:  
— Парвардигорнинг үзіга рост, иним!

Сүроқ давом әтиб турғанда уч отлиқ блан Давлатәр етиб келди. Ү, кече бу ерда үз акаси учун, Худойқул учун, ҳамма жабр-жафо торғанлар учун жуда ғалати үч олинганини фақат, әндигина, жуда ғуур ғана тамаша құйшыла барлық мұяссар бұлды.

Кечқурун активлар блан отряднинг ярмиси қишлоққа үлжаларни олиб қайтди.

Әртаси куни кечқурун даштта үтиб кетадиган давон йүлидан бирнече құролланған муштумәүрнинг тутиб олингани тұғрисида овоза тарқалди. Улар орасыда бир оёғи оқсоқ бўлиб қолган Зо-кирхўжа қассоб блан укаси Болтахўжа ҳам бор экан.

#### XXXIV

Азамат колхозчилар текинхүр қулакларни тугатиб тинч мөхнат блан ҳаёт кечира бошлаганларидан кейин, партия Алексейни районга чақириб олиб, МТСга директор қилиб тайинлади. Ү кетса ҳам меңнати сарф бўлган жойни, қадрдан бўлиб қолган қишиларни эсдан чиқараолмади. Уч-тўрт кунда бир келиб колхознинг майда-чуйда, икир-чикирларигача суриштириб маслаҳатлар бериб турди, унинг ғамхўрлиги онанинг болага ғамхўрлигига ўхшар әди.

У бир келганды Давлатәрни келинчаги блан машинасига ўтқизиб МТС қошида очилган тракторчилар курсига олиб кетди. Давлатәр ўзининг порлоқ истиқболи блан баҳтиер әди.

Бу орада Қамишканада бўлиб ўтган энг катта шов-шувли бир ҳодиса: бир кун кечаси кооперативнинг томини ўғри тешгани ва шундан уч кун кейин Жумабозор кўпприги устида Бозорбойнинг ўғрилик моллар блан қўлга тушгани овазаси бўлди. „Бозорбойнинг бозори тамом!“ дейишдилар одамлар.

Кунлар тобора қизиб борар әди. Холмурод ўқиши йилини туғаллаб, болаларга жавоб берди ва ба'зибир хушхат болаларни ёнига олиб „Олтин қадам“нинг деворий газетасини чиқариб берди. Яна бўш вақтда, участкаларга бориб газета ўқиб берди гоҳо, зарур бўлганда Абдурасулнинг дафттар ишларига қарашди. Агар унинг хаёлини Гулсум қаттиқ банд қилиб турмаса, балки у Топекентга жўнаган булар ва қадрдан бўлиб қолган ёр-офайнилар, та'лим берган севимли муаллимлар блан кўришиб, ўз ҳаёт йўлини режаси тұғрисида маслаҳатлашган бўлар әди. Гулсум тұғрисидаги хаёл уни ҳеч бўшатмади. У Гулсумни кўрмоқчи, ўз таклифига аниқ жавоб олмоқчи ва шунга қараб иш кўрмоқчи бўлди. Броқ, тобора қизимоқда бўлган кунлар үтаберар, аммо, Гулсум негадир Холмуродга қорасини кўрсатмасди. Ҳатто, Холмурод кўчадан неча мартаба ўтса ҳам, у ўз ҳавлисининг эшигидан, ҳеч бўлмаса биринчи мартаба мўралагандай бир мартаба мўралаб ҳам қўймади. Холмурод аҳволнинг бундай тескарисига

айланиб кётишидан жуда ҳайрон бўлди ва ҳатто кўнгли хира бўлди. Ўз дардини кимга айтишни билмади.

У, бу ҳақда аёл киши Ойимхон опага бирар нарса дейишга албатта уялар эди. Шунинг учун Абдурасул блан маслаҳатлашмоқ фикрига түшди. Броқ Абдурасулни партияли бир обрўй сифатида жуда ҳурмат қилгани учун ўзининг муҳаббат масаласини унинг олдига қўйишга яна истиҳола қилди. Ўлаб, ўлаб охирда, Алимқулни мувофиқ кўрди. Ҳамма учун баббаровар, ўз муомаласи блан ҳатто хотинларга ҳам кўп мақул бўлган бу одам блан бундай шахсий майдагаплар устида ҳам сирлашмоқ мувофиқ эди.

Холмурод унинг олдида, аввал уёқ-буёқдан гап бошлаб, сўнгидаги асл мақсадни баён қилди. Алимқул, бирар арзимаган нарса устида арз қилиб келган одамнинг шикоятини ҳандай совуққонлик блан тингласа худди шу йўсинда тинглаб турди. Тинглаб бўлиб, чап қўли блан пешонасини силаб қўйди-да, ҳеч ўлаб ҳам, иккиланиб ҳам ўтирасдан айтди:

— Бўбти, қиз сизники. Ишни пишириб берамиш!

Холмурод „қандай?“ дегандек бир тарзда унинг юзига қаради. Алимқул давом этди:

— Бир кун иккавимиз тўппа-тўғри уйига кириб борамиш. Кампирга „Ошни қил!“ деймиз. Ошни қилдириб еймиз. Кейин олдингизга Гулсумни чақираман. „Шу йигитни хоҳлайсанми?“ дейман. Салгина илжайиб қийшангласа бас, „Ҳа!“ демаса ҳам майли-қиз сизники... Қўлингизга справка қилиб бераман. Эрталаб ЗАГСга жўнайберасизлар, вассалом — иш тамом!

Холмурод устидан ёғир бир юк тушгандек енгил тортиб энтикли-да, кўзларини Алимқулнинг бироз кулимсираган кўзларидан олмай сўради:

— Э, омон бўлинг, қачон борамиш?

— Ўзим айтаман: — Жума куни борсакмикан? Майли жума куни борақолайлик...

— Бўбти,—деди. Холмурод ва жуда миннатдорлик блан Алимқулга қўлини ўзди.

У, жума куннинг келишини кутди. Гулсумнинг олдига ҳандай кириб бориш, биринчи галда нима деб илтифот этиш, агар дурустроқ гаплашмоқ имкони бўлса яна нималар изҳор қилишни хаёлдан кечирди. Ўзини Гулсум олдида, унинг кўзларига, унинг қулоқларининг устини қоплаган майин чекка сочларига жуда ҳузур блан тикилиб тургандек ҳис қилди.

Ҳали жума куни етиб келмай, Холмурод юқоридаги фикрлар блан юрган дайтда унинг номига бир телеграмма келиб қолди. Телеграмма Тошкентдан шошилинч равишда район маорифиянинг адреси блан Холмурод Дўсматовнинг номига юборилган бўлиб, уни қишлоқларга кун оралатиб газеталар ташийдиган почтачи уч кун кечинкириб олиб келган эди.

Холмурод телеграммани идорада котибининг олдида тез очиб ўқиди. Теллеграммада унинг ўзи блан баравар ҳалқ маориф фронтига отланган мактабдош ўртоқлари шундай мазмунда хабар қил-

ган эдилар: Муаллимлар Москва, Ленинград экскурсиасига бориши учун Тошкентга, Маориф Халқ Комиссарлигига түппланмоқдалар. Бинобарин унинг тез етиб бормоғи лозим:

Холмурод ҳаяжон ичидаги пешанасини қашлаб, Алимқулга қарди. У эса ҳечнарса бўлмагандай секингина гапирди:

— Бемалол бориб, баҳузур тамоша қилиб келаберинг... йигитликда кўриб тамоша қилган қолади.

А, у-чи?..

„Хотиржам“ бўлинг. Сизнинг кўнглингиз астайидил шу қизда экан, уники сизда экан, уни мен ҳечкимга бердирмайман. Сиз bemalol ўйнаб келаберинг!..

Холмурод худди йўқолган нинани қидираётгандай ерга қараб ўйланди-да:

— Сиз блан олдига кириб, бир оғиз ҳайрлашиб чиқайлик, бўлмаса! — деди.

Алим бошини чайқади:

Йўқ, — ортиқча гап-сўз бўлмасин. Келганингиздан кейин ишни бир кунда шартта битирамиз.

Котибининг бу фикрлари ҳам унга ма'кул бўлди. Ҳаяжон ичидаги кетиш тараддудига киришди. Ҳужрасига кириб китобларини яхшилаб тахлаб, устидан чанг босмасин учун газеталар ёпиб қўйди. Енгил-елпи кийимлар блан чочиқни тахлаб, чоғроқ тугун қилиб, олди. Ҳамма далага чиқиб кетган эди. Холмурод улар блан йўл-йўлакай ҳайрлаша ҳайрлаша кетмоқчи бўлди. Гулсумнинг ёпиқ эшигига қия боқиб ўтди. Ўтар экан, оёқларининг тортишиб, дилининг аллақаери жизиллаётганга ўҳшади. „Тўхта, — деди шу ерда ўз-ўзигава тўхтади: — агар мен шу ҳолда индамай кетаверсан барибири қаерга бормай, ҳечбири курсанд бўлолмасман. Одамлар гап қилганидек, гўзим уёқлардаю, кўнглум буёқда юраберар... Яхшиси, дўстларга: „Орқаларингдан етиб бораман“ деб узур сўраб телеграмма юбораю, ўзим ишни бирёқли қилмасдан бу ердан кетмай!“

Шундай фикрлар блан Алимқулнинг олдига кирди. У қувонч блан ўрнидан турди.

— Хўш, жўнадингизми, укам!

Йўқ, ҳали, — деди Холмурод, секингина — бугун кетмайдиган бўлдим. Яна бир фикр туғилди.

— Хўш?

— Ўзим блан олиб кетиб, Москвани тамоша қилдириб келсан нима дейсиз?

— Борармикан?

— Бўёқдагиларини кўндирысак, борар дейман.

— Борса яхши. Унинг савобига ким етади! Хайр, эртага уйига кирайлик, бўлмаса.

— Шундай қилайлик!

Эртаси куни яна бир тасодиф юз берди. Уша куни кечаси Холмуроднинг мазаси қочди: эти учиб, тоби айниди. Бетоблик эртабгача эўрая бориб, чошкога яқин шундай бир қаттиқ иситмага айландики, Холмурод ҳушсиз бир аҳволда ўзини билмай алаклаб

етди. Ўз ёнига келган-кетгани фарқлай олмади. Ойимхон она унинг атрофида „отам-отам“, қилиб айланиб эси кетди.

Холмурод пешинга бориб, бироз ўзига келди.

— Кўнглингиз нима тилайди, отам, — деб сўради Ойимхон она.

— Ҳечнарса, — деди Холмурод.

Алимқул йўқлаб келди. У Холмуроднинг бетоблигини боя ёшишган эди.

— Ҳа, нима бўлди? — деди у.

— Ҳа, буни қарангга, шунаقا бўлар экан-да! — деб қулимсиради Холмурод.

— Ҳа, ҳечнами әмас, яхши бўлиб кетасиз.

Холмурод унинг блан суҳбатлашар экан, ўзини тобора яхшироқ ҳис қилди.

— Тан сиҳатлик бўлса, эртага борамиз, бўлмаса, — деди котиб.

— Яхши!

— Ҳа, қаёққа бормоқчи эдиларинг? — деб суриштириди Ойимхон.

— Ҳа, ўёқда бирор мөхмонга айтган эди.

Ким экан ўзи?

Холмурод қўллари блан юз ва кўзларини силади.

Бирор! — деди Алим ва сирли бир қараш блан Ойимхонни тинчлантириди. Бироздан сўнг улар бирга чиқиб кетдилар.

Эртаси куни яна боролмадилар. Яна худди ўшандай тун ярмида эт учабошлади. Тонга бориб безгак зўрайди, тушга бориб Холмурод тамом беҳуаш бўлиб ётди. У бу галти алаклашда Гулсум блан аллағандай жойларда бирга бўлди, ҳималардир гаплашди... Пешинга яқин ҳол-аҳвол сўраб ўз олдига келганларни бир-биридан фарқ қилиб гаплаша бошлади. Ҳарбир кўнгил сўраб, йўқлаб келган кишига самимий миннатдорлик билдириди.

Эртаси иситма авжига чиқсан пайтда унинг беҳуш хаёли яна Гулсум блан банд бўлди. Гулсум жуда бир ажойиб хушбўй иссиқ патирларни патнуси блан Холмуроднинг олдига қўйиб, уни емоққа қистар, у эса иштаҳасиз, егиси келмас эди. Гулсумнинг мулоийим овози блан Холмурод кўзини очди. Ҳушига келгандай бўлди. Броқ, ўз олдида Гулсум турганини кўриб, ўзининг ҳушига келганига ишонмади. Иккинчи ёнига ўнгарилиб олди.

— Ҳа, бетоб бўлиб қолдингизми?

Холмурод таниш, мулоийим овозни аниқ ёшишиб, яна қаради. Бу унинг алаксиб беҳуаш ётганидаги хаёли әмас, чинакам Гулсум эди. Холмуроднинг қақраган лаблари қимирлади.

— Э, бу сизми, келдингизми? — деди. Ўзининг касал бўлиб ётганидан уялиб бошини кўтарди. Орқасини ёстуқка суюб, кўкрагини кўрпача блан тўсив ўтириди.

— Ҳа, мен келдим, сизга, ялпиз солиб қатиелаб, гўжа қалиб келдим. Мана бу иссиқ патирдан еб, гўжадан иссиқ-иссиқ ичин... Келинг, мен болингизни тутиб турақолай... Иссиқ-иссиқ ичиб бир терлангчи, зора шу блан иситмангиз чиқиб кетса...

Гулсум, хушбўй патир блан катта сопол товоқдаги ялпиз хиди онқиб турган гўжани Холмуроднинг олдидаги курсига ўнгайлаб қўйиб, ўзи унинг бошини тутиб турди. Холмурод кўнгли

хеч кутармаса ҳам, патирдан бир тишилаң, катта ёғоч қошиқда гүжадан катта-катта хұплаб ичди. Уни фақат Гулсум келтиргани учун ичди. Гүжанинг ярмисини ичиб лабларини артди.

— Раҳмат, — деди у тили блан лабларини ялаб, жуда ажойиб бўлибди. Раҳмат!

• Яна ёстиққабошини қўйди ва шинга қараб ётиб, гапирди:

— Ўйларингизга мәҳмон бўлиб бормоқчи эдик, бундай бўлиб қолди, фалокат...

Ха, Алимқул акам айтди ҳали, Ойимхон опам блан иккави бизникига боришган эди, — деди Гулсум ва каравот четига ўтириди-да, яна илова қилди: — Москвага жўнамоқчи бўлганлигинги ҳам айтишди. Кейин „гўжа олиб бор“ леб, мени бу ёққа жўна-тишди...

Холмуроднинг қисилган куэларида хурсандчилик учқунлари ийтиради. Коңсиз лабларини қимтиб, секингина гапирди:

Ха Москвага сизни ҳам олиб бориб тамоша қилдириб кел-сам деган эдим. Борасизми?

Гулсум Холмуродга томон әгилди-да, қўлини унинг пешона-сига қўйди. Н тез-тез нафас олар эди. Холмурод ўз қўллари блан унинг қўлини силади ва силар экан гапирди:

Эрта-индин тузаламан. Бирга жўнаймиз. Волга деган дар'ё да пароходга тушамиш.

— Ленин бувамни кўрамизми? — деди Гулсум жилмайиб.

Албатта, курамиз!

Гулсум унинг пешонасидан қўлини олди ва меҳрибон кимса-сига эркаламоқчи бўлган ёш боладек илжайиб, қоп-қора мин-натдор кўзларини Холмуродга тикиди. У гўё „ростми, худди-шун-дайми?“ демоқчи эди. Холмурод ҳам ёстиққа кўтарилиб ўтириди ва қизга тикилиб: „Худди шундай!“ дегандай бошини иргитиб кулимиради. Шу топда Гулсум йигитнинг ўзига тикилган му-ҳаббатга ташна кўзларидан уялиб қизарган юзини деразага бурди ва шу ҳолда иккави ҳам жим бўлишиб қолди. Брок, бу сукунат бўш ва ма'носиз эмас эди. Шу сукунатда уларнинг хаёллари узоқ-узоқларга саёҳат қилас, кўзлари эса жуда бир ажойиб ва гўзал келгусини кўрар эди.

Фақат ўша нафас, ўша кун, уша ойгина эмас, йиллар утди. Келгусининг ажойиб ва гўзаллигини — кишининг эркин мөҳнат ва роҳат ҳаёт, қувонч ва вақтчоғлиқ учун туғилганини ҳаётнинг ўзи рўй-рост қилиб берди.

Ҳулди ана шу эркин ва қувончли ҳаётни колхоз берди.

Тамом.

## ПИЛЛАЧИЛАР ҚҰШИҒИ

Ариқ бүйига қатор  
Тут күчати ўтказдим.  
Пилланинг планини  
Мұлжалимга етказдим.

Бошимда шоҳи дурра,  
Атлас күрпа тахмонда.  
Мәжнат қилиб давлатға  
Пилла бердим, баҳт менда.

Тут күчати ўтказдим,  
Қуртимиз түқ бұлсın деб.  
Донгдөрлармиз, қолоқлик  
Ша'нимизга бұлмас эп!

Колхозим обод бұлди,  
Соф, ҳалол мәжнатимдан.  
Сталин омон бұлсин,  
Үргуламан баҳтимдан.

21.V.4

Бухор

*АСАН БЕГИМОВ*

## *ВАТАНИМ*

Халқым озод, бу күнларда юрт обод,  
Бошимиздан кеттган қора зулумот,  
Бурун элим күрганмиди бу каби  
Мәхрибонлик, паровонлик:  
- яшар шод!

Атлас каби ранг-барангдир кенг дала,  
Хирмон-хирмон пахта бизнинг айлана,  
Ватанини севган ботир қўлларда  
Эркин меҳнат топди ривож-тантана.

Гурт турлик мол пода-пода семирган,  
Кенг яйловда эркин ўсган, етилган,  
Дала, қирни янгратади неча жон,  
Бурун бундай хўшибоҳт күнлар бўлмаган.

Қўз қувонар боқсанг — ҳарён чиройли,  
Қўм-кўк яшинар боғу бўстон — чиройли.  
Эл баҳтини қушлар қутлар ҳавода,  
Меҳнат-роҳат, ўтган ҳар он чиройли.

Букун турмуш нурга ботиб яшнаган,  
Булоқ қўзин очган, ерлар яйраган,  
Гулга тўлган умримизнинг ёзида  
Огулларда булбул учиб сайраган.

Ленинжоп<sup>1</sup>винг суви олтин, ери бой,  
Соҳилида боғлар унди биртолой,  
Оқ қалпоғин кийиб пахта нур сочар,  
Оқ олтиннинг кони бўлди Шамоной,<sup>2</sup>

Донги чиққан — довруғи зўр ҳар йили,  
Соҳозидан, меҳнатидан шод эли,  
Пахталари денгиз каби чайқалар  
Ҳар мақомга ўйнатади тонг ели.

Электрдан чироғлари порланди,  
Кече, кундуз ҳаёт болқиб қайнайди.  
Сталиннинг замонида Шамоной  
Кишиликнинг бахти блан қувнайди.

Қизил байроқ ҳиллирайди товланиб,  
Колхоз қизи тонгда чиқар шайланиб.  
Хатча блан Уролойнинг довруғи  
Кетди бутун кенг ватанни айланиб

Оқ олтинга тұлған бизнинг еримиз,  
Шоду ҳуррам яшар бахтли элимиз,  
Поезд юриб Шамонойнинг устидан<sup>3</sup>  
Яна обод бұлар олтин юртимиз.

1917 йыл.  
Нұксе.

<sup>1</sup> Ленинжоп — каналнинг оти.  
<sup>2</sup> Шамоной — қишлоқ.  
<sup>3</sup> Чоржоу — Күнғирот темир йулы.